

ИЗЗАТИЛЛА ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ



ИЗЗАТИЛЛА ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ
КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ
(1917–1934-йиллар)

ТОШКЕНТ
«ABU MATBUOT-KONSALT»
2008

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори, профессор *Р. Ҳ. Муртазаева*

Тақризчи:
тарих фанлари доктори *Қ. К. Ражабое*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази Илмий ҳайъати томонидан 2008 йил 16 апрелда нашрга тавсия этилган.

Ҳайдаров, Иззатилла.

Ўзбекистонда иқтисодий кенгашлар фаолияти (1917–1934-йиллар) / И. Ҳайдаров; Масъул муҳаррир Р. Ҳ. Муртазаева. – Т.: «ABU MATBUOT-KONSALT», 2008. – 152 б.

ББК 63.3(5Ў)6

Мазкур монографияда совет давлати бошқарувининг муҳим бўғинлари сифатида Туркистон АССР ва Ўзбекистон ССРда махсус ташкил этилган Туркистон Иқтисодий Кенгаши ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши фаолиятлари, ундаги зиддиятли ҳолатлар, уларнинг ўлкада олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги ўрни таҳлил қилинди.

Мазкур китоб олий ўқув юртлари талабалари ва Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

СУЗБОШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси демократик ва ҳуқуқий давлат барпо қилишнинг тубдан янги босқичига қадам қўйди. Доимий равишда фаолият юритадиган икки палатали парламент юзага келди. Бу парламент ёрдамида халқ ҳокимиятини, эркин фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш имкони яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида бугунги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб, уни қуйидагича изоҳлаган эди: «Мустақилликнинг қадрини ҳали тўла тушуниб етмаган (агар шунақа инсонлар ҳали бери мавжуд бўлса), ҳанузгача эски совет пайтидаги ҳаётни қўмсаб турадиган одамлар шуни яхши билиб олсинки, собиқ тузум даврида жар ёқасига келиб қолган Ўзбекистон, ўзбек миллати мустақиллик туфайли тараққиётнинг катта йўлига чиқди, ўзининг тили ва динига, миллий қадриятларига қайтадан эга бўлди. Буни тушуниш, англаш учун тарихни яхши билиш, уни доимо ёдда тутиш лозим. Тарихни унутган халқ келажакни йўқотади»¹.

Ўзбекистон тарихи сохталаштирилган совет даврида маънавий-сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий яккаҳокимлик натижасида тарихчи олимлар учун ҳақиқатни очиб беришга имконият йўқ эди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихи тикланди, уни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек: «Ўз тарихини билмаган жамият истикболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 16.

қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргиликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кундан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди»¹.

Давлат раҳбарининг ушбу мулоҳазаларидан келиб чикиб, биз монографияда архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари асосида Марказнинг дастлаб хом ашёга бой Туркистон АССР, сўнгра Ўзбекистон ССР ва бутун Ўрта Осиё республикалари иқтисодиёти устидан мунтазам назорат ўрнатиш мақсадида жойларда ўзининг «кўзи ва қулоғи» бўлган Иқтисодий Кенгашларни пастдан юқоригача босқичма-босқич ташкил қилиб бориши, ҳар бир республикада олий бошқарув органи сифатида иш юритган Иқтисодий Кенгашлар ўзининг қарийб 14 йиллик фаолияти давомида нафақат бутун совет давлатининг, шунингдек, унинг таркибий қисми бўлган Туркистон АССР, БХСР, ХХСР, сўнгра Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ҳамда бошқа мухтор республикалар ва мухтор вилоятларнинг иқтисодиётини Марказ манфаатларига бўйсундиришда, уларнинг иқтисодий жиҳатдан бошқарувини Марказ қўлига маҳкам тутқазишда, барча Ўрта Осиё республикаларининг СССР ягона халқ хўжалиги мажмуасидаги ўрнини белгилаб беришда муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги каби зиддиятли муаммолар ва уларнинг сабабларини ишончли маълумотлар асосида тадқиқ этишга ҳаракат қилдик.

Муаллиф ушбу қўлёзмани нашрга тайёрлашда катта ёрдам кўрсатган т.ф.д., профессор *Р.Ҳ.Муртазаева*га ва тақризчи т.ф.д. *Қ.К.Ражабов*га миннатдорчилик билдиради.

¹ *Каримов И.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т. 14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. –Б. 219.

1.1. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги

Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги масаласи анча мураккаб бўлиб, мазкур жиҳат ҳозиргача алоҳида тадқиқ этилмаган. Мавзуга тегишли тарихий адабиётларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчиси – XX асрнинг 20–80-йилларида яратилган адабиётлар, иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин нашр этилган тадқиқотлар.

XX асрнинг 20–40-йилларида яратилган асарлар, тадқиқотлар асосан матбуотда ва турли тўпламларда чоп этилган бўлиб, уларнинг муаллифлари иқтисодчилар, тарихчилар, хўжалик ходимлари ва йирик давлат арбоблари эди. Ҳақиқат муаллифлар тарихий воқеаларнинг жонли гувоҳи ва иштирокчиси сифатида воқеаларни кузатиб, мақолалар¹, рисола ва асарлар яратишган². Дастлабки мақолалар ўлканинг шу даврдаги ижтимоий-иқтисодий

¹ *Пославский Ю.* Об органах управления народным хозяйством Туркестанской Республики // Народное хозяйство Туркестана. –Т., 1919. №1. –С. 2–4; *Маркович М.* Вопросы национализации // Народное хозяйство Туркестана. 1919. №17. –С. 12; *Муроминский А.* Экономическая политика Туркестана // Три года Советской власти. –Т., 1920. –С. 17–33; *Асфендиаров С.* Хозяйственное строительство и национальная проблема. // Известия ТуркЦИКа. 1922. 1 февраля; *Голицкий П.* Сельскохозяйственный кредит. // Туркестанская правда. 1923. 4 мая; *Федоров Е.* К истории коммунистической партии Туркестана (1918–1925 гг.) // Коммунистическая мысль. –Т., 1926. Кн. 2 ва бошқалар.

² *Сафаров Г.* Колониальная революция (Опыт Туркестана). –М. 1921; *Муроминский С.Д.* Материалы по истории октябрьской революции в Узбекистане. –Т., 1922; Ҳақиқат муаллиф. Из истории Коммунистической партии Туркестана. –Т., 1922; *Бауман В.* Борьба за власть Советов в Ташкенте. –Т., 1922; *Рыскулов Т.* Новый Туркестан. –Т., 1923; Ҳақиқат муаллиф. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Ч. 1. 1917–1919 гг. –Т., 1925; *Икрамов А.* Итоги земельной реформы и перспективы ее завершения. –Т., 1925; *Айниев С.* Бухоро инкилоби тарихи учун материаллар. –Т., 1926; *Ходжаев Ф.* К истории революции в Бухаре. –Т., 1927; *Резцов Л.* Октябрь в Туркестане. –Т., 1927; *Алексеевков П.* Крестьянское восстание в Фергане. –Т., 1927; Ҳақиқат муаллиф. Кокандская автономия. –Т., 1931; *Ходжанов С.* К 10 летию Туркестанской Советской Автономии. –Т., 1928 ва бошқалар.

икки йилга тўхтаб қолди. Ўлкадаги мустамлака хусусиятига эга бўлган иктисодиёт 1917–1918-йиллардаги ҳосилсизлик туфайли янада огирлашиб кетди.

1917 йилда экин экиладиган майдонлар 1915 йилдаги 3,5 млн десятинадан 2,3 млн десятинага тушиб қолди. Қишлоқ хўжалигининг таназули туфайли ўлкада бор-йўғи 52 млн пуд ғалла йиғиб олинди, аслида эса ўлканинг ғаллага бўлган эҳтиёжи 111 млн пудни ташкил этарди¹. Буларнинг натижасида ўлкада очарчилик бошланди.

Вайронагарчилик саноатни ҳам четлаб ўтмади. Саноат ишлаб чиқаришининг камайиб кетиши ҳамда Россиядан саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш тобора қисқариб бориши натижасида нарх-наво ошиб борди. Масалан, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун ўта зарур ҳисобланган буғдой унининг 1 пуди 1916 йилда 5 рублни ташкил этган бўлса, 1917 йилда унинг нархи 45 рублгача кўтарилди². Шу каби бошқа турдаги маҳсулотларнинг нархи ҳам кескин тарзда ошиб кетган эди.

Большевиклар режимининг хусусий мулкчиликни йўқотишга, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий давлат мулкчилигини авж олдиришга, халқ хўжалигига раҳбарликни ниҳоятда марказлаштиришга, шу билан бирга, зўравонликка асосланган иктисодий сиёсати ва усуллари вайронагарчиликни янада кучайтирди.

Туркистон большевикларининг дастлабки ойлардаёқ бошлаб юборган национализация сиёсати дастлаб йирик саноатнинг етакчи тармоқларини давлат мулкига айлантирди. Етарлича тайёргарлик кўрмасдан, тажрибасизлик ва зўравонлик билан ўтказилган бу сиёсат ўлка иктисодиётини янада издан чиқарди. Национализация қилинган, амалда эгаларидан тортиб олиб, давлат мулкига айлантирилган корхоналар яроқсиз ҳолга келиб қолди. Натижада халқ хўжалиги вайрон бўла бошлади, пахта тозалаш заводлари тўхтаб қолди, пахта экин майдонлари ва пахта етиштириш кескин қисқарди. Ўлка ишсизлик, очлик, эпидемия оғушида қолди. Национализация жараёнлари аграр соҳада ҳам давом эттирилди. Совет ҳокимиятининг жойлардаги вакиллари Бутунроссия советларининг II съездида (1917 й. октябрь)

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т., 2000. –Б. 102.

² УзР МДА. 400-фонд, 1-руйхат, 2804-иш, 139-варақ.

қабул қилинган ер ҳақидаги декретни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар, унга мувофиқ ерга бўлган хусусий мулкчилик бекор қилинди¹. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 6 декабрдаги қарорига асосан ер кўмиталари тузилди². Ер кўмиталари ўзига тўқ дехконларнинг ерларини ҳам ҳисобга ола бошладилар. Дехконлар жойларда ер кўмиталарини тузиш ҳаракатини жиддий қаршилик кўрсатиш билан кутиб олдилар. Шунга қарамадан ер кўмиталари 1918 йилнинг биринчи ярмида бир неча ўнлаб подшо, помешчикларга қарашли мол-мулклар ва бадавлат дехконларнинг йирик хўжалиklarини национализация қилди.

Большевикларнинг бу хатти-ҳаракатлари, уларнинг ўзбошимчалик, зўравонлик ва маъмурий чора-тадбирлар билан ўрнатган тартиб-қоидалари ўлка халқларининг совет режимига қарши оммавий норозилигини юзага келтирди. Бу норозилик дастлаб Фарғона водийсида, кейинчалик Туркистон ўлкасининг чекка ҳудудларигача ёйилди. Совет режимига қарши қаратилган бу ҳаракат аслида истиқлолчилик ҳаракати эди (совет даврида «босмачилик» ҳаракати деб нотўғри баҳоланган)³. Бу ҳақда Марказдан Туркистонга юборилган Г.Сафаров шундай ёзган эди: ...«босмачилик эски Кўконнинг тор-мор қилиниши ва мустамлакачиликнинг кейинги номаъкулчиликлари оқибати сифатида миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураши негизида ўсиб чиққан».

Вужудга келган ғоят мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш мақсадида совет ҳукумати ҳарбий чора-тадбирлар билан бир қаторда фавқулодда иқтисодий чора-тадбирлар ҳам белгиладики, уни бошқаришда ўта марказлашган йўлни танлаб олди. Большевиклар социализмнинг дастлабки босқичидаги бу тадбирни «ҳарбий коммунизм сиёсати», деб талкин қилишган эди. Ҳарбий коммунизм давридаги хўжалик сиёсати ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга қаратилган сиёсат бўла олмас эди. Аслида эса бу вазифа совет ҳокимиятини сақлаб қолишга қаратилганди. Бундай аҳволда халқ хўжалигига нисбатан асосий шиор

¹ Победа Великой Октябрьской революции в Туркестане. Сборник документов. –Т., 1957. –С. 163–164.

² Туркестанские ведомости. 1917 г. 9 декабря.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: *Раджабов К.К.* Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1995. –Б. 62.

уни муस्ताҳкам тарзда тиклаш эмас, балки «ишлаб чиқарувчи кучларни кўпориб бўлса-да, тезда маҳсулот олиш»¹дан иборат бўлган.

Ҳарбий коммунизм сиёсати Туркистоннинг муайян тарихий ва маҳаллий шароитини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширила бошланди. Туркистон большевиклари бу сиёсатни рўёбга чиқаришда ҳатто анча тараққий этган минтақаларни ҳам орқада қолдириб кетдилар. Хусусан, агар 1918 йил ўрталарига қадар советлар Россияда барча корхоналарнинг 11%ини давлат мулкига айлантирган бўлса, Туркистонда бу кўрсаткич 45%ни ташкил этган эди².

Ҳарбий коммунизм сиёсатининг моҳиятига кўра, фақат йирик саноатнигина эмас, балки энг майда касибчилик устахоналаригача умумийлаштиришни тақозо қилар эди. Туркистон маъмурлари учун бу тадбирни амалга оширишда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 28 июндаги йирик саноат ва транспортни ялписига национализация қилиш тўғрисидаги декрети дастур ва асос бўлиб хизмат қилди. Ана шу декрет асосида фабрика, завод типидagi барча йирик ва ўрта корхоналар, шунингдек, ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидagi майда корхоналарнинг бир қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига олинди. Умуман олганда, большевиклар томонидан 1921 йилнинг 1 январигача 1175 та саноат корхоналари (уларнинг кўплари майда корхоналар) национализация қилиниб, давлат мулкига айлантирилган эди³.

Большевикларнинг ҳарбий коммунизм сиёсати оқибатида ўлка деҳқонлари қийин аҳволда қолди. Бу сиёсат натижасида озиқ-овқат танқислиги юзага келди. Архив маълумотлари ва адабиётларда келтирилишича, 1920 йилга келиб 1 млн киши очарчилик гирдобига тушган бўлиб, уларнинг асосий қисмини маҳаллий аҳоли ташкил қилган⁴.

Совет ҳокимияти ўлкани қамраб олган озиқ-овқат танқислигини ҳал қилишга уриниб, «Ғалла монополияси тўғрисида», «Синфий нон паёғи тўғрисида», декретлар қабул қилди. 1919 йил 4 июндан

¹ Бухарин Н.И. Избранные произведения. –М., 1988. –С. 24.

² История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. –Т., 1962. –С. 30.

³ Статистический сборник. 1917-1923 гг. –Т., 1924. –С. 107.

⁴ Таққослаш учун қаранг: Семенюта В.А. Продовольственный кризис в Туркистане в 1917–1918 годах и его продолжение // Общественные науки в Узбекистане. –Т., 1989. №12. –С. 35; ЎзР МДА. 35-фонд, 4-руйхат, 45-нш, 379-варак.

Туркистонда «Озиқ-овқат директорияси» жорий қилинди¹. Лекин булардан маҳаллий аҳоли учун амалий фойда чиқмади.

«Синфий нон паёғи тўғрисида»ги декретга мувофиқ, Туркистонда карточка тизими жорий қилинди. Бу декрет энг аввало рус аҳолисидан иборат ишчилар синфини таъминлашни кўзда тутар эди. Бунга 1919 йил 17 мартда Туркистон советларининг фавқулодда VII съездидаги Мусахоновнинг сўзлари яққол далил бўла олади: «Кўзонда профсоюз ташкил қилиниб, унинг таркибида 10-12 минг киши пролетариат аъзоси деб ҳисобга олинди. Уларнинг 400 нафари коммунист бўлиб, 800 нафари ишсиз ва озиқ-овқат карточкасига эга эмас. Қачон улар коммунистлар таркибига кирсалар, 15/11 озиқ-овқат карточкаси ва нон берилади. Озиқ-овқат карточкаси орқали европаликларга 1/4 ф. нон ажратилади, маҳаллий аҳолига эса 1/2 ф. холос. Уларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан белгилаган нархлари ҳам бошқача. Мисол учун, европаликларга ноннинг 1 фунти 76 тийин, чой – 30 рубл, маҳаллий аҳолига эса чой 50 рубл, нон 1 рубл 76 тийин». Ушбу съезднинг (1919 йил март) иккинчи кунда сўзга чиққан Мусахонов йиғилишдагиларнинг диққатини жалб қилиб, шундай дейди: «Халқнинг 95%и очликдан ўлмоқда, ўрток европаликлар эса бу масалани қандай ҳал қилишни ўйламаяптилар»².

Туркистон советларининг фавқулодда VII съездида сўзга чиққан Т.Рискулов мамлакатдаги аҳвол тўғрисидаги маърузасида шундай дейди: «...Ноқулай иқлим натижасида нафақат ўт-ўлан, бугдой, ҳатто пахта ҳам бўлмади. Айниқса, аҳолининг чорвасида оғир танглик намоён бўлди. Натижада чорва моллари озуқа йўқлигидан ўлди, чорвадорлар эса корин тўйдириш мақсадида нафақат уй анжомлари, ҳатто охирги кийимларини ҳам сотдилар. Қачонки касалликка чалинган молларини қурт кемириб ейишни бошлаганида аранг итларига ташладилар, бундай шароитда озиқ-овқат директориясини жорий қилиш мумкин эмас»³.

Туркистоннинг аҳволи тўғрисидаги бу каби ҳаққоний далиллар ҳам большевикларни ўз йўлларида қайтара олмади. Туркистон

¹ Материали III съезда КП Туркесублики. –Т., 1919. –С. 23.

² ЎзР ПДА. 60-фонд, 99-иш, 71-варак.

³ ЎзР ПДА. 60-фонд, 99-иш, 76-варак.

⁴ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 61-варак.

МИКнинг 1919 йил 4 июнда бўлиб ўтган мажлисида темир йўл комиссарлигининг сўзлари бунга яққол далил бўлади: «Ғалла монополияси ўтказилар экан, қурол кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 млн киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилига ўрта ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисоблаганда ҳам 75 млн пуд ғалла керак. Амалда 35 млн пуд ғалла йиғилди. Озиқ-овқат директорияси ундан 15 млн пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 млн мусулмон аҳолиси очарчилик гирдобиди қолди»¹.

Ҳарбий коммунизм сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири озиқ-овқат развёрсткасини амалга ошириш эди. Большевиклар озиқ-овқат развёрсткасини зўрлаб давлат ихтиёрига олиш сиёсатига айлантириб қўйишган эди. Натижада деҳқон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан манфаатдор бўлмай қолди. Чунки деҳқон онгида «барибир тортиб олишади», – деган фикр ҳукмрон эди. Озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни янада кучайтириб юборди. Ўлкадаги озиқ-овқат тўпловчи отрядлар фақат 1920–1921 хўжалик йилининг ўзида маҳаллий аҳоли қўлидан 9.708.703 пуд ғалла, 6.358.144 пуд ем-хашак, 1.606.210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни зўрлик билан тортиб олишди².

Бу сиёсат шусиз ҳам Туркистоннинг ўта мураккаб иқтисодий аҳволини янада оғирлаштириб юборди. Натижада қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кескин камайди – 1915 йилдаги 3 млн 300 минг десятинадан 1920 йилда 1 млн 200 минг десятинага, яъни икки баробарга қисқарди³. Пахта экин майдонлари 1915 йилдаги 523,6 десятинадан 1920 йилда 109 минг десятинага тушиб қолди⁴. Ўртача пахта толасини етиштириш эса 1915 йилга нисбатан 1921 йилда 5%га камайди. 1916 йилдаги ҳар бир десятина ердан олинадиган ҳосил 95 пуддан 1920 йилда 25 пудгача камайди⁵. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан

¹ ЎзР МДА. 17-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 138-варак.

² Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. –Т., 1965. –С. 130.

³ Резолюции и постановления съездов КПТ 1918–1924 гг. –Т., 1958. –С. 52.

⁴ Жизнь национальностей. № 26/124. 1921. 19 ноября.

⁵ Туркестанская экономическая жизнь. Орган ЦСНХ и ЭСТР. № 3. 1922. 13 января.

булган чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, асаларичилик ҳамда боғдорчилик соҳаларида ҳам маҳсулот етиштириш пасайиб кетди. Хусусан, чорвачилик соҳасида 1917 йилда бутун ўлка бўйича 19.082.968 бош чорва моллари рўйхатга олинган бўлиб, 1920 йилга келиб 8.112.579 бошга тушиб кетган, бу эса 1917 йилга нисбатан 58% қисқариш юз берганини кўрсатади¹. «Республика саноатининг 1920 йилда ялпи маҳсулот чиқиши урушдан олдинги даражанинг 20%ига аранг етди»².

Хуллас, Туркистонда совет ҳокимиятининг ҳарбий коммунизм сиёсати ўз халқига нисбатан ноинсоний сиёсат эканлигини кўрсатди. Бунинг натижаси ўларок, ҳақиқатда большевиклар тасавуридаги ҳарбийлашган жамият вужудга келдики, унинг асосий белгилари бошқарувни мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш, хусусий мулкни бекор қилиш, хўжалик юритишнинг мусодара усуллари, жазо чоралари билан меҳнатга мажбур қилиш, бозор иқтисодиёти тизимини барбод қилиш, миллий ва инсонпарварлик қадриятларини марксча синфий қадриятлар билан зўравонларча алмаштиришдан иборат эди. Большевикларнинг ана шу сиёсати ҳаётга жорий қилиниши оқибатида иқтисодиётнинг ҳалокатли инқирози, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви юз бердики, натижада совет ҳокимиятининг яшаши гумон бўлиб қолди. Юзага келган бу жиддий вазият совет давлати раҳбариятини бу иқтисодий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини қайтадан кўриб чиқишга мажбур қилган эди.

Совет ҳокимияти инқирозли аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир йўлини иқтисодиётни ҳам бир жойдан туриб бошқариш ва тақсимотни ҳам бир жойда амалга ошириш зарурлигида, деб билди. Гап шундаки, ўта марказлашган мустабид давлатнинг бир жойдан туриб бошқариладиган ва Марказга мутлақ бўйсунадиган мустаҳкам иқтисодий базасини ташкил қилиш асосий масалалардан бири бўлиб турган эди.

Шу боис, РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг «Наказ»га амал қилиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасида совет ҳукуматининг

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-рўйхат, 35-иш, 9-10-варақлар.

² Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-цы 1921 г. –Т., 1922. –С. 174.

раҳбари В. Ленин совет давлати органларининг амалий фаолиятини социализм қуриш истиқболига боғлаган ҳолда ишлаб чиқди. Наказда келтирилишича, «маҳаллий хўжалик органлари ишини мувофиқлаштириш, шунингдек, назоратни амалга ошириш учун маҳаллий иқтисодий кенгашлар тузиш таклиф этилган. Иқтисодий Кенгашлар маҳаллий органларга партия ва ҳукумат кўрсатмаларини, қарор ва директиваларини амалга ошириш, жойларда Марказнинг назоратини кучайтириш имконини беради»¹.

Лениннинг бу кўрсатмаси асосида барча жойларда, жумладан Туркистонда ҳам республика иқтисодиётига раҳбарлик қилиш учун 1921 йилнинг февраль ойида Тошкентда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС), вилоятларда эса вилоят иқтисодий кенгашлари тузила бошлади² (улар вилоят ижроия кўмиталари бўлимларининг ҳуқуқларига эга бўлган).

1921 йил 14 мартда Туркистон АССР МИҚнинг Марказий ва маҳаллий иқтисодий органларни бирлаштириш тўғрисидаги қарори чиқди. Унда шундай дейилган эди: «совет ҳукумати бутун аппарати-ни хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда уни маҳаллий ва умумдавлат вазифаларини бажаришга жалб қилиш мақсадида Туркистон Советлари Марказий Ижроия Кўмитаси қуйидагича қарор қилади:

1. Туркистонда Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети қошида комиссия ҳуқуқига эга бўлган «Иқтисодий Кенгаш» ташкил этилсин.

2. Иқтисодий Кенгаш таркибига Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари кичик кенгаши ва қуйидаги халқ комиссарлари қиради: меҳнат ва ерни қайта ишлаш, алоқа йўллари округи, қасаба уюшмалари кенгаши раиси, Туркфронт инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси ҳамда маслаҳат бериш овози билан Туркистон Республикаси статистика бошқармаси бошқарувчиси.

3. Иқтисодий Кенгашга хўжалик қурилиши соҳасидаги идораларни бошқариш ва мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолиятини кучайтириш топширилсин»³.

¹ Ленин В. Тула асарлар тўплами. Т. 43. –Т., 1979. –Б. 298.

² Ўзбекистон ССР тарихи. –Т., 1971. –Б. 345.

³ УзР МДА. 25-фонд, 1-руйхат, 444-иш, 1-варак.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсат олиб борилаётган шароитда Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТИК)¹ Туркистон АССР ҳудудидаги олий бошқарув органи сифатида ўзига хос маъмурий тизимдан иборат бўлиб, марказий, вилоят ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташкил топган эди.

ТИК марказий орган сифатида қуйидаги таркибий қисмлардан иборат эди: 1. Котибият; 2. Туркистон режа қўмитаси; 3. Тақсимот комиссариати; 4. Илмий институт; 5. Нашриёт.

Вилоят ва уездлардаги кенгашлар таркиби ҳам деярли шу тарзда тузилган эди. Чунки «Марказий ва маҳаллий иқтисодий органларни бирлаштириш» тўғрисидаги 1921 йил 14 март қарорида вилоят ижроия қўмиталари қошидаги кенгашлар зиммасига маҳаллий иқтисодий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш юклатилган эди. Унга қўра вилоят иқтисодий кенгашлари таркибига қуйидагилар киритилди: вилоят халқ хўжалиги таъминоти раиси, вилоят озик-овқат комиссарликлари, вилоят меҳнат ишлари мудирлари, вилоят ер бўлими мудирлари, вилоят касаба уюшмаси кенгаши раиси, молия бўлими мудирлари. Мажлис йиғилиши ҳар ойда камида 2 маротаба ўтказилиб, унинг раислигини вилоятлар ижроқўмлари бажаришлари керак эди.

Марказ ва бошқармалар бошқарув идораларига айлантирилиб, топширик берувчи, мувофиқлаштирувчи, назорат қилувчи бўлиб, ташкилотларни бевосита бошқариш вилоят халқ хўжалиги кенгашига тегишли бўлимлар бўйича берилиши керак эди². Шунинг учун иқтисодий кенгашнинг қуйи тармоқлари ҳам юқорида таъкидланганидек тузилди: 1. Вилоят ва уезд ижроия қўмиталари; 2. Вилоят ва уезд давлат режа қўмиталари; 3. Таъминот комиссариатлари; 4. Илмий институтлар.

Шунингдек, ТИК ва унинг жойлардаги қуйи тармоқларида Бутун Россия Касаба Уюшмалари Марказий Иттифоқи (ВЦСПС) ва уезд ВЦСПС бюроси фаолият кўрсатар эди. Шу билан бирга, ТИК таркибида вилоят ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташқари турли соҳаларда иш олиб борувчи 19 та комиссариат мавжуд бўлиб, шулардан 10 таси моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳага, 9

¹ Тадқиқот давомида ТИК атамаси қўлланилади.

² ЎзР МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 444-иш, 1–2-варақлар.

таси номоддий соҳага тегишли бўлиб, жумладан, почта ва телеграф, статистика, соғликни сақлаш комиссарликлари ва бошқалар фаолият кўрсатган. 19 та комиссарликнинг ҳар бири вилоят ва уездларда ўз бўлимларига эга бўлган. Бир қатор комиссарликлар (асосан, моддий ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳада) ва уларнинг вилоят ва уездлардаги бўлимларида Давлат режа қўмитаси мавжуд бўлган. Комиссарликлар ва уларнинг вилоят ва уездлардаги бўлимлари уч халқа тизимида бўлиб, марказий комиссарликлар ТИКга, комиссарликларнинг вилоят ва уезд бўлимлари эса вилоят, уезд иқтисодий кенгашларига бириктирилган эди.

Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг раиси Халқ Комиссарлари Совети раиси мақомига эга бўлиб, жойлардаги иқтисодий кенгашлар ҳам худди шундай тизимда ташкил этилди. Ижроия қўмитаси раиси айна вақтда иқтисодий кенгаш раиси вазифасини бажариши шундан эди¹.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, жойлардаги маҳаллий марказий иқтисодий кенгашлар РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Туркистонда ўз сиёсатини амалга оширишида энг асосий маъмурий органлардан бири эди. ТИКнинг раиси Паскуцкий ўз сўзида РСФСР худудидан кескин ажралиб қолган Туркистон хўжалигида маҳаллий марказий иқтисодий кенгашлар ташкил этмасдан туриб, бу ерда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ҳокимиятини бошқариб бўлмайди»², — деган эди.

1921 йил 6 октябрда Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши ТИКнинг фаолиятини кучайтириш мақсадида «Туркистон Республикаси Иқтисодий Кенгаши ҳақида» Низом қабул қилди. Унга кўра, ТИК Туркистон халқ хўжалиги қурилишида, иқтисодий комиссариатлар фаолиятини умумий бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, ягона халқ хўжалиги режасини ўтказиш ишини РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши билан мувофиқ тарзда тузиш учун ХКС қошида жорий этилди. У ХКСнинг доимий комиссияси ҳуқуқига эга бўлган ҳолда Туркистон АССР худудидаги олий бошқарув идораси бўлиб, ўз фаолиятида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети ва Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси олдида жавобгар ҳисобланарди.

¹ Отчет 1-го съезда Экономических Советов Туркеспублики. Изд. ТЭС, 1922. -С. 17.

² Ўша жойда. —Б. 6.

ТИКнинг буйрук ва қарорлари Туркистон республикасининг барча комиссарликлари ва муассасалари учун сўзсиз мажбурий бўлиб, уларни тўхтатиш ва бекор қилиш ХКС ва МИҚ ташаббуси ёки ишга алоқадор комиссарликлар томонидан шикоят аризаси бериш орқали амалга оширилиши керак эди. Чунки ТИКнинг барча буйрук ва қарорлари унга берилган ҳуқуққа биноан, ХКСнинг буйрук ва қарорлари кучига эга бўлиб, қачонки ХКС томонидан тўхтатилмаган тақдирда амалга оширилиши лозим эди¹.

Шулар билан бирга, ТИК зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган эди:

а) барча иқтисодий халқ комиссарликлари фаолиятини бошқариш;

б) РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши директива ва топшириқларининг ТАССР халқ комиссарликлари ва РСФСР халқ комиссарликлари вакилликлари томонидан бажарилишини кузатиш;

в) халқ хўжалиги қурилиши ишида совет ҳукуматининг барча идоралари ишини мувофиқлаштириш, уларни бошқариш, шунингдек, кузатиб бориш ва қатъий назоратни амалга ошириш;

г) РСФСРнинг ягона халқ хўжалиги режаси асосида Туркистон АССРнинг умумий хўжалик режасини ишлаб чиқиш билан биргаликда ТИК ва РСФСРнинг тегишли идоралари томонидан берилган топшириқ асосида алоҳида хўжалик идоралари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва режаларни мувофиқлаштириш ва Туркистон ХКС, МИҚ ҳамда РСФСР МИҚ томонидан тасдиқланган «бирлаштирилган хўжалик режасини» бир бутун ёки алоҳида қисмлар билан топшириш;

д) Туркистон АССР идоралари ҳамда РСФСРнинг меҳнат халқ комиссариати идоралари ва муассасалари томонидан тасдиқланган хўжалик режасининг бажарилишини мунтазам кузатиб бориш ва назорат қилиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариб туриш, шунингдек, барча моддий ресурсларнинг тўғри ва мақсадга мувофиқ тарзда ишлатилишини кузатиб боришдан иборат бўлган.

ТИКга юкланган вазифаларга мувофиқ, у қуйидаги ҳуқуқларга эга эди:

а) Туркистон АССР нинг ягона хўжалик режасини ишлаб чиқиш учун дастлабки топшириқларни белгилаш, ХКС ва ТМИҚ томо-

¹ ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 1397-иш, 1-варак.

нидан буткул тасдиқлангунига қадар, уларни алоҳида қисмларда тасдиқлаш;

б) совет ҳукуматининг марказий ва маҳаллий идораларига, раҳбарлари шахсий жавобгарлиги остида, хўжалик қурилиши бўйича мажбуриятлар белгилаш;

в) ягона халқ хўжалиги режаси асосида республиканинг юқори хўжалик идораларига тегишли кўрсатмалар бериш ҳамда халқ комиссарликлари берган таъминот ва моддий маблағ ажратиш режаларини тасдиқлаш;

г) Туркистон АССР хўжалик қурилиши бўйича ягона режага зарурат туғилмаганда тегишли тарзда ўзгаришлар киритиш, унга асосан моддий ресурсларни, ишчи кучи ва пул маблағларини қайта тақсимлашни амалга ошириш;

д) хўжалик фаолияти соҳасида мажбурий қарорлар ва кўрсатмалар чиқариш, уларнинг бажарилишини таъминламаганларни жавобгарликка тортиш;

е) ўз ихтиёрига кўра тафтишлар ва назорат ишларини ўтказиш (ишчи-деҳқон инспекцияси ва фавқулодда ҳолат идораларини жалб қилган ҳолда);

ж) мулкни хатлаш, мусодара қилиш, завод, фабрика, бошқа саноат ва мол айирбошлаш муассасаларини национализация қилиш, шунингдек, биринчи тоифали муассасаларни ижарага бериш масалаларини кўриб чиқиш;

з) РСФСР ва Туркистон АССР мулкий хўжалик режасига мувофиқ концентрация, трестлаштириш, синдикатлаштиришни амалга ошириш¹.

ТИК таркибига аъзолик ҳуқуқи бўйича эгаллаб турган лавозимига кўра халқ комиссарлари ёки уларнинг ўринбосарлари кирарди. Улар: меҳнат комиссарлиги, озиқ-овқат комиссарлиги, ер ишлари комиссарлиги, халқ хўжалиги марказий кенгаши раиси, маориф комиссарлиги кенгаши вакили, ВЦСПС Туркистон бюросининг битта вакили, молия комиссарлиги ҳамда ТИК раиси ўринбосарлари этиб Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан сайланган икки нафар аъзолар эди. Қолган комиссарликлар ва муассасалар вакиллари уларга тегишли масалалар бўйича маслаҳат овозига эга эдилар.

¹ ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 1397-иш, 2-варак.

ТИК раиси Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси томонидан тасдиқланиб, Халқ Комиссарлари Совети раисининг биринчи ўринбосари ҳисобланар эди. ТИКнинг биринчи раислигига Н.А.Паскуцкий, унга ўринбосарлар қилиб эса А.Асаткин ва Шерғозиевлар тайинланди.

ТИК турли хўжалик тадбирлари, маъмурий назорат вазифаларини бажаришда, барча иқтисодий комиссарликлар идоралари билан бир қаторда, зарурат юзасидан Туркистон АССР марказий ва маҳаллий муассасалари идораларидан фойдаланарди. Бундан ташқари, ҳисоб-режа вазифаларини бажаришда ўзининг ҳузурида умумрежа ва у орқали ўзига тобе бўлган режа комиссиялари ва алоҳида халқ комиссарликлари ҳузурида бюролар (ёки РСФСРга тегишли халқ комиссарликлари вакиллари ҳузурида) ташкил этишни мўлжаллаганди.

ТИКнинг жойлардаги бевосита ижрочилари унинг олдида бажарилган ишлар бўйича жавобгар тариқасида, у томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият юритувчи иқтисодий кенгашлар ҳисобланарди. Штатлар ва ташкилий режа ТИК томонидан тасдиқланиши зарур бўлган, моддий маблағ эса белгиланган тартибда алоҳида смета бўйича узатиларди¹.

ТИК ўзига берилган ваколатлар ва ҳуқуқлар доирасида ўлка ҳаётининг барча жабҳаларини ўз назоратига олди.

Умуман олганда, жойлардаги иқтисодий кенгашлар 1921 йилнинг февраль ойидан бошлаб ташкил этилган бўлса-да, бироқ улар амалда ўз фаолиятини март ойидан, айрим иқтисодий кенгашлар эса сентябрь ва октябрь ойларидан бошлади. Бу кенгашлар ТИКнинг қуйи тармоғи ҳисобланган вилоят ва уезд иқтисодий кенгашлари эди.

Иқтисодий кенгашларнинг жойлардаги қуйи тармоқларини ташкил этиш РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси В.Лениннинг қатъий кўрсатмалари асосида белгилаб берилган эди. Жумладан, 1921 йил 21 майда Меҳнат ва Мудофаа кенгашидан маҳаллий совет муассасаларига йўлланган кўрсатмасида маҳаллий иқтисодий кенгашлар Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Халқ Комиссарлари Советига нисбатан қандай муносабатда бўлса, маҳаллий иқтисодий кенгашлар ҳам маҳаллий ижроия кўмиталарига худди шундай муносабатда бўлиши «уқтирилган»

¹ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 1397-иш, 3-варак.

эди¹. Бундай кўрсатма Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг маҳаллий иқтисодий кенгашлар тўғрисидаги, ҳисоб бериш тўғрисидаги ҳамда «олий» орган (Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши) кўрсатмасига амал қилиш тўғрисидаги қарорнинг лойиҳаси (1921 йил 19-20 май)да ҳам бандмабанд кўрсатиб ўтилганди². Унда барча иқтисодий кенгашлар Меҳнат ва Мудофаа Кенгашига мажбурий ёзма ҳисоб бериб туриши белгиланган бўлиб, ҳисобот бериш икки ойда (ёки 3-4 ойда) бир марта, энг қуйи органларнинг ҳисоботлари эса ёзма равишда бир ойда камида 2 марта берилиши белгиланган эди.

Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши барча иқтисодий кенгашларнинг ҳисоботлари, статистик маълумотлари, мажлис баённомалари ва хат-хабарларини қаттиқ текшириб борган. Бу вазифани амалга ошириш Халк Комиссарлари Совети ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ишлари ёрдамчиси большевик Смольяниновга топширилган эди.

Бундан кўринадики, жойлардаги маҳаллий ва марказий иқтисодий кенгашлар иши тўла Марказ ихтиёри ва мунтазам кузатувида бўлган ва унинг фаолиятига катта аҳамият берилган.

Шундай қилиб, ТИК таркибий тузилмасини Туркистон АССР таркибидаги вилоятлар: Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Туркман (Туркменистон), Еттисув ва Амударё вилояти иқтисодий кенгашлари ташкил қилган эди. Улар эса, ўз навбатида, уезд иқтисодий кенгашларига бўлинарди.

Вилоят иқтисодий кенгашлари бир вақтда ташкил этилмаган бўлиб, дастлабки даврда уларнинг фаолияти талабга жавоб бермас эди. Масалан, Самарқанд вилояти Иқтисодий Кенгаши 1921 йил 13 апрелдан, Фарғона вилояти Иқтисодий Кенгаши 1922 йил 15 мартдан, Сирдарё вилояти Иқтисодий Кенгаши 1921 йил октябрь ойидан, Туркман вилояти Иқтисодий Кенгаши 1921 йил сентябрь ойидан³, Амударё вилояти Иқтисодий Кенгаши 1922 йил 1 сентябрдан⁴ ўз фаолиятини амалга ошира бошлаган эди. Уезд ва волост

¹ Отчет 1-го съезда экономических совещаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 170.

² Ленин В.И. Тула асарлар тўплами. Т. 43. –Т., 1970. –Б. 298.

³ Отчет 1-го съезда Экономических Совещаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 9, 11, 14, 15.

⁴ Отчет 2-го съезда Экономических Совещаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1923. –С. 27.

иктисодий кенгашлари ҳам, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг маҳаллий Совет муассасаларига йўллаган кўрсатмаси лойиҳасида белгиланганидек, вилоят иктисодий кенгашлари шаклида тузилиши керак эди. Хуллас, ижроия комитетлари Иқтисодий Кенгашларнинг вазифа ва мажбуриятларини ўз зиммаларига олиши ва ўзларининг бошқарувчи ёки иқтисодий мажлисларини Иқтисодий Кенгашларга тенглаштиришлари мумкин эди.

Бундан ташқари, уларга иқтисодий кенгашларнинг ҳамма ёки баъзи вазифаларини бажариш учун махсус комиссиялар, ҳатто махсус тайинланган алоҳида кишилар (масалан, волостларда, баъзан уездларда ҳам) ажратиш имкони берилган эди.

Энг қуйи органларни эса «Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг кишлоқдаги қуйи ташкилоти» деб эътироф этилган қишлоқ комитетлари ташкил этарди. Қишлоқ комитетлари аслида қишлоқ хўжалигини яхшилаш учун қишлоқ Советларида тузилган деҳқон комитетлари эди.

Шундай қилиб, Марказ бутун мамлакатни, хусусан Туркистон АССРни иқтисодий жиҳатдан «жиловлаб» олиш учун қуйидан то юқоригача иқтисодий кенгашлар ташкил қилди. ТИК аслида Турккомиссия, Туркбюро каби совет давлатининг ўлкани Марказнинг хом ашё базасига айлантирувчи яна бир муҳим «қуроли» бўлиб, Туркистонда РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг умумий қондаларига мос келувчи ўзгаришларни амалга ошириши, шу билан бирга, Марказнинг кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда ўлкани ягона халқ хўжалиги режаси асосида бошқариши лозим эди.

1921 йили совет ҳокимияти ва унинг раҳбари В.Ленин жамиятда юзага келган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий танқисликдан тезда чиқиш мақсадида ҳарбий коммунизмдан янги иқтисодий сиёсат (НЭП) йўлига ўтиш зарурлигини тушунди. РКП(б) X съезди (1921 й. март) янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу йўл мамлакатда «большевикча диктатурани амалга ошириш» ҳамда «социалистик жамият барпо этиш» вазифасини амалга оширишда янгича тактик ёндашув бўлиб, у янги иқтисодий сиёсатда ўз ифодасини топди¹.

¹ Тонких В.А., Ярецкий Ю.Л. История политической и правовой мысли России. –М., 1999. –С. 340.

Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озик-овкат развёрсткасини озик-овкат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотикни эркинлаштириш, саноатда, хизмат кўрсатиш ва майда хунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка руҳсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди.

Бир томондан қараганда, янги иқтисодий сиёсат маданий ривожланишга имкон яратди. Бироқ уни амалга ошириш жараёнида чуқур зиддиятлар намоён бўлди. Улардан энг асосийси янги иқтисодий сиёсат принципларининг ҳукмрон мафкура ғоясига мос келмаслиги эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси социализм манфаатларига, совет коммунистик тузумини мустақамлашга хизмат қилиши керак эди, бироқ коммунистик мафкура аввало мулкчилик шакллариининг хилма-хиллигини, хусусий тадбиркорликни, иқтисодий ва сиёсий фикр эркинлигини инкор этарди.

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг зиддиятлари уни Туркистонда амалга оширишда яққол кўзга ташланди. Шу билан бирга, бу зиддиятлар мураккаб маҳаллий ўзига хос хусусиятлар билан чуқурлашиб борди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсат бир қатор йўналишлари бўйича Россияга нисбатан бирмунча кечроқ ўтказила бошланди. Расмий жиҳатдан Туркистондаги янги иқтисодий сиёсат йўли дастлаб Туркистон коммунистик партиясининг VI съезди (1921 й. август) қарорларида тасдиқланди¹. Съезд қарорларининг Туркистон хўжалик сиёсати ва саноатига бағишланган қисмларида янги иқтисодий сиёсат ислохотлари давлат монополияси манфаатларига қарши қаратилганлиги айниқса яққол намоён бўлди.

Шунингдек, съездда ТИКга янги иқтисодий сиёсатга раҳбарлик қилиш ва совет хўжалик идоралари ваколатларига кўра уларнинг вазифаларини аниқ ажратиб бериш ҳамда ягона хўжалик режасини умумфедератив хўжалик режаси билан мувофик тарзда ўрнатиш, унинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, ТИК ўз ишида Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши олдида масъул эканлиги яна бир бор қатъий таъкидлаб ўтилганди².

¹ Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. — Т., 1988. — С.140.

² ЎЗР МДА. 27-фонд, 1-руйҳат, 827-иш, 4-варақ.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, асосан марказ тасарруфида бўлган ТИКнинг ташкил этилиши ва мансабларга тайинланиш жараёнларида ҳам туб жой аҳолисининг ҳақ-хуқуқлари эътиборга олинмади. Агар ТИКнинг ходимлар рўйхати кўриб чиқиладиган бўлса, қарийб 98% ходимлар европаликлар, қолган 2%ини маҳаллий миллат вакиллари ташкил қилганини кўриш мумкин¹. Бундан кўринадики, Марказдагилар туб ерли аҳолига нисбатан ишончсизлик билан, уларни ишни эплай олмайдиган одамлар деб қарашган. Чунки ТИК штат жадвалида фақат туб ерли аҳолидан Шерғозиевгина раис ўринбосари, рўйхатдаги қолган 2-3 ходимнинг бири аравақаш, иккинчиси эса фаррош қилиб ишга олинган. Шундай экан, Иқтисодий Кенгашда қандай қилиб Туркистон манфаатларини ҳимоя қилиш мумкин?

Шундай қилиб, большевиклар аввалбошданок яккаҳоқимликда марказлашган давлат тузишни мақсад қилиб қўйган эдилар. Кўзлаган мақсадга эришиш учун улар турли маъмурий бошқарув бўғинларини кўпайтириб, йирик бюрократик давлат аппаратини вужудга келтирдилар. Иқтисодий Кенгашлар мамлакатнинг энг нозик ва муҳим бўғинини бошқарувчи, миллий республикалардаги Иқтисодий Кенгашлар эса туб ерли аҳоли ўз меҳнатлари эвазига яратган моддий бойликларни уларнинг ўзидан «кўриқлаб» Марказга етказиб берувчи воситага айландилар.

1.3. Туркистон Иқтисодий Кенгашининг ўлка саноатини тиклашдаги ўрни

Большевиклар Туркистонда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, мамлакатда ҳарбий коммунизм сиёсатини амалга оширдилар. Лекин шунга қарамасдан, 1920 йилга келиб Туркистон халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби ўлка саноати ҳам тушқун аҳволда эди. 1914 йилда Туркистон бўйича 702 та корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 30%и пахтани қайта ишлаш корхоналари эди². Шу вақтда амалдаги 204 та пахтани қайта ишлаш корхоналарида 7226 нафар ишчи-

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 37-варақ.

² Бюллетень ЦСУ Туркесублики. –Т., 1921. №2. –С. 6.

хизматчи ишлаган бўлса, 1920 йилнинг бошларига келиб атиги 16 завод қолган. Уларда 1.060 нафар ишчи ва 217 нафар хизматчилар ишлаган¹. Бошқа корхоналар эса ишга яроқсиз эди. Мавжуд 18 та мой ва 8 та совун заводининг бирортаси ҳам ишламаган. Бошқа турдаги фабрика-заводлар, қолаверса майда ҳунармандчилик корхоналарининг ҳаммаси 1920 йил рўйхатига кўра тўла национализация қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги хом ашё, ёқилғи, маблағ, ишчи кучи етишмаслигидан тўхтаб қолган.

Транспорт соҳаси ҳам ғоят оғир аҳволда эди. Паровозлар етишмас, йўл хўжалиги ўта эскириб кетган, кўпгина темирйўл кўприк ва излари бузилган, ёқилғи тақчил эди. Шунинг учун 1920 йилда Туркистон республикаси темирйўлларининг юк айланмаси урушдан олдинги даврга нисбатан 40%дан камроқни ташкил этди².

Тошкўмир қазиб чиқариш 1916 йилда 12 млн пудга етказилган бўлса, 1920 йили 9.774.476 пуд қазиб олинди. Бу маҳсулот ўз харажатларини ҳам қопламас эди. Бунга харажатларнинг кескин ошиб кетиши сабаб бўлди. Мисол учун, 1916 йилда 1 пуд тошкўмир қазиб олиш учун 45 тийин сарфланган бўлса, 1920 йилда бу ишга 145 рубл кетган. Нефть қазиб чиқариш ҳам кундалик эҳтиёжни қопламай қолган³.

Ленинча «давлат капитализми» ғояси янги иқтисодий сиёсат ислохотларини саноатда қўллашнинг таркибий элементларидан бири бўлди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шаклларини вақтинча тиклашни назарда тутса-да, социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлгани сабабли национализация қилинган йирик саноатнинг давлат қўлида сақланиши Туркистон Коммунистик партиясининг VI съездида (1921 й. август) катъий белгилаб қўйилганди⁴.

Туркистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий ислохотларини амалга ошириш, мамлакатни оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқишда турли марказий хўжалик органлари қатори Туркистон Иқтисодий Кенгашининг ҳам роли катта бўлди.

¹ Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета Туркеспублики за февраль-октябрь м-цы 1921 г. –Т., 1922. –С. 61–98.

² ЎзР МДА. Р27-фонд, 1-руйхат, 446-иш, 35-варак.

³ ЎзР МДА. Р25-фонд, 1-руйхат, 1206-иш, 58-варак.

⁴ ЎзР МДА. 27-фонд, 1-руйхат, 827-иш, 1-варак.

ТИК 1921 йилнинг февраль ойидан то октябрь ойигача бўлган дастлабки фаолияти даврида 35 та мажлис ўтказиб, унда 160 дан ортиқ масалани кўриб чиқди. Кенгаш бу жараёнда асосий эътиборни ишлаб чиқариш (46,2%) ва саноат (24,4%)га қаратган. Кейинги ўринда қурилишни ташкил қилишга (21,1%), яъни меҳнат таъминоти, қурилиш, кооперация ва маҳсулот айирбошлаш сингари бошқа масалаларга эътибор қаратилди. Ҳар бир мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган.

ТИК ишлаб чиқариш масалаларини кўриб чиқаётганда Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ХХМК) ишлаб чиқаришнинг бошқарувчи органи сифатида ўз тақлифларини (49,9%) киритди. Бошқа муҳим масалалар бўйича ер ишлари комиссарлиги (5,9%), пахта кўмитаси (6,3%) ва бошқа комиссарликлар биргаликда иш олиб бордилар.

Туркистондаги турли йирик ташкилотлар, пахтани қайта ишлаш заводлари, мой ишлаб чиқариш, кимё саноати корхоналари, кўнчилик маркази, ёқилғи саноати корхоналари, темирчилик бўлимлари, полиграфия, тўқимачилик, ипақчилик, хунармандчилик ва балиқчилик саноатининг қоидаларини, уларнинг дастур ва иш режаларини ХХМКдан сўнг муҳокама қилиб, баъзиларини тўлалигича, баъзиларини бир қадар ўзгартирган ҳолда тасдиқлар эди.

Шу билан бирга, пахтани қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги асбобларини таъмирлаш устахоналари, кўмир ва туз қазиб чиқариш муҳим соҳа сифатида эътироф этилди. Кўнчилик марказининг ишлаб чиқариш дастурига кўра тери тўплашни развёрстка йўли билан амалга оширишга қарор қилинди¹. ХХМК маърузасида Озарбойжон республикаси билан ҳамкорликда Туркман вилоятининг Қорабўғоз кўрфазида порошок заводини қуриш зарур, деб топилди. Чунки бу жой глаубер тузига бой бўлиб, бутун дунёнинг порошокка бўлган эҳтиёжини бир неча йилга қондириши мумкин эди. Шунинг учун заводни қуриш ишларига 1 миллиард рубл маблағ ажратишга қарор қилинди².

ТИК март ойининг ўрталарига келиб ўтказган 8 та мажлисида ХХМКнинг ишлаб чиқариш дастурини кўриб чиқиб, уларни амалга

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 4-варақ.

² ЎзР МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 7-варақ.

оширишда пул маблағи ва техник материаллар танқислиги юзага келишига ишонч ҳосил қилди. Шу туфайли март ойининг охирида ўтказилган мажлисда озиқ-овқат ва ишчи-деҳқон инспекцияси комиссарликлари ҳамда Туркистон давлат раҳбарлари таркибидан ишни ўрганиб чиқувчи комиссия тузишга қарор қилинди ва шу билан бирга уларга республика ишлаб чиқариш дастурини қисқартириш ва ихчамлаштириш вазифаси топширилди. Ишни кўриб чиқиш учун 10 кун муддат белгиланди. Шу билан бирга, ХХМК зиммасига икки ҳафталик муддат ичида ТИКга республиканинг моддий манбалари режасини ишлаб чиқиш ва уни топшириш вазифаси юклатилди.

ТИКнинг апрель ойидан то май ойининг ўрталаригача бўлган даврда ўтказган мажлислари кун тартибида ХХМКнинг муҳокама қилинмай қолган иш режалари ва бир неча масалалар, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, электр энергияси билан таъминлаш, тошкўмир ва нефть саноати ҳамда қанд ва туз саноати, хунармандчилик саноати масалалари кўриб чиқилди.

Сентябрь-октябрь ойларида кенгаш асосий эътиборни ташкилий масалаларга қаратди. Бу даврга тегишли ишлар: пахта кўмиталарини қайтадан ташкил этиш, қурилиш ва ижтимоий меҳнатни қайта ташкил этиш, ХХМК қошида маҳаллий транспорт Бош Бошқармасини тузиш, меҳнат бўлинмаларини рўйхатдан ўтказиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

ТИК ўзининг дастлабки фаолиятини республика ва вилоят иқтисодий кенгашларининг ҳисоботи асосида умумий таҳлил қилиб, 1921 йилнинг февраль-октябрь ойларида ташкилий масалада йўл қўйилган хатолар сабабини ўрганиб чиқди. Дастлабки даврда ишга алоқадор бўлган идора ҳамда маҳаллий хўжалик ташкилотларида иқтисодий кенгашлар етишмаслиги ва муассасалараро кенгашнинг амалда ўз ишини бажармаслиги, иш режаси йўқлиги ва уларнинг ниҳоятда заифлиги Туркистоннинг хўжалик аҳволига, шаклланиб келаётган ижтимоий шароитга суғуриб кўрсатганлиги эътироф этилди¹. Ушбу ҳолат натижасида нафақат йўналиши, шу билан бирга ишнинг мазмун-моҳияти ҳам бузилгани кўрсатиб ўтилди. ТИКнинг илк раиси Паскуцкийнинг тан олишича, февралдан октябрь ойигача бўлган даврда ТИК ўз фаолиятининг дастлабки усули билан мавжуд

¹ ЎзР МДА. 18-фонд. 2-руйхат. 21-иш, 68-варак.

хўжалик ҳолатини ўзгартира олмади ва кутилган натижага эришмади. Шароитни ҳисобга олмаган ҳолда, Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ТИКдан ишнинг натижасини талаб қиларди¹.

1921 йил сентябрда бўлиб ўтган Бутун Туркистон Советларининг X съезди республика халқ хўжалигини янги иқтисодий сиёсат асосида қайта қуриш масалаларига алоҳида эътибор берди. X съезд қуйидаги асосий масалаларни муҳокама қилиб, унда Туркистон республикаси ҳукуматининг ҳисоботи; саноатни бошқаришни қайта ташкил этиш; ер сиёсати тўғрисида, кишлок хўжалиги тўғрисида; совет аппаратини маҳаллий аҳоли эҳтиёжларига яқинлаштириш масалаларини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди. Шунингдек, съезд янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва республиканинг иқтисодий турмушига раҳбарлик услубларини қайта қуриш учун изчиллик билан, қатъий кураш олиб боришни талаб қилди. Съезд Туркистон Иқтисодий Кенгашининг фаолиятида ҳам кескин ўзгариш ясади ва ўзининг асосий вазифаларини бажаришга йўналтирди.

1921 йилга келиб саноатни пул билан таъминлаб туриш учун зарур маблағлар етишмай қолганлиги сабабли сохага раҳбарлик қилиш қайта ташкил этилди. Ундан қўзланган асосий мақсад йирик ва давлат аҳамиятига молик бўлган корхоналарда ишлаб чиқаришни марказлаштириш, аниқ хўжалик ҳисобини ўрнатиш ва уларни хом ашё билан таъминлаш, фойда келтирмайдиган корхоналарни ёпиш, ижарага бериш ва майда хунармандчилик саноатини ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат эди².

Ишлаб чиқариш бирлашмалари сифатида марказлаштирилган трестлар давлатнинг саноатни қайта ташкил этиш сиёсатида энг мақбул шакл деб эътироф этилди. 1921 йилда ана шундай трестлардан 10 таси ташкил этилиб, уларга хўжалик ҳисобига ўтказилган 99 та йирик корхона бирлаштирилди. Бу трестлардаги ишчилар сони 5557 нафарни ташкил этган. Трестлар ишлаб чиқариш турларига кўра бирлаштирилган. Масалан, металл ишлаш саноати

¹ Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-цы 1921 года. —Т., 1922. —С. 6.

² Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. —Т., 1922. —С. 140.

корхоналари «Саноатметалл трести»га, ёқилғи саноати корхоналари «Туркёқилғи трести»га, бинокорлик материаллари «Қурилиш трести»га, ун-тегирмон саноати корхоналари «Ун трести»га бирлаштирилди. Қолган майда ва ўрта саноат корхоналари давлат томонидан бюджетни энгиллаштириш учун ижарага берилди.

Хусусий капитал саноати асосий бўлмаган тармоқларга киритилиб, қатъий давлат назорати остига олинди. Бу капитални тиклаш шаклларида бири ижаранинг жорий этилиши бўлди. ОХХКга бўйсунувчи корхоналарни ижарага бериш РСФСР ХКСнинг 1921 йил 5 июлдаги Декрети билан белгиланган эди. Мазкур декретда фақат майда ва фаолияти тўхтатиб қўйилган корхоналарни ижарага бериш тавсия этилганди. Ижарачилар асосан хусусий шахслар бўлиб, улар кўп ҳолларда корхона ёки кооператив ташкилотларнинг собиқ эгалари эди.

Совет ҳукумати саноат соҳасида хусусий ташаббуснинг кенг тарқалишини чеклашга, хусусий капитал мавқеининг кучайишига қарши тўсиқ қўйишга бутун воситалар билан уринди. Шунга қарамадан, хўжалик юритишнинг янги шакллари иқтисодиётга кириб келаверди. 1921 йилдаёқ Туркистон бўйича 76 та корхона ижарага берилганди¹. Гарчи давлат монополияси ҳукмрон бўлса-да, хусусий капиталнинг пахтачиликка қизиқиши бекиёс эди, шу туфайли майда ва чала бузилган пахта тозалаш ва ёғ заводлари бу секторга ижарага берилди.

Ўлкада йирик фабрика-заводларнинг заиф ривожланиши хунармандчилик саноатининг авж олиши учун қулай шарт-шароит яратиб берди. Хусусан, у ТКП VI съездида (1921 й. август) майда хунармандчилик саноатининг деҳқон хўжалигига ёрдам берадиган тармоқларини: қишлоқ хўжалиги инвентарларини ишлаб чиқарувчи ва тузатувчи, шунингдек, биринчи навбатда турли хил рўзгор буюмлари ва кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи соҳаларни тиклаш зарурлиги алоҳида таъкидланган эди. Шунинг учун ҳам съездда қосиб ва хунармандларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ўз меҳнати маҳсулотини эркин тасарруф этишдан манфаатдорлигига эътибор қаратилди, зарур шароитлар яратилди.

¹ Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-цы 1921 года. –Т., 1922. –С. 48.

Хусусан, съездда давлат хўжалиги органлари билан ҳунармандчилик саноати ўртасида ўзаро муносабатлар ўрнатишнинг етакчи қондаси сифатида ихтиёрий негизда ҳунармандчилик кооперациясини тузиш мақсадга мувофиқ, деб топилди¹. Бу босқичда майда товар ишлаб чиқарувчи ҳунарманднинг тадбиркорлик фаолиятига йўл очиб бериш зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Бироқ амалиётда бу иш умуман олға силжимади. Косиб-ҳунармандчилик кооперациясини тузиш жараёни жуда оғир кечди. ТИКнинг текширувчилари бу ҳолни Туркистонда зарур шарт-шароит йўқлиги билан изоҳладилар. Яъни ҳунармандчилик буюмларини сотиш бозори биқик, маҳаллий ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, олди-сотди ривожланганди. Туркистон ҳунармандчилик саноати деб номланган, косиб-ҳунармандчилик кооперациясини тузишга даъват этилган орган ўз зиммасига юкланган вазифани уддалай олмади. Туркистон ҳунармандчилик саноати ўз фаолиятини косибларни хом ашё билан таъминлаш, ҳунармандчилик буюмларига буюртма йиғиш, косиблар ўртасида буюртмаларни тақсимлаш, ҳунармандчилик буюмларини сотиб олиш билан чеклаб қўйганди. ТИК маълумотларида келтирилишича, бу орган ўз фаолиятида косибларни кооперацияларга, уюшмаларга бирлаштиришга етарлича эътибор бермади. У артеллар билан бир қаторда ёлғиз косиблар, ҳатто тадбиркор ҳунармандлар хизматидан ҳам фойдаланди. Натижада на косибларни артелларга бирлаштира олди, на уюшмалар ташкил қилди, на косиб-ҳунармандчилик асбоб-ускуналарини яхшилашни йўлга қўя олди².

Шундай бўлишига қарамадан, мажбурий бирлаштиришлар натижаси ўлароқ, 1920 йилнинг охири ва 1921 йилнинг бошларида 735 та артел ва унда 24597 аъзо рўйхатга олинган бўлиб, улар бу вақт ичида ортиқча маҳсулотлардан давлат буюртмаларини бажариш билан машғул бўлдилар³. Кейинчалик янги иқтисодий сиёсатнинг қўлланиши натижасида артел аъзоларининг сони 1922 йил 1 январьдаги ҳисобга кўра 29925 нафарга, артеллар сони 1270 тага етди⁴.

¹ Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. –Т.: Узбекистан, 1988. –С.312.

² Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. –Т., 1922. –С. 203.

³ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 1423-иш, 74-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 92-иш, 3-варақ.

Шу вақтдан бошлаб Туркистон ҳунармандчилик саноати мустақил тармоқ органидан ХХМКнинг вазифаси чекланган косибчилик шубасига айлантирилди. 1922 йилнинг март ойидан бошлаб эса ҳунармандчилик кооперацияси тизимига асос солиниб, Туркистон саноат уюшмаси унинг раҳбар органи, артеллар эса бошланғич бўғини бўлиб қолди. Ҳунармандчилик саноатига раҳбарлик иккига бўлинди: якка артель ва косиблар билан иш олиб борувчи ХХМК билан бир вақтда Туркистон саноат уюшмаси ҳам энг аввало ҳунармандларни кооперациялашга эътибор қаратиб, бу соҳада ишни авж олдириб юборди.

Ўзига хос иш шакли ва услубига эга бўлган икки органининг мавжудлиги, уларнинг вазифалари аниқ чегараланмаганлиги айниқса дастлабки даврда ҳунармандчилик саноатида ягона сиёсат, косиб-ҳунармандларга нисбатан ягона тактикани ишлаб чиқишга ҳалал бериб, кўпинча улар ўртасида зиддиятли вазиятни юзага келтирар, бу эса ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг аҳволига салбий таъсир қилар эди. Бу жиҳатдан 1922 йилда ХХМК билан Туркистон саноат уюшмаси ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув эътиборга лойик. Туркистон саноат уюшмаси таъкидлашича, республикада тўқимачилик саноатини йўлга қўйиш учун Қўқон, Андижон, Наманганда 5 мингга яқин косибдан фойдаланиш зарур бўлган. Бироқ бунинг учун уларга фабрикада тайёрланган калава бериш керак эди, сабаби ҳунармандлар тайёрлаган калаванинг сифати паст бўлган. Айни пайтда Туркистон саноат уюшмаси косибларга раҳбарлик қилиш бўйича барча ишни марказлаштиришга ҳаракат қилиб, ХХМКни косиблар билан бевосита ишлашдан четлаштиришни талаб қилди. ХХМК Туркистон саноат уюшмаси даъволарини қатъиян рад этди: фабрикада тайёрланган калава давлат корхоналари эҳтиёжини қондира олмаётганлиги сабабли уни косиблар учун ажратиш имкони йўқлиги қайд этилди, шу билан бирга, ҳўжалик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлиши учун ХХМК «уюшма орқали ёки уни четлаб иш танлашда эркин бўлиши лозим»лиги таъкидланди. Бу икки орган манфаатларининг тўқнашуви Туркистон Иқтисодий Кенгашининг иқтисодий училиги муҳокамасига қўйилди, бироқ у ерда ҳам аниқ бир қарор қабул қилингани йўқ. Муҳокама «давлатга зарур бўлган калава саноат

уюшмаси косибларига берилмайди, афтидан, йигирув ишини такомиллаштириш керак», дейиш билан чекланди¹.

Бу тўқнашув давлат билан косиблар ўртасидаги муносабатлар етарлича барқарор бўлмаганлигини кўрсатди. Маблағ билан таъминлаш ва воситаларни тақсимлашнинг асосий имконияти давлат ихтиёрида қолганлиги зарур ҳолларда иқтисодиётнинг майда хусусий секторига тазйиқ ўтказиб, уни моддий кўмакдан маҳрум этиш имконини берди. Шундай шароитда ҳунармандчилик кооперациясини тузиш ўта қийинчилик билан борди. 1922 йил октябрига келиб, жами косибларнинг 38840 нафари кооперацияга бирлашди.

Бироқ иқтисодий кенгашларнинг маълумотига кўра, бу бирлашмалар кўп ҳолларда расмий мақомгагина эга бўлиб, бу вақтда артелларнинг бир қисми хонавайрон бўлган, маълум қисми эса қийинчиликлар сабабли уюшмаларга кирмаётган эди, чунки бундай уюшиш аъзолик пайи ва бадалларидан иборат муайян харажатлар билан боғлиқ бўлган².

1921 йилда Хилково цемент заводи қурилиши тикланди. Фарғона пиллачилик фабрикаси, Тошкентда гидроэлектростанция барпо этила бошлади. Шу билан бирга, бу вақт ичида РСФСР ХХС қарорига асосан Россиянинг саноат туманларидан Туркистон ва Бухорога пиллачилик, тўқимачилик, ёзув қоғозлари фабрикалари учун асбоб-ускуналар, целлюлоид, кастор, тери ва совунгарлик заводлари учун керакли ускуналар келтирилди. Айни вақтда уларнинг ишини йўлга қўйиш учун ҳудудга ишчи ва мутахассислар юборилган эди. Объектив жиҳатдан олиб қараганда, марказий ҳукумат Туркистоннинг саноат билан боғлиқ имкониятларини кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўрди. Саноатни қайта тиклаш даврида саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган муайян корхоналар ташкил этиб борилди, бюджетдан маблағлар ажратилди, шу билан бирга, Марказ саноат туманларининг ёрдами билан ишчилар синфини шакллантириш ҳаракатларини амалга оширди. Бироқ буларнинг ҳаммаси ҳукмрон марказ манфаатларига қаратилган эди. Ўзбек

¹ Отчет о деятельности СНК и Туркестанского Совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. —Т., 1922. —С. 209.

² Ўша жойда. —Б. 320.

халқининг миллий табиий бойликлари, унинг меҳнати доимий равишда совет тузумига хизмат қилишга йўналтирилди. Худди шунингдек, пиллачилик ва ип-газлама саноати ускуналари ва 1920 йилда юборилган тери заводи ҳам ашёга бирламчи ишлов беришни таъминлаши лозим эди, сўнгра бу ҳам ашё Марказнинг саноат туманларида чуқур қайта ишловдан ўтказилиб, тайёр маҳсулотга айлантирилди. Биринчи ишловдан чиққан тери ҳам ашё сифатида баҳоланар эди. Марказда қайта ишловдан кейин тоза маҳсулотга айлангач, у бир неча баробар ортик баҳоланарди.

Туркистон саноатида давлат сектори етакчи роль ўйнаган. Бутун маҳсулотнинг 93,1%ини давлат сектори, 4,3%ини кооператив саноати, 2,6%ини хусусий саноат берар эди¹. Бу ҳол Туркистон саноатида янги иқтисодий снѐсатнинг таъсири сезиларли даражада эмаслигидан далолат берарди.

1921 йилда саноат корхоналари ва тармоқларининг кўпчилиги ўзларининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажара олмадилар. Йил бошида барча имкониятларни етарлича ҳисобга олмаганлиги туфайли ТИК уларнинг режаларини қайтадан кўриб чиқиб, режани бир қадар қисқартирди. 1921 йилнинг бошидаёқ жиддий молиявий қийинчиликлар билан бирга, Фарғонада совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг авж олиши, транспортнинг издан чиқиши, марказдан асосий материалларни олиш қийинлашганлиги ва ҳам ашё етишмаганлиги сабабли ҳатто қисқартirilган режалар ҳам бутун республика бўйича 66%га бажарилди, холос. Бир йил ичида олтин пул билан ҳисоблаганда 21.804525 минг рубллик маҳсулот бериш режалаштирилган бўлса, аслида 14.458505 минг рубллик маҳсулот берилди. Шунингдек, тошкўмир саноати 1921 йилда режада белгиланган 8.300.000 пуд ўрнига 7.084.400 пуд маҳсулот бера олди. Умуман, 1920 йилдан бошлаб тошкўмир казиб чиқариш 38%га камайди. Бу вақтга келиб 1 пуд тошкўмир казиб чиқариш учун туланидиган ҳақ 322 рублга етди².

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу вақтга келиб республикада юқумли касалликлар ташвишли равишда авж олди. 1921 йилнинг

¹ Ўзбекистон ССР тарихи. Т. II. –Т., 1957. –Б. 352.

² Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета Туркеспублики за февраль-октябрь м-цы 1921 г. –Т., 1922. –С. 183.

сентябрь ойдан терлама эпидемияси кучайиб кетди. Авлиёта туманида 30%, Самарканд туманида (Зарафшон ишчилари) 25%гача одам юкумли касалликка чалинган¹. Сабаби, бу даврга келиб Туркистонда соғликни сақлаш соҳасида ўта мураккаб вазият юзага келган эди. Тиббий хизматнинг ёмонлиги, яшаш ва меҳнат қилиш шароитининг оғирлиги туфайли аҳоли ўртасида вабо, безгак, ришта, трахома, мохов ва бошқа турдаги юкумли касалликлар кенг тарқалиб, уларга қарши курашишда айрим жойлардаги аҳолига умуман ёрдам кўрсатилмаган эди².

Амударё вилоятининг ўзида юкумли касалликка чалинган 84 киши рўйхатга олинган бўлиб, улардан 71 нафари нобуд бўлган³. Бу даврда Туркистонда фақат ёз ойларининг ўзида юкумли касалликка чалинган 2,152 бемор рўйхатга олинган бўлиб, улардан 1,294 нафари, яъни 55%и нобуд бўлган⁴.

Юкумли касалликлар бу даражада авж олиб кетишининг олдини олиш ва соғликни сақлаш ишини йўлга қўйиш учун Соғликни сақлаш комиссарлигига катта миқдорда маблағ зарур эди. Шу мақсадда Комиссарлик зарур бўлган маблағ миқдорини ҳисоблаб чиқиб, уни ТИКга топширди. Бирок бу масалада ТИКнинг имкониятлари чекланган бўлиб, талаб қилинган маблағни бюджетдан ажрата олмас эди. Чунки Туркистон АССР бюджети Марказ томонидан аёвсиз равишда қисқартириб ташланган, Марказ учун аҳолининг саломатлигидан кўра бу ўлкадан олинаётган хом ашё кўпроқ аҳамиятли эди. Шунинг учун бу вақтда Марказдан эпидемияга қарши курашиш учун ажратилаётган ёрдам жуда оз миқдорни – бор-йўғи 7 та сув қайнатадиган титан ва 3 та ҳаммом учун асбоб-ускуналар ҳамда 3.700 олтин рублни ташкил этган⁵. Булар юкумли касаллик авж олган Туркистон ўлкаси учун урвоқ ҳам бўлмади, албатта.

1922 йил май-июнь ойларида ТИКнинг I съезди бўлиб ўтди. Съездда ТИК ва вилоят иқтисодий кенгашларининг ҳисоботлари

¹ Ўша жойда. –Б. 173.

² ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 4311-иш, 44-варақ.

³ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 4311-иш, 45-варақ.

⁴ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября. –Т., 1922. –С. 174.

⁵ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 7-варақ.

бўйича уларнинг ташкилий ва хўжалик ишлари таҳлил қилиниб, бу ташкилот 1921 йил февралдан октябргача бўлган фаолиятининг дастлабки даври хато ва камчиликлари батафсил кўрсатиб ўтилди¹.

Съездда иштирок этган вилоят вакиллари турли масалалар қатори саноатнинг аҳволи тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтдилар. Фарғона вилояти иқтисодий кенгаши раиси ўз маърузасида мазкур ҳудуд саноатига алоқадор масалага тўхталиб, шундай дейди: «Вилоятда ХХС ҳисобидаги Андижон ва Наманган тўқимачилик фабрикалари ишлаб чиқаришни имкон даражасида кучайтирди. Унга қўшимча 1921 йил давомида яна 5 та терини қайта ишлаш заводи, механика устахоналари ва пахта фабрикаси ишлади. Бироқ уларда кўплаб хом ашё ишлаб чиқариш учун айланма маблағ йўқлиги ўртача меъёردа ишлаш имконини бермади. Шунда ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг барчаси тортиб олинади-да, ўрнига эса ҳеч нарса берилмайди»².

Съездда ягона халқ хўжалиги режасини тузиш борасида комиссарликлар билан ТИК ўртасида зиддиятлар юзага келди. Комиссарлик раҳбарлари ўз чиқишларида ТИКнинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятига очиқдан-очиқ норозилик билдирдилар.

Туркистон саноатида янги иқтисодий сиёсатнинг қўлланилиши ва унинг натижалари ҳам съезднинг диққат марказида бўлди. Бу ҳақда Марсиянин (ХХМК)нинг берган маълумотига кўра, ўлка саноат корхоналарининг ишлаб чиқариши урушгача бўлган даврдан 50%га қисқариб кетган. Бунга сабаб сифатида ўлкада совет режимида қарши қуролли ҳаракатнинг кучайиб кетиши, янги иқтисодий сиёсатга қатъиятсизлик билан ўтилаётганлиги, малакали ишчиларнинг етишмаслиги, айланма маблағнинг йўқлиги ва унинг натижаси ўларок иш ҳақининг пасайиб кетганлиги, ишлаб чиқаришнинг ўта қисқарганини кўрсатади. Шу билан бирга, юзага келган вазият трестлар фаолиятига ҳам таъсир ўтказиб, уларда ҳам ишлаб чиқариш паст бўлганини таъкидлайди.

Съездда қабул қилинган резолюцияда Туркистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бутун бир йўналиши ТИК амалга ошириши зарур бўлган аниқ вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу

¹ Отчет 1-го съезда Экономических Совещений Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 5.

² Отчет 1-го съезда Экономических Совещений Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 14.

вазифалар: Туркистонни хом ашё базаси сифатида тиклаш, мавжуд қайта ишлаш саноатини қайтадан янгिलाш ва уни ривожлантириш, нефть қазиб чиқариш ва мамлакатни электрлаштириш режасини янгидан ривожлантириш, янги саноат марказлари билан боғловчи темирйўллар, асосий темирйўл магистраллари, катта йўллар ва сув йўлларини қуриш кабилардан иборат эди¹.

Съезд ташкилий ва умумий масалалар бўйича қуйидаги кўрсатмаларни берди:

1) хўжалик ҳудудини иқтисодий ривожлантириш асосида ташкиллаштириш, хўжалик бошқарувини совет сиёсати доирасида амалга ошириш;

2) ТИК ва унинг органлари ишини амалий кучайтириш;

3) ТИК ва асосан вилоят иқтисодий кенгашлари ишини жиддий ривожлантириш. ТИК ва халқ комиссарлари олдига қўйилган вазифаларни бирмунча енгиллаштириш. Унинг асосий эътиборини маҳаллий хўжаликка раҳбарлик қилишга қаратиш. Иқтисодий кенгашнинг умумдавлат соҳаларида қўллайдиган чора-тадбирларини Марказ директивалари асосида ижро этиш вазифасини қўйиш;

4) ТИК директиваларининг бажарилишини ташкиллаштириш ва халқ комиссарликлари муассасавий ишини кучайтириш ва бошқалар.

Бўлиб ўтган съезд ТИКнинг фаолиятини янада жонлантиришда катта туртки бўлди. ТИК фаолиятининг иккинчи даврида ўз ишини кучайтириб, 6 ой давомида 253 масалани кўриб чиқишга улгурди. Биринчи ўринда молия ва бюджет масалалари ҳал этилди. Бундан ташқари, солиқ, меҳнат таъминоти, тўқимачилик саноати, транспорт, кооперация ва савдо, саноатни трестлаштириш ва Туркистонда саноат концепциясини яратиш сингари асосий масалаларни муҳокама килди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ТИКнинг иккинчи давр иш фаолияти учун унинг хўжалик режаси ва бюджети РСФСРда кўриб чиқилди. Режа деярли ўзгартирилмади. Бюджет кескин қисқартирилиб (урушгача бўлган баҳода), жами 48 млн олтин рубл миқдориди қолдирилди. Аммо режада кўрсатилган сумма берилмади, балки Туркистон аҳолисининг РСФСР ҳудудидаги

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат, 21-иш, 74-80-варақлар

пропорционал нисбатидан келиб чиққан холда бор йўғи 16 млн рубл маблағ ажратилди, холос¹.

1922 йил 26-30 ноябрда ТИКнинг II съезди бўлиб ўтди. У ТИК I съездида белгилаб берилган директивалар деярли бажариб бўлинганлигини эълон қилди. Шу билан кенгаш ва унинг вилоятдаги бўлимлари съездга ўлканинг жорий вақтдаги иқтисодий аҳволи тўғрисида маълумотлар тақдим этдилар. Унда Туркистон саноатининг тушкун ҳолати очиқ-ойдин маълум бўлди².

МХХКга қарашли бўлган 800 дан ортиқ корxonанинг 18 таси бу вақтга келиб тарқатиб юборилди, 209 таси эса вилоят иқтисодий кенгашларига берилди. МХХК тасарруфида эса мустақкам, ишлаб чиқариши юқори бўлган 67 та корхона қолди. Бу вақтга келиб уларнинг айримлари фойда келтира бошлади³. Шу билан бирга, май ойида тузилган трестларнинг фойда келтирмаганлари сентябрь ойидаёқ ёпила бошлади. Бунга асосий сабаб, авваламбор, айланма маблағнинг йўқлиги эди. ТИКнинг II съезди қабул қилган резолюцияда ўлка саноатини таҳлил қилиш билан бирга унинг келгусидаги вазифалари ҳам белгиланди. Улар қуйидагилар эди: умумўлка аҳамиятига молик бўлган трестларни сақлаш, ҳақиқий фойдаси 70%га етган корxonаларни ҳисоблаб чиқиш ва уларни ривожлантириш, тошқўмир ва нефть қазиб чиқариш саноатини давлат томонидан маблағ билан таъминлашни амалга ошириш.

ТИКнинг 1922 йил 27 апрелда ўтказилган мажлисида республикадаги барча давлат ташкилотлари ва трестларнинг ўзаро шартномалари ТИК томонидан кўриб чиқилди. Баъзиларига ўзгартиришлар киритилиб, тасдиқланди. ТИК тасдигидан ўтмаган шартномалар эса ҳақиқий эмас, деб ҳисобланиб, шартномани тасдиқлаган давлат раҳбарларини судга беришга қарор қилинди.

Халқ Хўжалиги Кенгашининг топшириғига кўра давлат режа кўмитаси трестларнинг 5-6 ойлик иш фаолияти ва уларнинг натижаларини кўриб чиқди. Ишининг қониқарсизлиги, тузилишининг

¹ Отчет 1-го съезда Экономических Советаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 6; ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 2189-иш, 67–68-варақлар.

² Бу ҳақда батафсил қаранг: Отчет 2-го съезда Экономических Советаний Туркестанской Республики. –Т.: ТЭС, 1923 г. –С. 3–54.

³ Отчет 2-го съезда Экономических Советаний Туркестанской Республики. –Т.: ТЭС, 1923 г. –С. 39.

нотўғрилиги, айланма маблағнинг йўқлиги ва хўжалик ҳисобига асосланган фаолиятни тўла йўлга қўя олмаганлиги сабабли айрим трестлар тарқатилди. Уларнинг баъзилари коммунал хўжалик бўлимларига ўтказилди, қолганлари эса ижарага бериб юборилди.

Давлат режа кўмитаси 1923 йилда ишлаб чиқариш дастурини тузиб, давлат ихтиёрида фаолият юритиши мумкин бўлган трест ва корхоналар рўйхатини кўрсатиб ўтди. Булар Туркун, Тоштрам, Турквино, Туркбалик, нефть қазиб чиқариш саноати, қанд заводлари, пахта тозалаш заводлари, автобазалар, марказий лабораториялар, туз саноати, Сирдарё ва Самарқанд кўнчилик бирлашмалари, тоғ саноати, ипакчилик, Чимкент механика ва кўнчилик корхоналари, Фарғона пахта фабрикалари ҳамда 2 та тўқимачилик корхонасини ўз ичига олган кўнчилик корхоналари эди¹. Бу корхона ва трестларнинг келажакда давлат ҳисобида иш олиб бориш-бормаслигини Марказ кўриб чиқиши керак бўлган.

ТИК фаолиятидаги айрим камчиликлар, янги иқтисодий сиёсатнинг қўлланишидаги айрим чекланиш ва ишдаги турли зиддиятларга қарамасдан Туркистон АССР саноати аста-секин жонлана бошлади. Чунки ТИКнинг 3,5 йиллик фаолияти давомида муҳокама қилинган 800 га яқин муҳим масалаларнинг 28%и саноатни тиклаш ва социалистик асосда ривожлантиришга бағишланган эди². Шунингдек, Туркистон саноатига Марказ томонидан кўрсатилаётган ёрдам, яъни бюджетдан кўпроқ маблағ ажратилиши, асбоб-ускуналар келтирилиши ва малакали ходимларнинг жўнатилиши кабилар саноатнинг хом ашё етказиб берувчи соҳаларига, айникса пахта билан боғлиқ бўлган саноат корхоналарига қаратилган бўлиб, бунинг натижаси ўлароқ, Марказнинг хом ашёга бўлган талабини қондириш эди. 1922 йилнинг иккинчи ярмида цензга асосланган саноат корхоналарининг сони 22 тага, маҳсулот ишлаб чиқариш 82%га кўпайди³. 1923 йилга келиб цензга асосланган корхоналар сони 418 тага, ундаги ишчилар сони эса 21924 кишига етди⁴.

¹ ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 2296-иш, 86-90-варақлар.

² Ибодов Н. Ўзбекистонда халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т., 1969. –Б. 31.

³ Агламуродов Д. Деятельность советов Узбекистана по восстановлению народного хозяйства. –Т., 1965. –С. 96.

⁴ ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 4333-иш, 9-варақ.

Янги иқтисодий сиёсат натижалари 1922 йил февраль ойида бўлиб ўтган Туркистон МИК нинг II сессиясида муҳокама қилинди. Сессияда ТИКнинг маърузалари тингланди. Улар Туркистоннинг хўжалик ҳаётида айрим ижобий силжишларга эришилганлигини кўрсатди. Шу билан бирга сессияда иқтисодий кенгаш органлари, давлат режа кўмитаси ва хўжалик комиссарликларини ўлканинг хўжалик ишига янада фаолроқ жалб этиш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, сессияда ТИКнинг 1922 йилги хўжалик режаси тасдиқланиб, асосий эътиборни оғир саноатга қаратиш таъкидланди¹.

Туркистоннинг кўмир қазиб чиқариш саноатида асосий ўринни Қизилқия ва Сулюкта конлари эгаллади. ХКС 1922 йил учун кўмир қазиб чиқариш режасини қуйидагича белгилади: Қизилқия – 3 млн пуд; Сулюкта – 2,5 млн пуд; Лангар – 800 минг пуд; Кўкёнғоқ – 400 минг пуд². Жами – 6 млн 700 минг пуд.

Бирок кўмир қазиб чиқаришдаги аҳволнинг оғирлиги сабабли, 1922 йилнинг 9 ойи ичида белгиланган вазифанинг 79%и бажарилди, холос.

1922 йилда нефть ва кўмир қазиб чиқариш давлат ихтиёридаги «Угольнефть» трестига бирлаштирилиб, унинг таркибига Санта ва Чимён кўмир саноатининг Қизилқия, Кўкёнғоқ ва Лангар конлари киритилди³. Умумий нефть қазиб чиқариш 1922 йилнинг 9 ойи учун 824301 пуд қилиб белгиланди. Ундан 206789 пуди нефть ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатлари учун сарфланиб, қолган 617512 пуди фойдали қазилма деб белгиланди⁴.

1922 йилда республикадаги металлни қайта ишлаш корхоналарининг деярли ҳаммаси трестга бирлаштирилди. Шу йилнинг февраль ойида қурилиш материаллари трести тузилиб, унинг таркибига Хилково цемент заводи, тахта тилиш заводи, 2 та черепица заводи, 2 та гишт заводи, 1 та кулолчилик ва 1 та оҳақтош заводи киритилди⁵. Бу вақтга келиб трестларга бирлаштирилган

¹ ЎЗР МДА. Р-17-фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 36-варак.

² Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. –Т., 1922. –С. 300.

³ Жизнь национальностей. №17 (152). 21 августа 1922 г.

⁴ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. –Т., 1922. –С. 304.

⁵ Уша жойда. –Б. 313.

корхоналарнинг умумий сони 144 тага етди. Бу даврда Қовунчи канд лавлаги заводининг иши эътиборга лойик бўлди. 1922 йили 2 минг десятина майдондаги лавлагидан 156 минг пуд канд, 56250 пуд қиём ва 1200 пуд лавлаги турпи олинди¹.

1922 йилда кўмир казиб чиқариш 1921 йилга нисбатан 24%га, нефть казиб чиқариш 20%га, қалай эритиб олиш 41%га, темир ишлаб чиқариш 90%га, металл чиғирлаш 66%га, тўқимачилик саноатида хом мато тайёрлаш 243%га ортди². Темирйўл транспортига эътибор кучайиши натижасида 1922 йилнинг охирига бориб ўлкадаги темирйўллар, йирик паровоз деполари ва темирйўл устахоналари тиклаб бўлинди³.

1923 йилда саноат ва савдонинг йиллик айланмаси 1922 йилдагига нисбатан кўпайиб, 59 млн рублдан 133 млн рублга етди⁴.

Туркистон республикаси саноатида асосий эътибор пахтани қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ва хом ашё тайёрлашга қаратилди. 1921 йилда пахта тозалаш заводларининг сони жами 22 тани ташкил этган бўлса, 1924 йилнинг охирига келиб республикада 37 та пахта тозалаш заводи ишга тушди⁵. Урушгача бўлган даврда 1 та заводнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ўртача 186 минг пуд толани ташкил этган бўлса, 1924 йилда у 374 минг пудга етди. Бу тола ишлаб чиқариш ва пахтани қайта ишлаш саноатининг ҳақиқатан ҳам ўсганини кўрсатади⁶. Тиклаш ишлари ёғ-мой саноатида ҳам юқори суръатлар билан борди. 1923 йили ёғ-мой корхоналарининг сони 4 тага етиб, уларда 61.000 пуд тоза мой ишлаб чиқарилган бўлса, 1924 йил апрель ойига келиб бу миқдор 253.000 пудни, корхоналар сони эса 5 тани ташкил этди. Совун ишлаб чиқариш 56.000 пудга етказилди. Шу билан бирга, 1924 йилнинг охирида 460 минг пуд ёғ ва 96 минг пуд совун ишлаб чиқариш режалаштирилди⁷.

¹ ЎзР МДА. Р-27-фонд, 1-руйхат, 496-иш, 21-варак.

² ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 3967-иш, 3-варак.

³ Каримов Р. Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тараққиёти тарихидан. —Т., 1981. —Б. 29.

⁴ Резолюции и постановления съездов КП (1918-1924 гг.). —Т., 1958. —С. 182.

⁵ ЎзР МДА. Р-86-фонд, 1-руйхат, 2163-иш, 433-варак.

⁶ Ульмасбаев Ш.Н. Промышленное развитие Советского Узбекистана. —Т., 1958. —С. 84.

⁷ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4318-иш, 40-варак.

1924 йилга келиб, Туркистон республикасининг хунармандчилик саноати ҳам ривожланди. 1924 йилнинг охиридаги ҳисобга кўра, барча фабрика-завод ва хунармандчилик саноати корхоналари 210 млн рубл фойда келтирди¹.

Умуман олганда, Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хом ашё етказиб берувчи соҳаларни, шунингдек, йирик корхоналар ва ишлаб чиқариши самарали бўлган трестларни давлат тасарруфида қолдирди. Булар янги шаклланиб келаётган хўжалик механизмнинг бир қисми сифатида иқтисодиётнинг тикланишида ижобий роль ўйнади.

Шунга қарамадан, ўлкада оғир саноатнинг аҳволи мураккаблигича қолаверди. 1924 йилда кўмир қазиб чиқариш режаси 42%га, нефть қазиб чиқариш 28%га бажарилди, холос². Гап шундаки, оғир саноатга эътиборнинг сусайишига асос бор эди. 1923 йилнинг бошларида Москвада Туркистон делегацияси берган саволларга тўхталиб, Туркистон саноати тўғрисида шундай дейилади: «Федерация Туркистонни ўзининг хом ашё базаси сифатида мўлжаллаган, йирик саноатни эмас. Туркистон бу ҳолатни англаб олиши керак, бор имкониятлардан фойдаланиб, хом ашё ишлаб чиқаришга кўмаклашиши зарур³». Шундан сўнг Туркистон ҳудудидаги барча хом ашё тайёрлаш билан шуғулланувчи давлат органлари ишини тўлиқ мувофиқлаштириш ва республика халқ хўжалигини бошқарувчи кенгашларга хўжалик режасини қайтадан ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Хуллас, Туркистон иқтисодиётидаги инкирозли ҳолатдан чиқиш, айниқса, саноат ва хунармандчиликда юз берган айрим ижобий тикланишлар Иқтисодий Кенгашлар фаолияти ва янги иқтисодий сиёсат билан чамбарчас боғлиқдир. Большевиклар «ижоди» бўлган Иқтисодий Кенгашлар Марказ манфаатларини қанчалик ҳимоя қилган бўлмасин, Туркистон ўлкаси саноатининг қисман тикланишига, маҳсулот ишлаб чиқаришига, туб ерли аҳолининг иш билан таъминланишига имкон яратди. Бу Туркистон ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ижобий томонга силжишига олиб келди. Иккинчи томондан эса, Иқтисодий Кенгашлар Туркистонни совет Россиясининг асосий хом

¹ ЎзР МДА. Р86-фонд, 1-руйхат, 2163-иш, 447-варак.

² ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 52-иш, 68-варак.

³ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-руйхат, 21-иш, 4-варак.

ашё етиштирувчи, саноат маҳсулотларига бирламчи ишлов бериб, ярим хом ашё маҳсулотлари тайёрлаб берувчи ўлка сифатида Марказга чамбарчас боғлаб берди. Шу даврдан эътиборан Туркистонда унинг аҳолиси истаган саноат марказлари эмас, балки Марказ истаган, унинг эҳтиёжларига мос келадиган, зарурий хом ашё етказиб берувчи саноат корхоналарини барпо қилишга киришилди.

1.4. Туркистон Иқтисодий Кенгашининг ўлка қишлоқ хўжалигини тиклаш бўйича сиёсати

Большевиклар ўлкада совет давлатини сақлаб қолишнинг ягона чораси сифатида амалга оширган ҳарбий коммунизм сиёсати ва унинг таркибий қисми бўлган озиқ-овқат развёрсткасининг зўравонлик усули оқибатида миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил қилган аграр соҳа XX асрнинг 20-йилларига келиб ҳақиқатан ҳам бутунлай ҳалокат ёқасига келиб қолган эди. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1921 йилда 1914 йилдагига нисбатан 48,8%га қискарди¹. Туркистон учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ирригация шохобчалари бу вақтга келиб 50%га қисқарган². Биргина Сирдарё вилоятида 1917 йилда суғориладиган майдонлар 548 минг десятинани ташкил этган бўлса³, 1920 йилга келиб улар 220 минг десятинага қисқарган. Чорвачиликка ҳам жиддий зарар етказилди. 1920 йилга келиб чорва моллари сони ўлкада 1917 йилдагига нисбатан 58%га қисқариб кетди. Бу жараён 1921 йилда янада кучайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда банд бўлган аҳоли сони ҳам кескин даражада қискарди. Хусусан, 1917 йилда Туркистондаги 7.148.800 нафар аҳолининг 1.230.700 нафари шаҳарларда, 5.918.100 нафари қишлоқларда яшаган⁴. 1921 йилга келиб республикадаги 5.221.963

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 190-иш, 25-26-варақлар.

² ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 45-иш, 479-варақ.

³ Ўша жойда. 107-иш, 548-варақ.

⁴ Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-цы 1921 года. -Т., 1922. -С. 24-25.

нафар аҳолидан 1.040.850 нафари шаҳарларда, қолган 4.181.133 нафари эса қишлоқларда яшар эди¹. Республиканинг асосий миллий даромади дехкончилик ва чорвачилиқдан олинган. Майда товар ишлаб чиқариш асосий хўжалик тури эди.

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари шуни тасдиқлайдики, 1917–1921 йиллар оралиғида 2 миллионга яқин киши нобуд бўлган. Маълумотларга кўра, нобуд бўлганларнинг аксарияти юқумли касалликлар, очарчилик сабабли ва қизил армияга қарши курашда ҳалок бўлганлар эди. Бу ҳолат кейинги йилларда ҳам давом этди.

Юзага келган вазият ўта жиддий ва мураккаб бўлиб, у осонгина ҳал қилинмас эди. Шунинг учун ТИК ўзининг дастлабки даврдаги мажлисларида қишлоқ хўжалигини кўтариш мақсадида асосий эътиборни ерни қайта тузиш, вайрон бўлган ирригация тармоқларини қайта тиклаш, қишлоқ хўжалиги иш қуроллари, уруғ ва иш ҳайвонларини кўпайтириш ҳамда чорвачилиқни ривожлантиришга қаратди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда ТИК мажлисларида кўриб чиқилган кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига оид масалалар 3,7%ни ташкил этган бўлса, шу соҳанинг бир қисми бўлган пахтачиликка оид масала 3,1%га тенг бўлди. Шундан ҳам маълумки, пахтачилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғига айланган. Умуман, ўлка қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад Марказнинг пахта, жун, тери ҳамда қуруқ ва ҳўл мевалар каби бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат эди.

1921 йилга келиб Туркистон АССРда экин майдонлари 1920 йилга нисбатан анча кўпайтирилди. Агар 1920 йилда умумий экин майдони 1.677.689 десятина бўлган бўлса, 1921 йилга келиб 2.823.670 десяти-нани ташкил қилди. Лекин бу вақт ичида техникавий экинлар экиш қисқариб кетди. Полиз ва ёрма экинлари эса, аксинча, режадагидан 27%га кўп экилди². Қишлоқ хўжалиги иш ҳайвонлари сони ортган бўлса-да, уларнинг иш унумдорлиги пасайди. Қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ҳам 1920 йилдагига нисбатан анча кам эди.

Албатта, инкирозга учратилган Туркистон қишлоқ хўжалиги ва айниқса унинг пахтачилик соҳасини тиклаш учун кўпгина

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-руйхат, 21-иш, 18-варак.

² Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь м-ца 1921 года. –Т., 1922. –С. 153.

воситалар талаб қилинарди. Шу мақсадда 1920 йилнинг охири ва 1921 йилнинг бошларида РСФСРдан Туркистонга «ёрдам» берилди: 791950 пуд турли уруғликлар ҳамда 1346 та плуг, 38988 та теша, 32208 та ўроқ ва 9714 та кетмон жўнатилди¹.

ТИК дастлабки даврда қишлоқ хўжалиги салоҳиятини кўтариш борасида бир канча чора-тадбирлар кўрган бўлса-да, қутилган натижага эришилмади. Чунки ТИК бу давр ичида Туркистоннинг мавжуд мураккаб хўжалик ҳаётига ва хўжаликни бошқариш усулига ҳеч қандай ўзгартириш кирита олмаганди. Унинг вилоят ва уезд бўлимлари эса бу давр ичида халқ комиссарликларининг шунчаки раҳбарлик гуруҳи сифатида қолиб, аниқ хўжалик режасига ҳам эга бўлмай, бошқарув маркази сифатида ўзини кўрсата олмади. Натижада ТИКнинг оддий муассасалараро органи бўлиб қолаверди. Жойларда мустақкам ўрни ва мавқеини сақлолмай қолгани учун марказий кенгаш томонидан топширилган вазифаларни ҳам амалий жиҳатдан бажара олмади.

1921 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Туркистон советларининг X съезди ТИКнинг ўрнини қатъий белгилаб берди. Унга кўра ТИК фаолиятини РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашига яқинлаштириш ва муассасалараро кенгашнинг доимий режали фаолиятига киришига имкон яратиш керак эди². Қисқаси, съезд ТИКни ҳақиқий вазифасини бажаришга йўналтирган эди.

РКП(б) X съездининг (1921 йил 6–8 март) янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ва озик-овқат развёрсткасини озик-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарори мамлакат иқтисодиётида туб бурилиш ясади, десак хато бўлмайди. Бу кўп укладли ва инкироз ёқасига келиб қолган Туркистон қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Съезднинг янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ҳақидаги қарориди асосий эътибор маҳсулот ишлаб чиқарувчи яққа деҳқон хўжаликларининг манфаатларини биринчи ўринга қўйишга қаратилган эди. Шунингдек, қарорда майда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар иқтисодий тизимнинг мустақил ҳаракат қилувчи субъекти бўлишлари ва шунга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш учун иқтисодий

¹ Экономическая жизнь. №28. 1921 г. 26 июля.

² Отчет 1-го съезда Экономических Советаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 87.

рағбатлантирувчи омил жорий этиш мўлжалланди¹. Озиқ-овқат развёрсткасининг озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кучайтиришнинг иқтисодий рағбатини вужудга келтиришда ягона тўғри ғоя бўлди, чунки бунда дехқонга ҳосилнинг қатъий белгиланган қисмини топширгач, қолган маҳсулотни истаганича тасарруф этиш ҳуқуқи берилди.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш ва бу муҳим тадбирнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси ТИК зиммасига юклатилди. Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтиш мамлакатнинг марказий туманларидагига нисбатан секинроқ борди². Бунинг сабабларидан бири раҳбар ходимларнинг назарий жиҳатдан тайёргарлиги заифлигида эди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтишда партия ва советлар ишини кучайтириш мақсадида 1921 йил август ойида Москва партия ташкилотларидан 61 нафар коммунист Туркистонга юборилди³.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни қонуналиқ билан расмийлаштириш ва мустақамлаш сари илк қадамлар қўйила бошланди. Туркистон АССР МИҚ 1921 йил 20 апрелда РСФСР ХКС ва БМИҚ декретларига мувофиқ озиқ-овқат, ем-хашак развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди⁴. Мазкур қарорга кўра озиқ-овқат развёрсткаси ўрнига ялли ҳосилнинг 10%и миқдоридан озиқ-овқат солиғи белгиланди. Бирок жойларда бу қарорни ижро этиш жараёнида ҳосилнинг нафақат 10 ёки 20%и, ҳаттоки 100%игача олиб қўйиш ҳоллари юз берди⁵.

Туркистон озиқ-овқат комиссарлиги Туркистон ХКСнинг 1921 йил май ойида қабул қилган декретларига мувофиқ равишда 1921–1922 йиллар учун озиқ-овқат солиғини тўплаш режасини ишлаб чиқди. Унга кўра республика бўйича ғалла солиғи 12,5 млн пуд; ем-хашак солиғи 8.785 минг пуд ва ҳоказо⁶ қилиб белгиланди.

¹ УзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 21-иш, 72-варақ.

² Собрание узаконений и распоряжений рабоче-крестьянского правительства. 1921. №26. –С. 148, 154.

³ Известия. Орган ЦК РКП(б). №31. 1921 г. Июль.

⁴ История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. –Т., 1962. –С. 110.

⁵ Отчет 1-го съезда Экономического Сопещания Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 21.

⁶ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. –Т., 1922. –С. 275-276.

1921 йил 8 августда Туркистон МИК «Айирбошлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра айирбошлаш, сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқи кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда майда хунармандчилик саноати буюмларига жорий қилинди¹.

Аслида юқорида келтирилган декрет ва қарорларни бажариш, хусусан, озиқ-овқат солиғини йиғиб олиш тадбирларини амалга ошириш учун маҳаллий иқтисодий органларга деҳқонларни ишга жалб қилган ҳолда озиқ-овқат органларини тузиш вазифаси юкланган эди. Дастлабки даврда ана шундай солиқ йиғувчи органлар таркибига 10 минг хизматчи жалб қилинди².

Озиқ-овқат органлари амалда ўз фаолиятини 1921 йилнинг декабрь ойидан бошлади. Унинг дастлабки иши жойларда озиқ-овқат бўлимларини тузиш бўлди. Бундай бўлимлар дастлаб Амударё, Туркман, Самарқанд вилоятларида тузилиб, қолганлари бошқа жойларда 1922 йилнинг январь ойигача тузиб бўлинди.

Туркистон озиқ-овқат комиссарлигининг бошланғич режасига кўра армия, умумий овқатланиш, болалар, ишчи ва хизматчилар ҳамда кизил аскарларнинг ишламайдиган оила аъзоларини бугдой маҳсулотлари билан таъминлаш учун 17 млн пудга яқин дон зарур бўлган. Буларни таъминлаш мақсадида озиқ-овқат комиссарлиги аҳолидан озиқ-овқат солиғи бўйича 12,5 млн пуд, яъни 54%ининг қолган қисмидан тахминан 4,5 млн пудини маҳсулот айирбошлаш йўли билан йиғиб олишни мўлжаллаган эди. Туркистон АССР ХКСнинг қарорига кўра белгилаб берилган солиқнинг миқдорига биноан йиғиб олинадиган бугдой миқдори режаси 3 баробарга қисқарди. Бунга сабаб Туркистон ХКСнинг 1921 йил 10 августдаги қарорига мувофиқ хўжаликларнинг катта-кичиклигидан келиб чиқиб, солиқни табақалаштириш жорий этилганлиги эди. Унга кўра солиқ олиниш нисбати куйидаги тартибда белгилаб қўйилди: 2 десятинагача ери бўлган хўжаликлардан ҳосилнинг 5%и миқдорида, 2-4 десятинагача – 10%и, 4-6 десятинагача – 12%и, 6-8 десятинагача – 14%и, 8-20 десятинагача – 16%и миқдорида ва ҳоказо. Қарорга

¹ Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительства ТАССР за 1917-1922 гг., Комиссий СНК. –Т., 1921. –С. 206.

² Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. –Т., 1922 г. –С. 263.

мувофик техника ва махсус экинлар (асосан Марказ манфаатлари учун зарур бўлган пахта, қанд лавлаги, тамаки кабилар) майдонларини кенгайтириш мақсадида бу экин майдонларининг 1/3 қисми солиқ тулашдан озод қилинди¹.

Умуман олганда, ХКСнинг қарорида белгиланган озиқ-овқат солиғи миқдорига кўра йиғиб олинган ғалла миқдори 1921 йилнинг 1 августидан 1 декабригача бўлган даврда жами 2.245.476 пудни, яъни 50,8%ни ташкил этди. Қолган 50%ни аҳолидан айирбошлаш йўли билан 1922 йил 1 январгача йиғиб олиш мўлжалланди².

Озиқ-овқат солиғининг камайтирилиши ва унинг режада белгиланган миқдорга етказилмаганлиги аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш режасининг 80%га қисқаришига сабаб бўлди³. Бунинг оқибатида давлат таъминотига муҳтож бўлган, шундок ҳам зўрға кун кўраётган аҳоли қатлами очарчилик гирдобиди колди.

Озиқ-овқат солиғи давлат бюджетининг асосий даромад қисми бўлганлиги сабабли уни тезда йиғиб олиш биринчи даражали вазифа қилиб белгиланди. Шу боис, ТИК 1922–1923 йиллар учун озиқ-овқат солиғини йиғиб олиш тадбирини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида жойларда ишлаш учун ХКС ва ТИК номидан озиқ-овқат комиссарлигига батафсил ёзилган «фармойиш рисола»ни тезкор тартибда тузишга топшириқ берди⁴.

Шу билан бирга, озиқ-овқат сиёсати ва уни амалда қўллаш чоралари масаласи ҳам ТИКнинг I съезди (1922 й. май-июнь) диққат марказида бўлди. Съездда қабул қилинган резолюцияда озиқ-овқат солиғи компаниясини қисқа муддатда ўтказиш ҳамда мазкур солиқни 100% миқдорида йиғиб олиш ва йиғилаётган солиқ давлат фонди эканлиги, ундан фойдаланиш қатъий белгиланган режа асосида озиқ-овқат комиссарлиги кўрсатмасига биноан амалга оширилиши кераклиги таъкидланди⁵. 1922 йилда озиқ-овқат солиғи

¹ Бу ҳақда қаранг: УЗР МДА. Р17-фонд. 1-руйхат, 47-иш, 233-варак.

² Отчет 1-го съезда Экономических Совещаний Туркеспублики. Прод. налоговая политика и меры практического осуществления. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 23.

³ Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета за февраль-октябрь месяцы 1921 года. –Т., 1922. –С. 121.

⁴ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. –Т., 1923. –С. 19–20.

⁵ Отчет 1-го съезда Экономических Совещаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 85.

сифатида Фарғона вилоятидан 92% ғалла маҳсулотлари, 65% мевалар, 71% гўшт; Самарқанд вилоятидан жами 63% маҳсулот; Туркман вилоятидан 82,7%; Еттисув вилоятидан 90% гўшт ва ғалла; Амударё вилоятидан 20 минг пуд маҳсулот йиғиб олинди¹.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтишнинг дастлабки давридаёқ турли зиддиятлар намоён бўла бошлаган. Аслида бу сиёсат коммунистик мафкура қондаларига умуман мос келмас эди. Бу ҳол ТИКнинг I съездида ўз аксини топди. Хусусан, съездда қабул қилинган резолюцияда умумий ҳолатга баҳо берилиб, янги иқтисодий сиёсатдаги чекланишлар ҳақида шундай дейилади: «Биз сўзсиз бузилмас национализация принципларини сақлашимиз зарур, биз режали хўжаликни рад этишимиз мумкин эмас, биз капиталистларга имтиёзли шароит яратишимиз мумкин эмас, бунга мажбур эмасмиз. Биз ён бериш чегарасини белгилаб олмоғимиз лозим»². Шу сабабдан ҳам НЭП Туркистонда жуда қийинчилик билан ва шунчаки номига, ярим-ёрти қилиб жорий қилинган.

Туркистон халқ хўжалигида пахтачилик алоҳида эътибор талаб қиладиган соҳа бўлиб, унда юзага келган танглик ҳолатлари анча кескин даражада эди. 1915 йилда ўлка бўйича жами 669391 десятина майдонга пахта экилиб, ундан 20.518,463 пуд ҳосил йиғиб олинган³. 1920 йилда 109336 десятина майдонга пахта экилиб, ундан 2.728 минг пуд ҳосил олинган бўлса⁴, 1921 йилга келиб бор-йўғи 88069 десятина майдондан 1148291 пуд ҳосил олинди⁵, бу 1915 йилда йиғиб олинган пахта ҳосилининг 5%ини ташкил этди⁶.

Туркистонда ишлаб чиқарилган хом ашёни сотиб олиш тартиби Марказда ишлаб чиқилган йўриқномалар асосида амалга оширилар эди. Хусусан, пахтани сотиб олиш катъий белгиланган нарх (хориждан олинадиган пахта нархига нисбатан анча арзон баҳода) ва катъий режа асосида амалга оширилган. Агар ўша давр

¹ Отчет 2-го съезда Экономических Советов Туркестанской Республики. 26-30 ноября 1922 г. – Т.: ТЭС, 1923. – С. 3–30.

² Отчет I-го съезда Экономических Советов Туркеспублики. – Т.: ТЭС, 1922. – С. 80.

³ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 2189-иш, 125-варақ.

⁴ ЎзР МДА. P18-фонд, 2-руйхат, 8-иш, 71-варақ.

⁵ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. – Т., 1922. – С. 326–327.

⁶ Жизнь национальностей. №26/124. 1921 г. 19 ноября.

(бу ерда 1921 йил назарда тутилмоқда – Муал.) совет пулининг мислсиз даражада кадрсиз эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, пахта харид қилиш нархининг ўта паст даражада белгиланиши пахта етиштирувчи деҳқонларнинг манфаатларига жиддий зиён етказганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. 1921 йилда РСФСР ҳукумати хориждан олинадиган бир пуд пахта учун 30 рубл тўлаётган бир вақтда, Туркистон пахтасини 14 рублга сотиб олар эди. Пахтага белгиланган қатъий нарх ўзгармагани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи кундан-кунга, соат сайин ортиб бораверган. Мисол учун, бир пуд ғалланинг нархи 1921 йил октябрида Тошкентда 400 рублга кўтарилган¹.

Пахтачиликнинг инкйрози метрополиянинг иқтисодий манфаатларига жиддий таъсир қилиши табиий эди. Шунинг учун ҳам марказий ҳукумат биринчи ўринда пахтачиликни тиклаш ҳақида чора-тадбирлар белгилади. Мамлакатда пахтачиликни қайта тиклаш ва уни марказлашган ҳолда ривожлантиришга раҳбарлик қилиш учун РСФСР ХХОК ҳузурида Пахта Бош Қўмитаси (Главхлопком) ва пахта етиштирувчи республикаларда унга бўйсунадиган пахта қўмиталари таъсис этилди. 1921 йил сентябрда Мехнат ва Мудофаа Кенгаши пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисида Низом қабул қилди. Бу амалда пахтани давлат монополиясига айлантириш тамойиллари эди.

Туркистон республикасидаги барча пахтани қайта ишлаш корхоналари, ёғ-мой, совун заводлари ҳамда пахта саноати маҳсулотлари ва пахтани қабул қилиш пунктлари Туркистон ХКС нинг 1922 йил 8 июндаги 121-сонли қарорига мувофиқ, Туркистон пахтачилик қўмитаси² ихтиёрига ўтказилди. Қарорга биноан, пахтачилик қўмитасига чексиз ваколатлар берилди. Унга кўра республикадаги маҳаллий ҳокимиятнинг ҳеч бир органи, ҳаттоки Марказнинг ваколатли органлари ҳам пахтачилик қўмитасининг хўжалик ишига ҳалакит қилмаслиги ва унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажариши шарт эканлиги қатъий белгилаб қўйилди³.

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 2 рўйхат, 21-иш, 96-варақ.

² Туркистон пахтачилик қўмитаси дастлаб Туркистон ишлари комиссияси (Турккомиссия) ва Туркистон АССР ХКСнинг қарорига мувофиқ 1920 йилнинг декабрида тузилган эди.

³ Бу ҳақда батафсил қаранг: ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 2157-иш, 68-варақ.

Умуман айтганда, Пахта Бош Қўмитаси ва унинг маҳаллий қўмиталари ташкил этилиши натижасида пахта етиштиришга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш ягона ташкилот доирасида марказлаштирилди¹. Бу бошқарма ўз фаолияти давомида пахтачиликни қайта тиклаш ишлари баробарида давлат пахта яккахокимлигини амалда жорий этиш ва уни ривожлантириш ҳамда Марказ манфаатларини ҳимоя қилиш ишлари билан ҳам узвий равишда шуғулланди. Шу билан бирга, у янги иқтисодий сиёсат шароитини ҳам ҳисобга олишга мажбур эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, советлар мамлакатининг бутун сиёсий раҳбарияти ҳали бутунлай ҳарбий коммунизм сиёсатидан воз кеча олмаган ва янги иқтисодий сиёсатни ҳали тушуниб етмаганлиги оқибатида бу икки сиёсатга ёндашувларнинг зиддиятли равишда қўшилиб кетиш ҳоллари содир бўлиб турди.

Туркистон республикасида қишлоқ хўжалигини, жумладан, пахтачиликни ривожлантириш ирригацияни қайта тиклаш билан боғлиқ эди. Бу борада ТИК асосий эътиборни сув хўжалигига қаратди. Бу ўринда сув хўжаликлари ва уни бошқарадиган ягона марказ тузиш масаласи асосий муаммо эди.

Республикада ирригацияни қайта тиклаш вазифалари ТКП VI съезди (1921 й. август) ва Туркистон советлари X съезди (1921 й. сентябрь) қарорларида белгилаб берилган. Хусусан, ТКП VI съездида урушдан олдинги даврга қадар бўлган бутун ирригация тармоқларини қайта тиклаш республиканинг энг муҳим сиёсий ва иқтисодий вазифаси эканлиги таъкидланди². Шунга биноан, 1921 йилнинг кузида ирригация ишларининг ҳаммаси ер ишлари комиссарлиги қошида ягона сув хўжалиги бош бошқармаси тузиш орқали унга бирлаштирилди. Шу билан бирга, вилоят, уезд ва участкаларда сув хўжалиги қўмиталари тузилиб, бу қўмиталарга уезд ва вилоят советлари ижроия қўмиталарининг аъзолари раҳбар қилиб тайинланди. 1921 йилнинг декабрь ойига келиб республикада 12 та туман сув қўмитаси ва 94 та участка сув қўмитаси тузилган

¹ *Темирходжаев П.* Ленинский союз рабочих и дехкан Туркестана. –Т., 1969. –С. 41–42.

² Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики. 1 октября 1922 г. –Т.: ТЭС, 1923. –С. 20.

бўлиб, уларда ишлайдиган ишчилар таркиби 2000 кишидан ортиқ эди¹.

1921 йил 11 майда Туркистон АССР ХКС Марказ талаби билан ўлкадаги барча ирригация ишларида ҳарбийлаштиришни жорий этиш тўғрисида декрет қабул қилди². Большевиклар ҳукуматининг ирригация ишларини ҳарбийлаштириши маҳаллий аҳолининг мажбурий бепул меҳнати ва бор маблағларини ирригацияни қайта тиклашга жалб этиш мақсадини кўзлар эди.

1921 йилнинг ноябрида Туркистон АССР Советлари МИҚ Туркистон республикасида давлат сув солиғини жорий этиш тўғрисида декрет чиқарди³. Унга кўра сувдан фойдаланувчиларнинг барчасига сув солиғи солинадиган бўлди. Бу орқали ҳукумат ирригация дастурларини амалга ошириш ва уни маблағ билан таъминлаш бўйича ўз зиммасидаги вазифалардан озод бўлди. Хусусан, ўлкадаги ирригация ишларига давлат томонидан ажратилган маблағ 1921 йилда 351,9 минг рублни ташкил этган бўлса, маҳаллий аҳолининг бу ишларга мажбурий равишда жалб этилиши натижасида 2 млн киши бир кундан ортиқ ишлаб берганида, 2.390 минг олтин рубллик иш бажарилган бўларди⁴.

1922 йилга келиб сув хўжалиги бошқармаси томонидан ирригацияни қайта тиклаш дастури учун урушгача бўлган баҳода 9993 минг олтин рубл миқдорида маблағ талаб қилинди. Бироқ бу режа Туркистон республикаси олий хўжалик органлари ҳамда Москва Давлат режа қўмитаси, РСФСР молия комиссарлиги ва Бутунроссия МИҚ томонидан кўриб чиқилганидан сўнг ишни амалга ошириш учун давлат томонидан 900 минг рубл, Пахта Бош Қўмитаси томонидан 900 минг рубл, маҳаллий мажбурият ҳисобидан 939.539 минг рубл миқдорида маблағ ажратишга қарор қилинди. Аммо бу режа Москва томонидан тасдиқланган бўлишига қарамасдан, 1922 йилнинг 1 октябрида давлат томонидан берилган маблағ 380 минг рублни (1922 й. қоғоз пулида 39.778 минг рубл), Пахта қўмитаси

¹ Отчет 1-го съезда Экономических Советов Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 83.

² Съезды Советов в документах. Т. 1. –М., 1959. –С. 482–483.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Т. 2. –Т., 1957. –Б. 372.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т., 2000. –Б. 181.

томонидан эса 80 минг рублни (1922 й. қоғоз пулида 3.500 минг рубл), яъни жами 460 минг рублни ташкил этди. Умумий олинган маблаг фоиз билан ифодаланганда, тасдиқланган сметанинг 13%ини ташкил этди, холос¹.

РСФСРнинг умумий халқ хўжалиги режаси Туркистонга Марказни хом ашё билан таъминлаш вазифасини юклади. Бу вазифалар қай даражада бажарилгани, хусусан, пахтачиликни қайта тиклаш ва унинг совет режимига қарши уруш давридаги тушкун ҳолати ТИКнинг февраль ойдан то октябрь ойигача бўлган давр ичидаги фаолияти ҳисоботида тўла ёритилган. ТИК ўзининг дастлабки давридаги хато ва камчиликларини ТИКнинг I съездида (1922 й. май-июнь) ифодалаб, РСФСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг шартли ва қатъий кўрсатмалари ҳамда ўрнатилган халқ хўжалиги режасининг ноаниқлигида, деб кўрсатган эди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг жорий этилиши ТИКдан хўжалик ишлари табиати, шакли ва услубини ўзгартиришни талаб қилди. Қисқа муддатли танаффус даврида ТИК амалда доимий президиумга эга бўлди. Шу билан бирга, ТИК ишини режали амалга оширишда муҳим бўлган режа тузиш бўлимига ҳамда жойларда Иқтисодий Кенгаш – ЭКОСОнинг таркибига вилоят ижроия қўмиталари ҳам киритилиб, улар умумхўжалик марказлари ва умумрежа комиссияларига эга бўлдилар. Бу эса Туркистонда хўжалик бошқарувини такомиллаштириш ва мустақкамлаш имкониятини яратди².

Шундан сўнг, ТИК ўлка иқтисодиётининг асосий бўғини бўлган пахтачиликни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишга қатъий киришди. ЭКОСОнинг I съезди ТИКнинг иккинчи даврида бажариши зарур бўлган асосий вазифа қилиб, Туркистон республикаси халқ хўжалиги ривожланишининг бутун бир йўналишини белгилаб берган эди. Унга кўра Туркистонни хом ашё базаси сифатида тиклаш, унда пахтачилик, чорвачилик, техник ва доривор ўсимликлар, боғдорчилик, балиқчилик ва овчилик ривожлантирилиши керак эди.

Ҳақиқатан ҳам ТИК ўзининг иккинчи давр фаолиятида дастлаб қай мақсадда ташкил этилган бўлса, худди шундай тарзда, яъни

¹ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 3117-иш, 1–2-варақлар.

² Отчет 1-го съезда Экономических Советаний Туркеспублики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 78.

Туркистон АССРнинг бутун иқтисодиёти устидан олий бошқарувни ҳам «оёғи», ҳам «кўли»да мустақкам тутди¹. Қишлоқ хўжалиги учун чора-тадбирлар, қоидалар ва уларни амалга ошириш тартибини аввал Давлат режа қўмитаси ўзи белгиларди. 1921 йилнинг охири ва 1922 йилнинг бошларидан бошлаб Давлат режа қўмитаси ўлка доирасидаги барча ишларни, хусусан, қишлоқ хўжалиги борасидаги режа ва таклифларнинг ҳаммасини ТИК орқали ўрнатадиган бўлди. Шундан сўнг, ТИК кўрсатмасига биноан Давлат режа қўмитаси жорий йил учун қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачиликни ривожлантиришга қарагилган чора-тадбирларни белгилади. Улар асосан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун бюджетдан кўпроқ маблағ ажратиш; қишлоқ аҳолисини солиқдан озод қилиш; узок муддатли қарз бериш; камқувватли хўжаликларни иш қуроли ва иш ҳайвонлари билан таъминлаш ва бошқалардан иборат бўлган².

Белгиланган бу чора-тадбирлар ижроси қишлоқ хўжалиги соҳасида яхши самара берди. Аммо Туркистон қишлоқ хўжалигини кўтариш борасидаги «жонкуярликлар» негизида асосан хом ашё тўплаш зарураги ётарди. ТИКнинг 1922 йил 31 октябрда ўтказилган мажлисида ХХМК хом ашё тўплашда республика қишлоқ хўжалигининг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатиб ўтди. Шу мақсадда Давлат режа қўмитасига 1922–1923 йиллар учун Туркистоннинг хўжалик режасини ишлаб чиқишда унинг таркибига хом ашё тўплаш вазифасини киритиш топшириғи берилди³. Давлат режа қўмитасининг 1922–1923 йиллар учун ишлаб чиққан хўжалик режаси кўриб чиқилганидан сўнг хом ашё тўплаш ва уни ривожлантириш учун 120 минг рубл (олтин ҳисобида) маблағ ажратилди⁴. Хом ашё тўплаш учун қилинаётган ҳаракатнинг сабаби РСФСР марказидаги завод ва фабрикаларнинг жун ва терига бўлган талаби кучлилигида эди. Туркистонда тўпланаётган хом ашёлар қатъий белгиланган ва жаҳондаги бошқа мамлакатлар нархларига нисбатан жуда арзон баҳода сотиб олинар эди.

¹ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на октябрь 1922 г. –Т.: ТЭС, 1923. –Б. 18–19.

² Бу ҳақда қаранг: Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на октябрь 1922 г. –Т.: ТЭС, 1923. –С. 22–27.

³ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат, 41-иш, 5-варақ.

⁴ Ўша жойда. 4-иш, 79-варақ.

Туркистонда янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши, қишлоқ хўжалиги ва ирригациянинг тикланиши натижасида бу соҳаларда бир оз силжишлар кузатилган бўлса-да, амалда суғориладиган ерларнинг қисқариши ҳамда ҳосилдорликнинг пасайиши ҳоллари давом этаверди. Бу жараён ТИКнинг қатор мажлислари ва ТуркЭКОСонинг II съездида (1922 йил 26-30 ноябрь) ўз тасдиғини топган. Хусусан, ТИК ва унинг жойлардаги тармоқлари раҳбарлари ўз маърузаларида қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, жумладан, ирригация соҳасидаги ишлар суёт бораётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Бу масалаларни тезда ҳал қилиш учун ер ишлари комиссарлигига ишни тартибга солиш кўрсатмалари берилди. Ер ишлари комиссарлиги 1922 йилдан бошлаб ер ишлари, ер ислохотларини тугатиш, вайрон бўлган ирригация тармоқларини тузатиш ва сувдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, деҳқонларга агрономик ёрдам кўрсатиш ва уларнинг агрономик билимларини ошириш, уруғ ва қишлоқ хўжалиги асбоблари билан таъминлаш ҳамда зараркунандаларга қарши курашиш, наслдор йилқилар, чорвачилик ҳамда кўчат етиштирувчи хўжаликларни сақлаш ва уларни қўллаш ҳамда кенгайтириш, қўшимча дарахтзорлар барпо этиш ва ўрмонларни қўриқлаш ишларини амалга оширишга киришди. Ер ишлари комиссарлиги бу вазифаларни амалий жиҳатдан бошқариш учун ТИКдан Давлат режа комиссияси сметаси бўйича 7.486.525 олтин рубл миқдорига маблағ сўради. Бироқ марказий ҳокимият юкоридаги ишлар учун 2.913.427 минг олтин рубллик маблағ кетишини таъкидлаб, амалда белгиланган маблағдан фақат 42%ини, яъни 1.206.496 олтин рублни ажратди, холос¹.

Республикадаги ирригация тармоқларини таъмирлаш масалаларини ҳал қилишда ўлка деҳқонларининг бепул мажбурий меҳнати ҳам катта ёрдам берди. Аммо давлат маблағининг етишмаслиги, воситалар ва ирригатор ходимларнинг йўқлиги шароитида фақат аҳолининг куч ва маблағи билан таъмирлаш, сувдан фойдаланишни тартибга солиш борасидаги йирик ҳажмли ишларни амалга ошириб бўлмасди. Буни тушуниб етган марказий ҳукумат бюджетдан кўпроқ маблағ ажратишга қарор қилди. 1923 йилда бу маблағлар

¹ Отчет 2-го съезда Экономических Совещаний Туркестанской Республики. 26-30 ноября 1922 г. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 31.

5.850 минг¹, 1924 йилда эса 6.700 минг олтин рублни ташкил этди². Шунга қарамасдан, деҳқонларнинг натура мажбурияти хизматидан самарали фойдаланиш сақланиб қолаверди.

Умуман, ўлкадаги ирригацияни қайта тиклаш масалаларини ҳал қилишда ТИКнинг роли катта бўлган. Хусусан, 1922–1923 йилларда 297 та йирик ҳажмдаги ишлар бажарилди. Шундан 148 таси давлат бюджети ҳисобидан, 113 таси натура мажбурияти ҳисобидан бажарилган ишлар, 36 таси эса биргаликда бажарилган ишлар эди. Дарғом ва Ангор дарёларида ирригация ишлари олиб борилиши натижасида 100 минг десятина қўшимча ер фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, Фарғонанинг Шаҳрихонсой ва Андижон сойларида ирригация ишларини тамомлаш натижасида яна 150 минг десятина суғорма ер қўшилди³.

1923 йилда Фарғона вилоятида ТИКнинг махсус комиссияси ишлаб, вилоят аҳолисига ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Комиссия вилоят қишлоқ хўжалиги салоҳиятини кўтаришга асосий эътибор қаратиб, унга 1.152.142 олтин рубл миқдорига маблағ ажратди⁴. Ажратилган маблағнинг асосий қисми Фарғона вилоятининг барча уездлари бўйича пахтачилик ва ирригация тармоқларини қайта тиклаш ишларига сарф қилинди⁵. Натижада Фарғона вилоятидаги пахта экин майдонлари 1922 йилдаги 11.875 десятинадан 4 баробарга кўпайиб, 1923 йилда 48.242 десятинага етди⁶. 1923 йил 1 декабргача Фарғона вилояти заводлари ва пахта қўмитасининг пахта сотиб олиш пунктларига 1.542.746 пуд пахта хом ашёси топширилди⁷.

ТИК ўз фаолияти давомида пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгартиришлар киритишга ҳаракат қилди. Бирок бу ўзгартиришлар аслида анча чекланганди. Бунга сабаб, 1921 йилда Бош Пахта Қўмитаси ва Туркистон пахта қўмитаси ташкил қилиниб, уни ўз фаолиятига яққаҳоқим қилиб қўйилган эди. Пахтачилик қўмитасининг

¹ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 3070-иш, 15-варак.

² ЎзР МДА. 1-фонд, 1-руйхат, 195-иш, 9-варак.

³ ЎзР МДА. 18-фонд, 1-руйхат, 23-иш, 75-варак.

⁴ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 108-иш, 232–233-варақлар.

⁵ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 108-иш, 239-варак.

⁶ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 108-иш, 240-варак.

⁷ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 107-иш, 11-варак.

ташқил қилиниши янги иқтисодий сиёсатнинг пахтачилик соҳасида ўз моҳиятини намоён қилишига имкон бермади¹.

1922 йилда пахтачилик қўмитаси мустақил бўлишга уринди, у томонидан қатъий режим ўрнатилиб, пахтакорларга пул, уруғ ва бошқа махсулотлар берилиб, пахтачиликка қисман ўзгартириш кiritилган бўлса-да, лекин пахта экин майдонлари кенгаймади. Бунга сабаб пахтачиликда давлат монополияси сақлаб турилганлигида эди. Янги иқтисодий сиёсат бозорга қисман рухсат берган бўлса-да, лекин деҳқон пахтани эркин бозорда сота олмасди. Мазкур монополия пахтачиликда рақобат ва соғлом товар-пул муносабатларининг намоён бўлишига тўсиқ бўлган. Пахта қўмитаси ўзининг монопол мавқеидан фойдаланиб, пахтанинг харид нархларини ўта паст қилиб белгилардики, улар пахтакорларнинг харажатларига асло тўғри келмасди. Мисол учун, 1922 йилда 1 пуд пахта учун 62.500 рубл нарх белгиланган² бир вақтда бир пуд ғалланинг нархи 2-2,5 млн рублгача кўтарилган эди³.

Бундай шароитда деҳқонларнинг пахтага белгиланган нархлардан норозилиги уни етиштириш камайиб боришига олиб келди. 1922 йили Туркистонда 210 минг десятинага пахта экиш мўлжалланган бўлишига қарамай, аслида ўша йили 51.428 десятина майдонга чигит экилди, холос⁴. Шундай бўлса-да, ТИКнинг II съездида унинг жойлардаги раҳбарлари ва бошқа давлат ташкилоти раҳбарлари ҳам ўлкада пахтага бўлган давлат монополиясини сақлаб қолиш зарурлигини ёқлаб чиққан эдилар. Бироқ юзага келган вазият Туркистондаги хўжалик раҳбарлари ва иқтисодчиларни ўлкада пахтага бўлган давлат монополиясини тугатиш масаласини бир неча бор муҳокама қилишга мажбур этди. Ниҳоят, кўпгина тортишувлар ва Бош Пахта Қўмитасининг норозилик билдиришига қарамасдан, 1922 йил 15 ноябрда РСФСР Иқтисодий Кенгаши пахтага бўлган давлат монополиясини бекор қилди, бу қарорни Давлат режа қўмитаси ҳам тасдиқлади. Бу масалани кўриб чиққан РСФСР Меҳнат ва Мудофаа

¹ Отчет 2-го съезда Экономических Совецаний Туркестанской Республики 26-30 ноября 1922 г. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 33.

² ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 2189-иш, 123-варақ.

³ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 21-иш, 96-варақ.

⁴ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4239-иш, 17-варақ; ЎзР МДА. Р18-фонд, 1-руйхат, 20-иш, 1-варақ.

Кенгаши 1923 йил 26 январда пахта харид қилишда давлат монополиясини бекор қилувчи қарор қабул қилди¹.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан амалга оширилган чоралар Туркистонда пахтачилик ва кишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини қайта тиклашни анча енгиллаштирди. Бунда айниқса нарх сиёсати муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда 1922 йилнинг охирларида пахта қўмитаси томонидан пахтага белгилаб қўйилган ва уни етиштириш учун қилинаётган сарф-харажатларнинг ўрнини қопламайдиган қатъий нарх бекор қилиниб, янги харид нархи белгиланди. Топширилаётган пахтага тўланаётган ҳақ буғдой нисбатида 1:2,5 қилиб белгиланди². Шу билан бир вақтда, пахтакорларни иқтисодий рағбатлантириш механизми жорий қилиниб, уларни озиқ-овқат солиғидан озод қилишга ҳамда ер ва сувдан фойдаланишда имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада Туркистон кишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачиликда 1923 йилдан бошлаб қуйидагича ўсиш кузатилди:

1-жадвал

Йил	Пахта экилган майдон (десятинада)	Олинган пахта (пуд)
1923	147.000	6000000
1924	280.000	14000000 ¹

Холис қаралганда, совет ташкилотлари томонидан пахтачиликни ривожлантириш учун қўрилган чора-тадбирлар, яъни монополиянинг бекор қилиниши, озиқ-овқат солиғидан озод қилиш, ер ва сувдан фойдаланишдаги имтиёзлар, турли иш қуролларининг келтирилиши пахтачиликнинг юксалишига ҳамда деҳқонларнинг бироз бўлса-да, манфаатдорлигининг ортишига олиб келди. Бирок буларнинг ҳаммаси ўлка деҳқонларининг Марказга тобелигини янада оширди. Чунки ўлка деҳқонлари ўзлари етиштирган пахта

¹ Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг. -Т., 1994. -С. 76.

² Отчет 2-го съезда Экономических Сопешаний Туркестанской Республики. 26-30 ноября 1922 г. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 34; ЎзР МДА. Р18-фонд. 1-руйхат, 20-иш, 1-варак.

хом ашёсига ўзлари эгалик қила олмас эдилар. Шунингдек, ҳукумат ўлкадаги пахта монополиясини 1923 йилда вақтинча бекор қилган эди, холос. Бундан ташқари, пахтачилик кўмитаси пахта экишдан бошлаб то уни сотиб олишгача бўлган жараёни агрокультура хусусиятига айлантириш чора-тадбирларини кўраётган эди¹.

Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришда кооперациялар сезиларли роль ўйнади. Кооперация большевиклар ҳукумати томонидан янги иқтисодий сиёсат даврида деҳқон жамғармаларига ёрдам беришнинг асосий механизми бўлади², деб эътироф этилди. Майда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатлари, улар ташаббуси ва мустақиллигининг устуворлиги янги иқтисодий сиёсат шароитида кооператив қурилишнинг муҳим хусусияти сифатида намоён бўлди. Бунгача кооперация амалда давлат тасарруфида эди, унинг ўзини ўзи бошқариш асоси тугатилганди. Кооперация озиқ-овқат халқ комиссарлигининг ёрдамчи аппаратиغا айланиб, сўна бошлаган эди. 1921 йилдан бошлаб у ўзини ўзи тиклаш йўлига ўтди³. 1921 йилда 57 та пахтачилик кооперативи тузилиб, уларга 100 мингга яқин пахтакор деҳқонлар бирлаштирилди⁴. Ҳукумат янги иқтисодий сиёсат шароитида асосий вазифа сифатида мамлакатда маҳсулот миқдорини ошириш ва маҳсулот айрибошлашни жонлантириш зарур деб топди. ТКП VI конференциясида (1922 йил 7-11 март) «ушбу мақсадга эришишнинг асосий воситаси ҳамда эркин бозорни бошқаришнинг асосий воситаси кооперация бўлмоғи лозим»⁵, деб таъкидланди. Шу билан бирга, маҳсулот тайёрлаш, маҳаллий саноатни, қишлоқ хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратувчи кооперациянинг барча турларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги эътироф этилди.

Шу мақсадда ТИК томонидан ўтказилган икки съездда ҳам (1922 й. май-июнь, ноябрь) Туркистон кооперациясининг аҳволи,

¹ Отчет 2-го съезда Экономических Советаний Туркестанской Республики. 26-30 ноября 1922 г. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 34.

² ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4239-иш, 17-варақ.

³ Отчет 2-го съезда Экономических Советаний Туркеспублики. 26-30 ноября 1922 г. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 54.

⁴ ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 1447-иш, 19-варақ.

⁵ Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. -Т., 1988. -С. 187.

уларни интеграциялаш ва улар тўғрисидаги қонунчилик масалалари муҳокама қилинди. Бинобарин, съездларда қабул қилинган резолюцияларда кооперациялар келажакда бажариши зарур бўлган вазибаларнинг бутун бир йўналиши белгилаб берилган эди¹. Натижада ТИК таркибига кирувчи ташкилотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги ирригация, мелиорация ишлари, деҳқончилик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда қишлоқ хўжалиги ва касибчилик ишлаб чиқариш воситалари билан бирга маҳсулотни тайёрлаш ва сотиш бўйича кооператив уюшмаларга кўмаклашишга бирламчи эътибор қаратдилар. 1923 йилга келиб кооперациялар росмана ривожланди. Кооператив ҳаракат қишлоқ хўжалигида устувор йўналишга эга бўлди. Бу вақтда Туркистон АССРда қишлоқ хўжалиги ва кредит кооперацияси тизими ҳам ташкилий жиҳатдан тўла шаклланди. Бунда Марказ ва маҳаллий ташкилотларнинг аввалги йилларга нисбатан анча кўпроқ миқдорда кўрсатган моддий ёрдами муҳим роль ўйнади. Бу вақтга келиб Туркистон бўйича 314 та кредит ширкати бўлиб, улар 57.864 нафар деҳқонни бирлаштирган эди. Шу жумладан, Сирдарё вилояти бўйича – 23.369 киши, Фарғона бўйича – 15.674, Самарқанд бўйича – 8.022, Туркман бўйича – 8.621, Еттисув бўйича – 2.178 киши аъзо бўлган эди². 1924 йилда эса кредит ширкатлари сони 721 тани, улардаги аъзолар сони эса 213.232 нафарни ташкил қилди.

Кооперацияларнинг кўплаб шакллари тузиш деҳқон хўжаликларига кредит бериш йўли билан уларни рағбатлантириш имконини берди. Бу кредитлар пахтачилик кўмитаси, қишлоқ хўжалиги банклари орқали деҳқон хўжаликларига келиб тушарди. Қишлоқ хўжалиги банки ўз операцияларини асосан кредит ширкатлари ва қишлоқ хўжалиги кооперацияси орқали амалга оширган.

1923 йилда қишлоқ хўжалиги банкдан қарз олган кредит ширкат хўжалиги рўйхатга олинган аъзоларининг сони вилоятлар бўйича қуйидагича эди: Сирдарё вилояти бўйича 11.745 киши; Фарғона вилояти бўйича 7.89 киши; Самарқанд вилояти бўйича

¹ Отчет 1-го съезда Экономических Советов Туркестанской Республики. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 101–102; Отчет 2-го съезда Экономических Советов Туркестанской Республики. –Т.: ТЭС, 1923. –С. 12–13.

² ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат. 33-иш, 12-варак.

1.56 киши; Туркман вилояти бўйича 787 киши; Еттисув вилояти бўйича – 120 киши¹. Уларга қарз бериш миқдорининг ортиб бориши қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу ўринда 1923 йилда уларга 1 млн рубл қарз берилган бўлса, 1924 йилнинг 1 апрелида 151 минг десятина майдон учун берилган қарз 6,5 млн рублни ташкил этди².

Умуман, 1924 йилга келиб қишлоқ хўжалиги кооперативлари сони кўпайиб, 640 тага етди, уларга 200 мингдан ошiq хўжаликлар бирлашган эди³. Натижада кооператив қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда етакчи кучга айланиб қолди. Айниқса, пахтачиликда уларнинг роли катта бўлди. Шуни айтиш мумкинки, 1923 йилда кооператорлар умумий пахта майдонларининг (пахтачилик кўмитаси орқали) 82%ига, хусусий сектор эса қолган 18%ига чигит эккан бўлса⁴, 1924 йилда улар жами пахта майдонларининг 92,9%ига пахта экишган⁵.

Кооператив ҳаракат орқали муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, аслида улар деҳқон хўжаликларига қарзга пул бериб, деҳқонларни эркин экин экиш ҳуқуқидан маҳрум қилганди. Қарз беришда деҳқонга бу маблағни пахта ҳосили билан узишлари шартлиги уқтирилиб, деҳқонни пахта экишга «ўз ихтиёри билан» мажбур қилган эдилар. Россия империяси давридан қолган бу тажрибани совет давлати яхши ўзлаштириб олди. Иқтисодий Кенгашлар томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида белгиланган чора-тадбирлар, янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши ва турли воситалар билан таъминланиши натижасида 1923 йилнинг охирига келиб аграр ишлаб чиқаришда қисман ўзгариш кўзга ташланди. Умумий экин экиладиган майдон 1922 йилги 1 млн десятинадан 1923 йилда 1,5 млн десятинага етди⁶. 1923 йил якунига кўра ўлкада чорва молларининг сони 30%га

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат, 32-иш, 15-варак.

² ЎзР МДА. 18-фонд, 1-руйхат, 195-иш, 10-варак.

³ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 152-иш, 97-варак.

⁴ ЎзР МДА. Р17-фонд, 1-руйхат, 152-иш, 92, 97-вараклар.

⁵ Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства (1918–1948). –Т., 1949. –С. 20.

⁶ Бу ҳақда қаранг: ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4286-иш, 17-варак; Восьмой съезд Компартии Туркестана. Стенографический отчет. Бюллетень №2. –Т.: ЦККПТ, 1924. –С. 24; Отчет ЦК Компартии Туркестана с VII по VIII съезд. –Т., 1924. –С. 3.

ошди¹. Оқибатда Туркистон АССРда чорвачилик хом ашёсининг кўпайишига эришилди.

Туркистондан ташиб кетиладиган маҳсулотлар орасида чорвачилик хом ашёси асосий ўрин тутган. Бу ўринда Туркистон советларининг XII съезди (1924 й. январь)да сўзга чиққан ТИК раиси Н.А.Паскуцкий Марказнинг хом ашёга бўлган талабини ҳимоя қилиб, шундай деган эди: «Олдин Туркистон Марказдан 50 млн пуд турли молларни (буғдой, газлама, ёғоч ва бошқалар) олиш имкониятига эга бўлди. Бу моллар ўрнига Туркистон Марказий Россиянинг ички талаби учун (пахта ва чорвачилик хом ашёсига бўлган) умумий миқдори 127 млн рублга тенг бўлган маҳсулотлар берди. Ҳозирги кунда Россия бизга кишлоқ хўжалигида асосан пахтачиликни ривожлантириш учун умумий миқдори 10 млн пудга тенг бўлган турли юкларни жўнатмоқда. Ўз навбатида биз Россиянинг ички бозори ва саноати ҳамда чегарадош мамлакатлар учун белгиланган хом ашёни етказиб беришимиз керак... Урушдан олдин ўлка кишлоқ хўжалиги балансида биринчи ўринни пахта (36%), иккинчи ўринни чорвачилик (23%) эгаллаган бўлса, ҳозирги кунда кишлоқ хўжалиги балансида биринчи ўринда пахта (23%), иккинчи ўринда чорвачилик (16%) қилиб тузилган. Бундан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, Туркистон хўжалиги, худди олдингидек, ҳозир ҳам икки асосий қисмдан иборат бўлиб, бу пахтачилик ва чорвачиликдан иборатдир. Шундай экан, асосий эътиборни фақат пахтачиликка қаратиш мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Шундай экан, чорвачилик хом ашёси ҳам (Марказ учун) кандай муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб олмоғимиз керак»².

1921 йилга келиб Туркистон республикасидаги барча тери ошлаш заводлари Марказтери (Центркож) ва унинг органлари ихтиёрига берилган эди. Шундан сўнг тери маҳсулотларини Марказга жўнатиш сезиларли даражада кўпайиб борди. 1921 йилда Туркистондан Марказга 2035442 дона тери олиб кетилди³. Хом ашё тайёрлаш ва жўнатиш Марказдаги «Хом ашё тайёрлаш

¹ Резолюции и постановления съездов КПТ (1918-1924 гг.). –Т., 1958. –С. 182; ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4239-иш, 7-варақ.

² ЎзР МДА. 17-фонд, 1-руйхат. 105-иш, 569–572 варақлар.

³ Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Т., 2000. –Б. 251.

бошқармаси» ташкилотининг фаолияти билан ўзаро боғлиқ эди. 1922 йилда бу ташкилотнинг ўлкада 19 та бўлими бўлган. Хом ашё тайёрлаш бошқармасининг ҳисоб режасида хом ашё тайёрлаш ва йиғиш асосий ўринни эгаллаб, йиғиб олинган маҳсулотлар Москва, Петроград, Батуми каби шаҳарлар ва Нижний Новгород ярмаркасига жўнатилган¹. Биргина 1922–1923 хўжалик йилида фақат майда ва йирик терилардан 450 минг донаси тўпланиб, Марказга юборилган².

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ТИК ўзининг фаолияти давомида 1920 йилда ташкил қилинган Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари иқтисодиётини ҳам кузатиб борди. Октябрь тўнтаришидан сўнг сунъий равишда икки хонлик ўрнида ташкил қилинган ва номигагина мустақил бўлган БХСР ва ХХСР давлатларининг кейинги тақдири РСФСРга боғлиқ эди. Россия империяси каби РСФСР ҳам Ўрта Осиёда ўзининг ҳукмронлигини мустақамлашга интилган. Шу сабабли Марказ Туркистон АССР (РСФСР таркибида)дан ташқари Бухоро, Хоразм Халқ Совет Республикаларини қандай бўлмасин СССР таркибига синдириб юборишни режалаштирган. Энг аввало, Туркистон, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг иқтисодий бирлигини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бу ўта масъулиятли ва Марказ учун муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифани ташкил қилиш ва амалга оширишда Туркистон Иқтисодий Кенгаши катта роль ўйнади.

Шундай қилиб, Туркистонда советлар ҳокимияти ўрнатилган бўлса-да, аввалги империя даври сиёсати мутлақо ўзгармади. ТИК тузилганига қадар ўлка Марказга ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан бўйсундирилган бўлиб, ундан кейин бу жараён янада чуқурлаштирилди. ТИК ўлка саноати ва қишлоқ хўжалигини кўтариш борасида кўпгина чора-тадбирларни амалга оширган бўлса-да, аслида асосий эътиборни Марказнинг хом ашёга талабини қондиришга қаратган эди. ТИК томонидан режалаштирилган ягона хўжалик режаси РСФСР умумхўжалик режасига мувофиқ тарзда

¹ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. –С. 320.

² ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 4329-иш, 93-варак.

тузилди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги ягона режасида асосий эътибор пахтачилик ва чорвачиликка берилганлиги ўлкани том маънода Марказнинг хом ашё базасига айлантирди. Тайёр маҳсулотнинг Марказдан келтирилиши ва Туркистондан қимматбаҳо хом ашёнинг ташиб кетилиши ўлка саноати ва қишлоқ хўжалигини бир томонлама ривожлантириб, унинг факат хом ашё базасига айланишига омил бўлди. Шунингдек, Туркистонда бирламчи ишлов бериладиган чала маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган майда саноат корхоналари барпо қилинди. Умуман айтганда, ТИК ўзининг фаолияти давомида Марказнинг хом ашёга бўлган талабини қондиришда муҳим роль ўйнаб, Туркистон республикасини Марказнинг хом ашё билан таъминловчи аграр бўлагига айлантирди. Шунга қарамай, адолат юзасидан таъкидлаш керакки, Туркистон Иқтисодий Кенгаши Марказ учун қанчалик хизмат қилмасин, ўлка иқтисодиётини тиклаш, аҳолини очлик гирдобидан сақлаб қолиш ва уни қисман бўлса-да, иш билан таъминлашда ўзига хос из қолдирди.

2.1. Ўрта Осие Иқтисодий Кенгашининг ташкил этилиши

Ўрта Осие Иқтисодий Кенгашини ташкил этиш совет давлати учун ҳаётий зарурият эди. Чунки Туркистон Иқтисодий Кенгаши фақат ўлка сарҳадлари иқтисодиётига мутасадди бўлиб, БХСР ва ХХСР иқтисодиётини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас, уларни Марказ манфаатларига йўналтира олмасди. Бинобарин, Бухоро ва Хоразм республикаларининг хом ашёга бой иқтисодиётига Марказ ўта муҳтож эди. Шу боисдан ҳам совет давлати, қандай бўлмасин, Ўрта Осиеда сиёсий нуқтаи назардан атайлаб юзага келтирилган мустақил давлатлар иқтисодиётини бирлаштириш учун бор имкониятини ишга солди.

1921 йилнинг охирларидаёқ РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг хўжалик соҳаларини қайта тузиб, бу республикалар билан Марказнинг хўжалик йўналишларини бирлаштиришни зарур, деб топди. 1922 йил февраль ойида РКП(б) МҚ Ўрта Осие республикалари иқтисодиётини интеграциялашни назарда тутиб, Марказнинг доимий назорати остида бўладиган ягона иқтисодий марказ – Ўрта Осие Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)ни ташкил этишга қарор қилди¹.

РКП(б) МҚ Туркбюросининг 18-сон мажлиси (1922 йил 9 март) қарорига мувофиқ, Ўрта Осие республикалари конференциясини тайёрлаш учун С.И.Гусев раҳбарлигида комиссия тузилди. Бу конференция Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ва уларни Марказдан жўнатилган фармойишлар асосида бошқариш масаласини муҳокама қилиши керак эди².

¹ Бу ҳақда қаранг: *Турсунов Х.Т. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши.* –Т., 1953. –Б. 79.; *Темирходжаев П. Ленинский союз рабочих и дехкан Туркестана.* –Т., 1969. –С. 45.

² Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Т., 2000. –Б. 253.

РКП(б) МҚ Туркбюросининг мазкур қарорини бажариш учун Г.Н.Черданцев раислигида махсус техник комиссия тузилди. Бу комиссия таркибига ТИК раиси Н.А.Паскуцкий ҳам киритилади. Комиссия ўз ишини амалда 1922 йил 26 мартдан бошлади. Ўрта Осиё Республикалари иктисодиётини бирлаштириш билан боғлиқ барча муҳим масалаларнинг ҳар бирини алоҳида ва кенгрок текшириш мақсадида комиссия аъзолари 7 та бўлимга ажратилди, булар: табиий ишлаб чиқарувчи кучлар, демография ва этнография, ирригация, молия ва иктисод, транспорт, савдо ҳамда ҳуқуқ масалалари бўлимлари эди. Ҳар бир бўлим учун жавобгар раҳбарлар тайинланган. Масалан, табиий ишлаб чиқарувчи кучлар бўлимига Н.А.Димо; демография ва этнография бўлимига Н.Н.Хон Иомудский; ирригацияга Ф.А.Моргуненков; молия ва иктисод бўлимига Ю.И.Пославский; транспорт бўлимига А.А.Пугаченков; савдо соҳаси бўлимига И.Н.Иванов ҳамда ҳуқуқий масалалар бўлимига Г.С.Рейсер раҳбарлик қилди. Умумий ҳисобга кўра техник комиссия таркибида жами 50 нафардан иборат агроном, муҳандис, ҳуқуқшунос, этнограф ва иктисодчи мутахассислар иш олиб боришди.

Комиссия раҳбарлари таркибига бирорта ҳам маҳаллий аҳолига мансуб шахслар киритилмади. Ҳолбуки бу комиссия Ўрта Осиё республикаларини иктисодий жиҳатдан бирлаштиришнинг зарурияти ва асосий шартлари бўйича ўз хулосаларини чиқариши керак эди¹.

Комиссиянинг ҳар бир бўлими ўзларига юклатилган масала юзасидан Туркистон, Бухоро Хоразм республикаларини чуқур ўрганишлари, тегишли ҳужжатлардан фойдаланиб, ўзларининг якуний хулосаларини тайёрлашлари ва комиссиянинг умумий йиғилиши муҳокамасига кўйишлари керак эди. Комиссия бўлимлари қарийб 7 ой ишлади ва тайёрланган ҳужжат умумий хулосалар билан бирга комиссия раиси Г.Н.Черданцевга топширилди. Комиссия бўлимлар ҳужжатлари билан танишиб, уларни баъзи аниқлик ва тузатишлар киритилганидан сўнг Марказга тақдим қилди.

ТИКнинг II съезди (1922 йил 26-30 ноябрь) Марказнинг кўрсатмасига асосан Ўрта Осиё республикаларини иктисодий

¹ Қаранг: Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. –Т.: ТЭС, 1922. –С. 36-41.

бирлаштиришга алоҳида эътибор берди. Съездда Ўрта Осиё иқтисодий районларининг ишлаб чиқариш кучларини тиклаш талабларидан келиб чиққан ҳолда, Туркистон республикаси хўжалик ҳаётини тиклашда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ҳамда улар Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудида жойлашган бутун Ўрта Осиё иқтисодий тумани миқёсида амалга оширилгандагина мумкин, деб топилди. Гап шундаки, Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш Ўрта Осиё иқтисодий районларининг янги картасини ишлаб чиқиш заруриятини такозо этар эди.

Шунингдек, съездда Туркистон республикаси ҳукумати олдида турган давлат аҳамиятидаги муҳим хўжалик вазифаси зудлик билан Ўрта Осиё учун умумий бўлган ягона олий иқтисодий органни тузиш зарурлиги, дея таъкидланди ва бу орган РСФСР қошидаги Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бўлиши керак, деб эътироф этилди¹. Айни шу съездда ТИК учала Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлашишга келиштириш масаласини тезлаштиришга қарор қилган эди². Шу асосда Бухоро ва Хоразм республикаларини олдиндан белгиланган иқтисодий бирлаштириш режаси бўйича астойдил ҳаракат бошланди. Бу тадбир Ўрта Осиё республикаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг иқтисодий кучларини бирлаштириш, иқтисод соҳасидаги фаолиятини марказдан туриб бошқариш ҳамда бу республикаларнинг келгусидаги иқтисодий йўналишлари ва ривожланиш масалаларини ечиш учун керак эди.

1923 йил январь ойида РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий фаолиятини бошқариб туриш таклифини ишлаб чиқди. 1923 йил 5 мартда Тошкентда шу таклифлар асосида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг I иқтисодий Конференцияси ўз ишини бошлади³.

Конференцияда олий бошқарув масалалари бўйича иштирок этиш учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаси ҳукуматлари

¹ ЎЗР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 2189-иш, 56-57-варақлар.

² Отчет 2-го съезда Экономического Совета Туркестанской республики. -Т.: ТЭС, 1923. -С. 16-17.

³ Первая Экономическая Конференция Средне-Азиатских республик - Туркестана, Бухары и Хорезма. 5-9 марта 1923 г. Стенографический отчет. -Г., 1923. -С. 86.

томонидан вакиллар (Туркистондан 10 вакил, Бухородан 7 вакил, Хоразмдан 3 вакил) сайланди¹. Конференцияга РСФСР вакили Любимов раислик қилди. Умумий ҳисобда конференцияда ҳақиқий овозга эга бўлган 42 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 29 делегат қатнашди. Конференция учун вакиллар томонидан ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи ҳақида асосий маърузаларни ТИК раиси Н.А.Паскуцкий, Бухоро республикаси номидан Ф.Хўжаев, Хоразм республикаси номидан Отажонов, молиявий аҳвол тўғрисида Ивелев ва И.Е.Любимов маъруза қилишди. Маърузаларда иқтисодий сиёсат, ташқи ва ички савдо, молия ва солиқ, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, ирригация, алоқа йўллари ҳамда Ўрта Осиё халқ хўжалигига тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича маълумотлар берилган эди. Конференцияда сўзга чиққан Н.Паскуцкий ўз маърузасида тўлиқ Марказ манфаатларини ҳимоя қилиб, Туркистонни Марказнинг хом ашё билан таъминловчи базасига айлантириш зарур, деган фикрларни баён қилган эди².

Конференция раиси Любимов ўз нутқида конференция олдида турган мақсад ва вазифалар тўғрисида гапирар экан: «Бизнинг олдимизда турган асосий вазифа хўжалик соҳалари, ташқи савдо, аҳборот ва алоқа йўллари, молия каби соҳаларни бирлаштириш ҳамда ягона бошқарувни жорий этишни талаб этади», деб таъкидлаган³.

Молия масалалари ҳақида Ивелев (РСФСР нинг молия ишлари бўйича Туркистондаги вакили) сўзга чиқиб, Ўрта Осиё республикалари миқёсида кўзда тутилган молиявий ислохотлар ва молиявий сиёсатга умумий қарашлар ҳақида гапирди ва унга баҳо берди. Унинг маърузаси молиявий масалаларни ечишда муҳим ўрин тутди. Чунки молиявий сиёсат хўжалик ҳаётининг қолган бошқа масалаларини ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этарди. Шунинг учун конференцияда молиявий масалаларни ечишда бирмунча эҳтиёткор фикрлар ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, Любимов молиявий масалалар бўйича қўшимчалар қилиш билан бирга қуйидагиларни алоҳида

¹ ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 1-варак.

² *Ражабоя Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002. –Б. 92.

³ Бюллетень Первой Экономической Конференции Средне-Азиатских республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). №3-4. 7 марта 1923 г. –С. 2-3.

таъкидлади: «Агар биз ягона пул бирлиги, молиявий сиёсатни тўғри йўлга қўйиш ҳақида гапириб, маҳаллий солиқ ва маҳаллий молияга нисбатан ягона бошқарувни ташкил қилмасак, алоҳида республикаларда алоҳида кичик тадбирлар ҳам ягона тамойилга асосланмаса, бир ёкадан бош чиқарилмаса, бизнинг умумий тадбирларимиз маълум даражада бузилади. Шунинг учун биз бу ерда амалда кучайтирган асосий масала бу хўжалик ҳаётининг асоси сифатида молиявий ишларни бирлаштиришдир»¹, деган эди. Шу билан бирга, конференцияда молиявий ислохотларни ўтказишдан асосий мақсад ягона пул сиёсатини юритиш, пул тизимини унификация қилиш, Бухоро ва Хоразмда мустақил пул босиб чиқарилишини йўқ қилиш ва ягона совет пулини киритишдан иборат, деб таъкидланди.

Бухоро вакилларида бири бўлган Ф.Хўжаев ўз маърузасида Бухоронинг иқтисодий аҳволи² билан бирга пул ислохоти, банклар тизими, солиқ, бюджетдаги молиявий аҳвол тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Холисона баҳо берадиган бўлсак, Ф.Хўжаев Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги фикрни рад этади. У кучли иқтисодчи бўлиб, иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истикболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган барча ишлар Марказ қўлига ўтаётганлигини бошиданок сезган ва бу сиёсатнинг машъум оқибатларини чуқур англаб етган арбоб эди. Шунинг учун ҳам Ф.Хўжаев конференцияда сўзлаган яна бир нутқидан Бухоро томонидан Россия ва бошқа республикаларга етказиб бериладиган товарлар ва хом ашёлар учун аниқ маҳсулот эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида алоҳида ташвиш билан гапирган³.

Конференцияда молиявий ислохотларни ташкиллаштириш юзасидан баъзи келишмовчиликлар юзага келди. Бу борада Ф.Хўжаев ушбу масалалар юзасидан шундай деган эди: «Ташкилий масалалар бўйича келишмовчиликлар мавжуд. Мисол учун олдин молиявий масалалар бўйича комиссарликлар ишини мувофиқлаштириш фикри билдирилди, кейин бу комиссарликлар бошқарувини бирлаштириш

¹ Бюллетень... №1. 6 марта 1923 г. –С. 10–11.

² Бюллетень... №1. 6 марта 1923 г. –С. 1–2.

³ Ражабов К. Бухоро Халқ Республикаси: монархиядан демократия сари дастлабки қадамлар (1910–1924 йй.). // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. 2-даврий тўплам. –Т., 1999. –Б. 157.

фикри илгари сурилди. Лекин бу ерда бу тизимларни кўриб чиқишда яна баъзи бир масалалар юзага келади. Солиқ масаласини олайлик, у ёки бу республика бюджети қурилишини олайлик, бу ерда бу ҳақда чуқур гаплашиб олиш зарур ва битта умумий ибора билан ишни тугатмаслик керак, чунки бу масала жуда жиддий, унинг ечими нафакат бугунги кун, балки унинг келажакдаги салоҳияти билан ҳам боғлиқ. Молия соҳаларини унификация қилиш тадбирлари юзасидан бир ўртоқ бу тадбирларни ўтказишга икки ой етарли, дейди, учинчиси олти ой керак, деб фикрлайди. Шунинг учун бу масалалар бу ерда, бугун ҳал этилмайди, чунки улар чуқур ва тўғри муҳокама қилишни тақозо қилади»¹. Ф.Хўжаев, ўз навбатида, Любимовнинг уч республикадаги молия тизимини бирлаштириш ва уни марказ қўлига топшириш керак, деган фикрига асосли равишда қарши чикди². Бирок шундай бўлишига қарамасдан, уч республикада ягона пул бирлигини жорий қилиш ва уни РСФСР Давлат Банкига қарам қилиб қўйиш масаласи барибир конференцияда кўриб чиқилди³.

Шулар қатори анжуманда вакиллар томонидан республикаларда солиқ сийёсати рационал эмаслиги тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Алижонов (Хоразм вакили) ўз маърузасида Хоразмда айни вақтда умуман аҳвол қоникарсизлиги, солиқнинг асосий юки деҳқонлар зиммасига тушиши ҳамда буржуазия ва савдогарларга ўта паст даражада солиқ солинганлиги ҳақида гапирди⁴. Городецкий (РСФСРнинг Хоразмдаги вакили) Алижоновнинг фикрини тасдиқлаб, бир неча рақамларни келтирди: «Нозирлар кенгашининг раиси ўз маърузасида таъкидладикки, буржуазия ўта паст даражада солиққа тортилган, бунинг натижасида бутун оғирлик деҳқонларга тушяпти. Деҳқон солиқнинг 97%ини тўлайди, шаҳар аҳолиси эса атига 3%ини тўлайди»⁵. Шулар билан бирга, Городецкий ўз маърузасида республикаларнинг бюджети ҳақида ва уни йўлга қўйишда йўл қўйилаётган сансалорликлар тўғрисида ҳам гапириб ўтди.

¹ Бюллетень Первой Экономической Конференции... 6 марта 1923 г. –С. 12.

² Бюллетень... №2. 6 марта 1923 г. –С. 12–13.

³ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002. –Б. 93.

⁴ Бюллетень Первой Экономической Конференции... 6 марта 1923 г. –С. 6.

⁵ Бюллетень... №1. 6 марта 1923 г. –С. 13.

ХХСР МИҚ раиси Отажонов ўз чиқишида куйидаги фикрларни айтиб ўтди: «Энди бошқа ахволни олиб кўрадиган бўлсак, пул эмиссияси улкан ва бу пуллар қаерга сарфланган? Бизда пул инкйрози мислсиз: бугун 20 млн, эртага 50, умуман ҳар куни пул босиб чиқарилади, шу вақтга келиб 80 миллиард сўм пул босиб чиқарилган. Пул эмиссиясининг катта қисми қаерга кетганлигини тушуниш учун биз Городецкийнинг Хоразм мисолида келтирган маълумотларига эътибор қаратишимиз кифоя. Барча эмиссия ва солиқ давлат тушумининг 98%и совет аппаратини таъминлашга ва 2%и бошқа эҳтиёжларга сарфланган. Хоразмда катта етишмовчиликларни била туриб, эмиссиядан тушган маблағ ҳеч қандай ишлаб чиқариш ишларига сарфланмаган. Булар совет аппаратлари томонидан ўзлаштириб олинган. Хива шаҳрида 1600 нафар, Хоразмнинг қолган жойларида 60 га яқин совет хизматчилари бўлган. Демак, барча молиявий тушум битта Хива шаҳри ишчилари маоши сифатида сарфланган»¹. Бу мисоллардан кўришиб турибдики, бундай молиявий сиёсатни юргизиш республикаларнинг иқтисодий аҳволини янада оғирлаштирди.

Вакиллар томонидан республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, энг аввало, кишлок хўжалиги, ирригация ва саноатни қайта тиклаш учун зарурлиги таъкидланиб, уни Марказ халқ хўжалиги билан боғлаш мумкинлиги конференцияда кўрсатиб ўтилган эди. Ўрта Осиё иқтисодий районларининг кишлок хўжалиги ва саноатни Россиянинг халқ хўжалиги билан боғлаш зарурлиги конференцияда алоҳида таъкидланган².

Ўрта Осиё республикалари кишлок хўжалигининг асосий маҳсулоти пахта бўлганлиги сабабли конференцияда пахтачилик масаласига катта эътибор берилди. Ўрта Осиё республикалари ва РСФСР хўжаликларига пахтачиликнинг аҳамияти нечоғли эканлигини Брюшев (пахтачилик қўмитасининг вакили) нутқида келтирилган айрим рақамлардан ҳам кўриш мумкин: «Федерациянинг барча фабрикалари эҳтиёжи учун 5.400.000 пуд тола керак бўлади. Биз (Туркистон, Бухоро ва Хоразм) биргаликда энг қулай шароитда

¹ Бюллетень... №2. 6 марта 1923 г. –С. 1.

² *Разжабов К., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002. –Б. 93.

1.550.000 пуд хом ашё оладиган бўлсак ва унга Кавказдан келадиган тахминан 130000 пудни қўшсак, 1.680.000 пуд бўлади, шундан сўнг Федерациянинг эҳтиёжини қондириш учун тахминан 3.720.000 пуд толани чет элдан сотиб олишга тўғри келади ёки жаҳон бозорининг ўртача баҳосида тахминан 107 млн рубл олтин сарф қилишга тўғри келади. Бу эса савдо баланси зиммасига ва Совет республикаси Федерациясининг зиммасига катта юк бўлиб тушади»¹.

Шунинг учун Марказ вакиллари пахтачилик соҳасига алоҳида имтиёзлар бериш керак, деб ўйладилар. Бу борада Брюшев ўз фикрини билдириб, «Зарур бўлган асосий тадбир бу инқилобдан олдин мавжуд бўлган имтиёзларни тиклашдир. Бу имтиёзларсиз ҳозир вайрон бўлган пахтакор деҳқон хўжалиklarини тиклаб бўлмайди»², деб таъкидлади.

Пахтачиликни тиклашда яна бир асосий масала – Ўрта Осиё республикаларига ғалла олиб келишни яхшилаш, деб топилди. Агар ҳудудда керагича нон бўлмаса, деҳқонлар оч қолмаслик учун пахта ўрнига бугдой эка бошлайдилар. Бунинг олдини олиш учун «пахта масаласи» бўйича қабул қилинган резолюцияда ёзилишича, Ўрта Осиёнинг нонга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Марказнинг федератив идоралари орқали ғалла келтирилиши лозимлиги алоҳида кўрсатилган эди³.

Шулар билан бирга, конференция давомида ўз асоси ва фаолияти билан, жуғрофий, тарихий, ижтимоий, иқтисодий белгилари билан ўхшаш ва барча соҳаларда фаолиятларини бирлаштириш керак бўлган Ўрта Осиё республикаларининг ички ва ташқи савдо масаласи, ахборот ва алоқа йўллари масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Туркистон вакили Т.Рискулов бирлашган бошқарув органи зарурлиги тўғрисида маъруза қилиб шундай дейди: «Ўрта Осиёда РСФСРдан вакил қилинганлар ва умуман барча комиссарликларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш учун уч республикада умумий бўлган иқтисодий марказ тузиш лозим... Бу кенгаш биз томонимиздан ва қўшимча ишлаб чиқилган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш билан шугулланади»⁴.

¹ Бюллетень Первой Экономической Конференции... 7 марта 1923. –С. 26.

² Бюллетень Первой Экономической Конференции... 7 марта 1923. –С. 27.

³ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат, 144-иш, 34-варак.

⁴ Бюллетень... №5. 8 марта 1923 г. –С. 13.

Нихоят, конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлиб ўтган охириги мажлисида уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Тошкентда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС) ташкил қилинди¹. Конференцияда шу вақтдан бошлаб учала республиканинг иқтисодий фаолияти ва хўжалик режаларини ягона иқтисодий сиёсат доирасида бирлаштиришга қарор қилинди. Ўн кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (Любимов), Туркистондан 4 вакил (Рискулов, Прибитков, Хидиралиев, Паскуцкий), Бухородан 3 вакил (Отахўжаев,...), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сайланди². Шу билан бирга, бирлашган комиссарликлар раҳбарларидан 5 вакил (ташқи савдо, алоқа йўллари, халқаро алоқалар, молия ва статистика) ҳам Президиум аъзоси ҳисобланган. Шундай қилиб, анжуманда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси этиб ТИКнинг раҳбари Н.А.Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилганидан сўнг 1923 йилнинг апрель ва июнь ойларида БХСР ва ХХСР Нозирлар Шўроси қошида ҳам иқтисодий кенгашлар ташкил қилинди. Туркистон Иқтисодий Кенгаши эса ўз фаолиятини давом эттириб, Бухоро Иқтисодий Кенгаши ва Хоразм Иқтисодий Кенгашлари билан тенг ҳуқуқ асосида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг раҳбарлигида ишлай бошладилар.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ва конференция Президиумининг ўзаро муносабатлари Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги конференция Низоми билан қатъий белгиланган бўлиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг қарори конференция Президиуми билан мос келмаган ҳолларда мажбурий ҳисобланмайди, деб белгиланди. Шу билан бирга, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши билан бирлашган комиссарликлар муносабати қуйидагича белгиланди: «Бирлашган комиссарликлар раҳбарлиги Ўрта Осиё, РСФСР вакилларидан йиғилиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши таркибига киритилади. Барча бирлашган идора ва корхоналар, шу жумладан, Ўрта Осиё республикалари иқтисодий

¹ ЎЗР МДА. 1-фонд, 1-рўйхат, 100-иш, 216-варақ.

² *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). -Т.: Университет, 2002. -Б. 94-95.

кенгашлари ҳамда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ва Конференция Президиуми ва хўжаликларнинг бирлашган соҳалари учун ҳам ушбу қарорларни бажариш мажбурийдир»¹. Низомга биноан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиумига республикалараро иқтисодий ҳаётнинг бошқарув органи сифатида катта ваколатлар берилган эди.

Иқтисодий конференцияда қабул қилинган «Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тўғрисида»ги Низомда унинг асосий вазифаси этиб: «Бухоро, Хоразм ва Туркистон республикаларининг хўжалик ҳаётини ривожлантириш ва бошқариш, шунингдек, уч республиканинг хўжалик ҳаётига раҳбарлик қилиш ва бошқариш ҳамда уларга кўрсатмалар бериш»² белгиланди. Шу билан бир қаторда, Низомда «Бухоро, Хоразм ва Туркистон Иқтисодий Кенгашлари ўз республикалари ХКСнинг доимий комиссияси ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда, Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ҳудудидаги олий бошқарув органи бўлиб, ўз фаолиятларида ўз республикаларининг ХКС ва МИҚлари олдида жавобгар ҳисобланиб, бу республика иқтисодий кенгашлари конференция президиуми ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши директивалари асосида бошқарилади», дейилган эди³. Ўз навбатида, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўз фаолиятида СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши олдида жавобгар ҳисобланар эди⁴.

Мазкур Кенгашнинг ташкил этилиши билан унинг қошида Ўрта Осиё давлат режа комиссияси тузилди⁵. Унинг таркиби президиум, котиблик ва турли бўлимлардан иборат бўлди. Давлат режа комиссияси таркибига кирувчи бўлимлар 8 та бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги, бюджет ва кредит, транспорт ва умумий бўлимлар эди. Ҳар бир бўлим ўз соҳасига кўра ўзига юкланган вазифа бўйича уч республика миқёсида иш олиб борди. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўлимининг вазифаси уч республиканинг қишлоқ хўжалиги режасини тузиш, асосий эътиборни ер тузиш ва ердан

¹ ЎзР МДА. 18-фонд, 2-руйхат, 127-иш, 88–89-варақлар.

² ЎзР МДА. 1-фонд, 1-руйхат, 100-иш, 216-варақ.

³ ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-руйхат, 8-иш, 4-варақ.

⁴ *Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002. –Б. 95.

⁵ Қаранг: ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 197-иш, 19–20-варақлар.

фойдаланиш ҳамда республикалар ҳаётига аграр конунчиликни татбиқ этишдан иборат бўлган.

Пахтачилик бўлимининг асосий вазифаси эса Ўрта Осиё миқёсидаги барча пахтачилик органлари фаолиятини Ўрта Осиё режа комиссиясига бирлаштириб, республикалардаги пахтачилик майдонларини кенгайтириш, пахтачилик хўжаликлари ишини яхшилаш ҳамда соҳадаги барча иқтисодий масалаларни ҳал этиш бўлган¹.

Шулар билан бир каторда, Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши қошида ҳакамлик суди комиссияси тузилди. Унинг асосий вазифаси Ўрта Осиё республикаларидаги давлат идоралари ва корхоналараро мулк масалалари бўйича юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, шунингдек, СССР иқтисодий сиёсати ва конунчилигининг Ўрта Осиё республикаларида ўрнатилиши, уларнинг ижросини назорат қилиш бўлган. У СЭС олдида масъул бўлиб, ўз қарорларини кенгашга топшириши керак эди².

Шундай қилиб, СЭСнинг ташкил этилиши Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини Марказ томонидан бошқариш йўлидаги биринчи қадам бўлиб, бу орқали республикалар халқ хўжалиги маъмурий буйрукбозлик усулида бошқарила бошланди. СЭС ташкил этилган кунидан бошлаб ўзига юклатилган ваколатлар асосида уч республиканинг иқтисодий имкониятларини бирлаштиришга, шунингдек, бу республикалар иқтисодиётини Марказнинг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиришга ҳаракат қилди.

2.2. Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётининг Марказ манфаатларига бўйсундирилиши

1923 йил сентябрь ойида СЭС ташаббуси билан Ўрта Осиё бўйича Моддий-маъмурий кенгаш тузилди. Унинг таркибига Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг иқтисодий кенгашларидан биттадан вакил, уч республика вилоятларидаги йирик тармоқли моддий-маъмурий ташкилотлардан биттадан вакил,

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: ЎзР МДА. 1-фонд, 1-руйхат, 100-иш, 226-227-варақлар.

² ЎзР МДА. 1-фонд, 1-руйхат, 100-иш, 242-244-варақлар.

шунингдек, хом ашё тўплаш бошқармаси, ҳарбий идора, Центросоюз ва СССРнинг Ўрта Осиёдаги вакиллик органлари ҳамда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги банки, Ўрта Осиё тижорат банки, Ўрта Осиё Давлат университетидан биттадан вакиллар киритилди¹. Бу кенгашнинг тузилиши билан уч республиканинг моддий-маъмурий бошқаруви тўлиқ Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қўлига ўтди.

СЭСнинг 1923 йил 1 июндаги мажлисида Бухоро ва Хоразм республикалари пулини совет пулига алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорга кўра, Хоразмнинг 10 сўм қоғоз пули советларнинг 1 червони, Бухоронинг 3,5 сўм пули 1 червон курсида алмаштириладиган бўлди².

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши натижасида 1923 йилда Бухоро ва Хоразм республикаларида пул чиқариш катъий тўхтатилиб, пул алмаштиришга 1167596 червон сарф қилинди³. Пул муомаласини тартибга солиш жараёни бу билан кифояланмади. Бунга сабаб, Бухорода жуда кўп микдорда кумуш тангалар, 1920 йилдан аввал зарб қилинган олтин тангалар ҳамда хорижий давлатлар валюталари мавжуд эди. Уларнинг муомалада юриши совет пулига босим ўтказиб, унинг қадрсизланишига сабаб бўлар эди. «Эски пуллар»ни муомаладан йиғиб олиш масаласини большевиклар устомонлик билан ҳал қилишди. Чунончи, Бухоро бюджетининг 1923–1924 хўжалик йиллари олтин пулда тузилди⁴. Шунингдек, республикадаги барча тўловларда олтин қонуний восита сифатида қабул қилинган. Кумуш танга нархи ўртача эканлиги инобатга олиниб, унинг муомаласига анча вақтгача йўл қўйилди⁵.

Совет пули Ўрта Осиёда муомалага чиқарилган дастлабки вақтда ҳаракати суст бўлди. Масалан, 1923 йил 1 январда уларнинг

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 197-иш, 24-варақ.

² *Ражабов Қ.* Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли. // *Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари.* –Т.: Шарк, 2001. 191, 196–197-бетлар.

³ ЎзР МДА. 9-фонд, 1-руйхат, 3219-иш, 11-варақ.

⁴ ЎзР МДА. 9-фонд, 1-руйхат, 3219-иш, 12-варақ.

⁵ Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг ҳам, Ўзбекистон ССР ХКС қарорига асосан (Марказий ҳукумат руҳсати билан) солиқ тўлашда кумуш тангадан фойдаланишга руҳсат берилган эди.

барчаси атиги 28000 рубл бўлган бўлса, 1924 йил 1 февралдан кўпая бориб, унинг муомаладаги миқдори тахминан 14 млн рублга етди.

Ўрта Осиёда 1924 йилда бошланган пул ислохоти катта танқисликни юзага келтириб чиқарганлиги муносабати билан 1924 йил 1 майда тўхтатилди. Бу давр ичида умумий ҳисобда 1113968 червон рубл муомалага чиқарилди. Янги пул муомалага чиқарилиши билан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши унинг устидан статистик ҳисоб ўрнатди¹.

Шунингдек, Бухоро ва Хоразм республикаларида ТАССР тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Иттифокнинг ягона солиқ тизими (озик-овқат солиғи) жорий қилинди². Бу ишнинг ҳам ташаббускори Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бўлган. Шу билан учала республиканинг солиқ тизимида бирхиллаштириш жараёни бошланди.

СЭС ўз фаолиятининг дастлабки куниданоқ Бухоро ва Хоразм республикалари иқтисодиётини тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Чунки бу республикалар тараққиёти Туркистон АССРга нисбатан анча орқада қолган, халқ ҳўжалиги ҳам тушқун ҳолатда эди. Шу боисдан СЭС ўзининг ҳар бир мажлисида БХСР ва ХХСР халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига тааллуқли бўлган кўплаб масалаларни кўриб чиққан. Бинобарин, 1924 йилнинг январь-ноябрь ойлари орасидаги мажлисларда СЭСда 118 та масала кўрилган бўлса, улардан 45 таси айнан Бухоро ва Хоразм республикаларига тегишли бўлганлигини кузатиш мумкин³. Ҳужжатлардан яна шу нарса маълум бўлдики, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши БХСР ва ХХСР халқ ҳўжалигини тиклаш ва жонлантириш мақсадида ишни транспортни тиклашдан бошлаган.

СЭС Президиумининг 1924 йил февраль ойида бўлган навбатдаги мажлисида Ўш-Қорақўл темир йўлини тиклаш зарурлиги қайд этилади⁴. Шунингдек, шу мажлисда 1923–24 йилларда Бухоро республикасида темирйўл транспортининг аҳволи масаласи махсус муҳокама қилинди. Мухокамада Бухоро республикасини иқтисодий жиҳатдан жонлантириш мақсадида 1923–24 йилларда бир қатор

¹ ЎзР МДА. 9-фонд, 1-руйхат, 3219-иш, 12-варақ.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 231-варақ.

³ Қаранг: Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №1, 2, 3, 4.

⁴ Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №2–3.

темирйўл изларини қайта тиклашга қарор қилинди. Қарорда 1924 йилда 113 чақиримлик Қарши-Ғуздор-Китоб темирйўлини тиклаш вазифаси қўйилди. Когон-Карки темирйўлини тиклаш баробарида шу йўналишдан Каркига темирйўл тармоғини ўтказишга қарор қилинди. Бухоро республикаси бу йўналиш қурилиши учун 450 минг рубл маблағ ажратган¹. Шунингдек, кейинги йилда Самсоново-Термиз темирйўлини тиклаш ва Амударёнинг юқори ҳудудлари бойликларини ўзлаштириш мақсадида умумий масофаси 250 чақиримга тенг бўлган Термиз-Душанбе янги темирйўл йўналишини қуриш режалаштирилди².

Шунингдек, СЭС 1923 йил май ойида Ёттисув темирйўл қурилиши масаласини ҳам кўриб чиқди. Унда таъкидланишича, СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг 1923 йил 5 октябрьдаги қарори асосида Авлиёота станциясидан Пишпаккача (ҳозирги Бишкек) 251 чақирим узунликдаги темирйўл қурилиши 1924 йил 1 сентябрда битказилиши ва СССР темирйўл тармоғига қўшилиши лозим³. Қурилишни яқунлаш учун 95% иш бажариб бўлинган. Шунингдек, Авлиёота-Пишпак темирйўли қурилиши билан бир вақтда Майликент-Абай-Тошкент темирйўли қурилиши ҳам сентябрь ойига битказилиши кўзда тутилганди. Бу қурилиш ҳам маблағ ва барча керакли материаллар билан вақтида таъминланган⁴.

Темирйўл билан бир қаторда, ҳаво йўлини ташкил қилиш масаласи ҳам СЭСнинг 1923 йил 16 июнда бўлган мажлисида кўриб чиқилган. Мажлисида Ўрта Осиё «Добролёт» жамияти бошқармасига тезлик билан Хоразм—Олма-ота ҳаво йўлини ташкил қилиш вазифаси топширилди⁵. Қарорда дастлаб икки шаҳар ўртасидаги ҳаво йўли бўйича ҳафтада бир марта учиш, сўнгра керакли асбоб-анжомлар ва техник хизмат кўрсатиш ходимлари етарли бўлганидан сўнг ҳафтада икки марта учишни ташкил қилиш таклиф этилди. Дарёлардан транспорт йўли мақсадида фойдаланиш аллақачонлар йўлга қўйилган эди. Шунинг учун ҳам СЭС Президиумининг 1924

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №2-3. —С. 2-3.

² Ўша жойда. —Б. 2-3.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №1. —С. 58.

⁴ Ўша жойда. —Б. 58.

⁵ Ўша жойда. —Б. 56.

йил 20 октябрь ва 3 ноябрда бўлган мажлисларида Ил дарёси бўйлаб кема қатновини йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилди ҳамда Илийскийдан то Ғарбий Хитойнинг Ғулжа шаҳригача кема йўлини очиш мақсадга мувофиқ, деб топилди¹. Сув йўлини очишга бюджет маблағлари сарфланишидан ташқари турли савдо ташкилотларининг унда иштироки масаласи ҳам кўрилиб, ташкилотлардан бадал тариқасида маблағ олишга қарор қилинди. Масалан, йўл ва алоқа халқ комиссарлигидан 300 минг рубл, манфаатдор совет ташкилотларидан 300 минг рубл, Ғарбий Хитой савдогарларидан 117 минг рубл миқдорида бадал олишга қарор қилинди. Сув йўли қурилишини 1925 йилдан бошлаш мақсадга мувофиқ, деб топилди².

1923 йил 16 июнда СЭС Президиуми мажлисида балиқчилик саноати масаласи муҳокама қилинди. Унда балиқчилик инспекцияси вакили Орол денгизи ва балиқчилик саноати ҳақида маъруза қилди. Нотик маърузасида давлат органларининг Орол денгизидаги балиқчилик саноатига эътиборсизлиги туфайли саноат корхоналари хусусий шахслар қўлига ўтиб кетаётгани, улар истаган даражада техника воситалари ва ҳатто балиқчилардан ҳам фойдаланаётганлиги, тutilган балиқлар четдан келган савдогарлар томонидан сотиб олинаётганлиги, бунинг оқибатида эса корхоналар ёмон ва қаровсиз аҳволга тушиб қолганини маълум қилди. СЭС Президиуми ўз қарориди балиқчилик инспекциясига тезлик билан Орол денгизи ҳавзасидаги барча балиқчилик корхоналарини рўйхатга олиб, уларнинг аҳволини ўрганиш, ишлаш имкониятига эга бўлган ёки ижарага берилиши керак бўлган корхоналарни аниқлаш топширилди³. Шунингдек, турли комиссарликларга Амударё, Сирдарё ва Орол денгизида давлат балиқчилик саноати ишини йўлга қўйиш учун балиқ тутиш чегараларини аниқлаш ва қуриқлаш вазифаси топширилди.

Хоразм Республикасидаги мавжуд пахта тозалаш ва ёғ заводларини тиклаш ҳамда таъмирлаш учун республикага 575 минг рубл миқдорида пай капиталидан бўнак берилди. Тезлик билан

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №4. —С. 213.

² Ушга жойда. —Б. 213.

³ Ушга жойда. —Б. 57.

6 та заводни ишга тушириш ва яна 2 тасини тайёрлаш вазифаси юкланди. Бу заводлар СЭСнинг (1923 йил 3-4 май мажлиси) қарори билан пахтачилик ширкатига берилди¹.

СЭС Ўрта Осиё республикаларининг халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик асосда ривожлантириш мақсадида 1924 йилнинг май ойида иккинчи марта ўлка конференциясини чақирди. Унда пахтачиликни ривожлантириш, кооперация, саноат, бюджет ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинган².

Умуман, СЭС ўз фаолияти давомида асосий эътиборни уч республиканинг пахтачилик ва чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга қаратди. Чунки улар, бир томондан, аграр республикалар сирасига кирса, иккинчи томондан айнан шу соҳа Марказни хом ашё билан таъминлаши керак эди. Шунинг учун Кенгаш республикаларнинг кишлоқ хўжалиги, айникса, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун ишга жиддий киришган эди. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида СЭС уч республикадаги барча пахта майдонларини озик-овқат солиғидан озод қилишга, шунингдек, уни ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўриш ва Иттифок маблағи ҳисобидан Бош Пахта Қўмитаси кўринишидаги пахтачилик ширкатларини тузишга қарор қилди. Пахтачилик ширкатларининг асосий вазифаси пахта уруғ фондларини сақлаш ва улар ишини яхшилаш, янги пахта майдонларини ташкиллаштириш, уларни молиялаштириш, олий нав пахтани сотиб олиш ҳамда ёғ чиқариш мумкин бўлган чигитни қайта ишлаш ва сотиш, пахтачиликни ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўриш, жўнатилган барча пахта юкларини рўйхатга олиш ҳамда давлат корхоналарини ишга тушириш, қолаверса, аҳолини иш билан таъминлаш, пахта уруғ фонди қонунига кўра корхоналар, ташкилотлар, фабрикалар, фирмалар ва хусусий корхоналар ишини назорат қилишдан иборат эди³. СЭСнинг ёрдами билан Бухоро уруғ фонди аҳолини уруғ билан таъминлаш учун умумий миқдори 10 минг рублга тенг бўлган фондга эга бўлди⁴.

¹ Туркестанская правда. 1924 г. 17 мая.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1924. №1. —С. 58.

³ ЎзР МДА. 2027-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 20-23-варақлар.

⁴ ЎзР МДА. P18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 117-варақ.

1923 йилнинг бошларидан Бош Пахта Қўмитаси ҳомийлиги ва СЭСнинг ташаббуси билан уч республика ҳудудида Марказнинг пахтачилик ширкатлари ташкил қилиниши натижасида бу республикаларнинг пахта билан боғлиқ ташқи савдоси давлат қўлига ўтди. Шу билан уч республика ҳудудидаги ташқи савдо тўлиқ Иқтисодий Кенгаш рухсати билан амалга ошириладиган бўлди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда деҳқонларга қарз бериш, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалиги ускуналари, транспорт ҳамда меҳнат қуроллари билан таъминлаш, деҳқон хўжаликларига ёрдамлашувчи турли кооперация ва ширкатларни ташкил қилиш, уларни маблағ билан таъминлаш, агрономлик ёрдами кўрсатиш, ирригация тармоқларини таъмирлаш ва сув хўжаликлари ишини такомиллаштириш ишлари олдинда турган вазифалар эди. Айниқса БХСР, ХХСР қишлоқ хўжалигига кенгроқ эътибор бериш талаб қилинарди. Бу ишларни бажариш учун ўз навбатида катта миқдорда маблағ зарур бўлган.

СЭС Президиумининг 1923 йил 27 майдаги кенгашида Бухоро ва Хоразм республикаларида қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш масаласи кўриб чиқилди. Кенгашда ҳар иккала республика қишлоқ хўжалигида бу иш пайсалга солинганлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги экинларига катта зарар келтирган бундай зараркунандалар Туркистон АССРда ҳам мавжудлиги маълум қилинди. СЭС Президиуми зараркунандаларга қарши курашувчи махсус ташкилотни қайта ташкил қилиш ва уни муассасалар ҳисобига кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб топди. Шунингдек, Бухоро ва Хоразм республикаларида зараркунандаларга қарши курашиш учун етарли маблағ ва кимёвий воситалар йўқлиги сабабли РСФСР ҳукуматидан Бухоро учун дастлаб 37243 рубл ва Хоразм учун 9871 рубл маблағ, шунингдек, СССР Ер ишлари комиссарлигидан заҳарли моддалар билан таъминлаш сўралди. Шунингдек, бу ишлар сифатли амалга оширилиши учун 2 нафар мутахассис ҳам кераклиги билдирилди¹.

Бухоро республикасининг қишлоқ хўжалиги масаласи 1924 йил 6 октябрда СЭС Президиумида кўриб чиқилди. Мажлисида Бухоро Иқтисодий Кенгаши томонидан тақдим этилган режага

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №1. —С. 56.

биноан яқин беш йилликда Бухоро кишлок хўжалиги учун 65 000 бош иш ҳайвонлари (шундан 15 000 таси от)ни 1924–25 йилларда олиб келиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди¹. Бунинг учун Иттифок ҳукуматидан керакли маблағ ажратиш сўралди.

СЭС Президиуми 1924 йил 22 октябрдаги мажлисида Хоразм республикаси ҳукумати кишлок хўжалигини тракторлар ва янги суғориш техникалари билан таъминлаш мақсадида «Турктрактор» жамияти билан шартнома тузганлигини маъқуллади ва Хоразм ҳукуматига суғориш тузилмасини механизациялашнинг техник ва молиявий режасини Иқтисодий Кенгашга тақдим этишни топширди. Шунингдек, Хоразм республикаси кишлок ва деҳқон хўжаликларини иш ҳайвонлари билан таъминлаш учун ТИКга шу йилнинг ўзида Хоразм республикасига 5000 бош иш ҳайвони етказиб беришни топширди². «Туркгоссельсклад» эса Хоразм республикасида кишлок хўжалиги машина ва ускуналари омборини очишни ва унда 100 минг рублга тенг товарлар бўлишини маълум қилди.

Хоразм республикасининг суғориш тизимини яхшилаш мақсадида СЭС Президиумининг 1924 йил 16 июнда бўлган мажлисида жанубий Хоразм воҳасида ирригация қурилиши бўйича изланишлар бошлаб юборилганлиги таъкидланди. Айниқса, сув масаласи муаммо бўлган туманларда ирригация иншоотлари қуриб, сув билан таъминлаш имкониятларини кидиришга алоҳида аҳамият берилди. Шу билан бирга, Полвонёп, Ғазовот, Хонқа, Шовот каналларини ирригация нуқтаи назаридан қайта қуриш, уларда сув ўтказиш техник ҳолатини яхшилаш кераклиги айтилди³. Бунинг учун катта маблағ талаб қилинарди. 1923 йилда СЭС маблағи ва унинг раҳбарлиги остида ташкил қилинган Ўрта Осиё кишлок хўжалиги банки ва Ўрта Осиё тижорат банки ана шундай имкониятга эга бўлди. Ўрта Осиё кишлок хўжалиги банки 12 млн рубл (олтин қийматида) капиталга эга бўлган бўлса, Ўрта Осиё тижорат банки 7,5 млн рубл (олтин қийматида) капиталга эга эди⁴. Бу банклар (шулар билан бирга Давлат банки бўлимлари ҳам очил-

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №4. –С. 215.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №2–3. –С. 224.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №1. –С. 59.

⁴ ЎзР МДА. 73-фонд, 1-руйхат, 18-иш, 15–17-варақлар.

ган эди) бўлимлари уч республика ҳудудида очилиб, улар деҳқон хўжаликларига узоқ ва қисқа муддатли кредитлар беришган¹. Улар томонидан берилган қарз асосан пахтачилик, ирригация ишлари, чорвачилик хом ашёси ва ғалла тўплашга сарфланди².

Федерация саноатига Ўрта Осиё хом ашёсини, айниқса, пахта етказиб беришни йирик миқдордаги капитал маблағларсиз кўпайтириб бўлмасди. Бунини тушуниб етган Иттифоқ марказий раҳбарияти бюджетдан янада кўпроқ маблағ ажратишга қарор қилди. Ўрта Осиё ирригациясини қайта тиклашга ажратилган маблағлар 1923 йилда 6,5 млн рублни (олтин қийматида) ташкил этган бўлса, у 1924 йилда 10 млн рублга етказилди. Шулар билан бир қаторда, Ўрта Осиёни тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш ҳам ўсди. 1922–1923 хўжалик йилларида Ўрта Осиё давлат органлари ва кооперациялар орқали 21 млн рубллик тайёр маҳсулот келтирилган бўлса, 1923–1924 хўжалик йилида уларнинг миқдори 73,3 млн рублга етди. 1924–1925 хўжалик йили учун эса 120 млн рубллик турли хилдаги маҳсулотлар келтириш мўлжалланди³. Бироқ мол келтириш режаси доим ҳам тўлиқ амалга оширилмади. Масалан, 1924–1925 хўжалик йили учун 240 минг қути гугурт келтириш мўлжалланган бўлса, унинг ўрнига 175 минг қути келтирилди, холос. Режадаги 120 минг жуфт оёқ кийими ўрнига, атиги 28 минг жуфт оёқ кийими келтирилган⁴.

СЭС уч республика ҳудудида пахта майдонларини кенгайтириш ва уни ривожлантириш учун минтақа деҳқонларининг нонга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратди. 1923–1924 хўжалик йили учун Ўрта Осиёга 10 млн пуд ғалла келтириш режалаштирилган бўлса-да, амалда 5,5 млн. пуд келтирилди, холос. 1924–1925 хўжалик йилида Ўрта Осиё республикаларининг ғаллага бўлган эҳтиёжи 8 млн пуд ҳисобланиб, унинг 5 млн. пудини Марказдан, қолган 3 млн пудини минтақанинг ўзидан йиғиб олиш режалаштирилган. Бироқ 1924 йилда Марказдан атиги 3 млн 750 минг пуд ғалла келтирилди. Нағжада Марказдан келтириладиган ғалла режаси қисқартирилиб,

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 231–232-варақлар.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 26–31-варақлар.

³ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 142-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 107–110-варақлар.

биноан яқин беш йилликда Бухоро кишлок хўжалиги учун 65 000 бош иш хайвонлари (шундан 15 000 таси от)ни 1924–25 йилларда олиб келиш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди¹. Бунинг учун Иттифок ҳукуматидан керакли маблағ ажратиш сўралди.

СЭС Президиуми 1924 йил 22 октябрдаги мажлисида Хоразм республикаси ҳукумати кишлок хўжалигини тракторлар ва янги суғориш техникалари билан таъминлаш мақсадида «Турктрактор» жамияти билан шартнома тузганлигини маъқуллади ва Хоразм ҳукуматига суғориш тузилмасини механизациялашнинг техник ва молиявий режасини Иқтисодий Кенгашга тақдим этишни топширди. Шунингдек, Хоразм республикаси кишлок ва деҳқон хўжаликларини иш хайвонлари билан таъминлаш учун ТИКга шу йилнинг ўзида Хоразм республикасига 5000 бош иш хайвони етказиб беришни топширди². «Туркгоссельсклад» эса Хоразм республикасида кишлок хўжалиги машина ва ускуналари омборини очишни ва унда 100 минг рублга тенг товарлар бўлишини маълум қилди.

Хоразм республикасининг суғориш тизимини яхшилаш мақсадида СЭС Президиумининг 1924 йил 16 июнда бўлган мажлисида жанубий Хоразм воҳасида ирригация қурилиши бўйича изланишлар бошлаб юборилганлиги таъкидланди. Айниқса, сув масаласи муаммо бўлган туманларда ирригация иншоотлари қуриб, сув билан таъминлаш имкониятларини кидиришга алоҳида аҳамият берилди. Шу билан бирга, Полвонёп, Ғазовот, Хонка, Шовот каналларини ирригация нуктаи назаридан қайта қуриш, уларда сув ўтказиш техник ҳолатини яхшилаш кераклиги айтилди³. Бунинг учун катта маблағ талаб қилинарди. 1923 йилда СЭС маблағи ва унинг раҳбарлиги остида ташкил қилинган Ўрта Осиё кишлок хўжалиги банки ва Ўрта Осиё тижорат банки ана шундай имкониятга эга бўлди. Ўрта Осиё кишлок хўжалиги банки 12 млн рубл (олтин қийматида) капиталга эга бўлган бўлса, Ўрта Осиё тижорат банки 7,5 млн рубл (олтин қийматида) капиталга эга эди⁴. Бу банклар (шулар билан бирга Давлат банки бўлимлари ҳам очил-

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №4. –С. 215.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №2–3. –С. 224.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. №1. –С. 59.

⁴ ЎзР МДА. 73-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 15–17-варақлар.

ган эди) бўлимлари уч республика худудида очилиб, улар деҳқон хўжаликларига узоқ ва қисқа муддатли кредитлар беришган¹. Улар томонидан берилган қарз асосан пахтачилик, ирригация ишлари, чорвачилик хом ашёси ва ғалла тўплашга сарфланди².

Федерация саноатига Ўрта Осиё хом ашёсини, айниқса, пахта етказиб беришни йирик миқдордаги капитал маблағларсиз кўпайтириб бўлмасди. Буни тушуниб етган Иттифоқ марказий раҳбарияти бюджетдан янада кўпроқ маблағ ажратишга қарор қилди. Ўрта Осиё ирригациясини қайта тиклашга ажратилган маблағлар 1923 йилда 6,5 млн рублни (олтин қийматида) ташкил этган бўлса, у 1924 йилда 10 млн рублга етказилди. Шулар билан бир каторда, Ўрта Осиёни тайёр маҳсулотлар билан таъминлаш ҳам ўсди. 1922–1923 хўжалик йилларида Ўрта Осиё давлат органлари ва кооперациялар орқали 21 млн рубллик тайёр маҳсулот келтирилган бўлса, 1923–1924 хўжалик йилида уларнинг миқдори 73,3 млн рублга етди. 1924–1925 хўжалик йили учун эса 120 млн рубллик турли хилдаги маҳсулотлар келтириш мўлжалланди³. Бироқ мол келтириш режаси доим ҳам тўлиқ амалга оширилмади. Масалан, 1924–1925 хўжалик йили учун 240 минг қути гугурт келтириш мўлжалланган бўлса, унинг ўрнига 175 минг қути келтирилди, холос. Режадаги 120 минг жуфт оёқ кийими ўрнига, атиги 28 минг жуфт оёқ кийими келтирилган⁴.

СЭС уч республика худудида пахта майдонларини кенгайтириш ва уни ривожлантириш учун минтақа деҳқонларининг нонга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратди. 1923–1924 хўжалик йили учун Ўрта Осиёга 10 млн пуд ғалла келтириш режалаштирилган бўлса-да, амалда 5,5 млн. пуд келтирилди, холос. 1924–1925 хўжалик йилида Ўрта Осиё республикаларининг ғаллага бўлган эҳтиёжи 8 млн пуд ҳисобланиб, унинг 5 млн. пудини Марказдан, қолган 3 млн пудини минтақанинг ўзидан йиғиб олиш режалаштирилган. Бироқ 1924 йилда Марказдан атиги 3 млн 750 минг пуд ғалла келтирилди. Натижада Марказдан келтириладиган ғалла режаси қисқартирилиб,

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 231–232-варақлар.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 26–31-варақлар.

³ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 142-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 107–110-варақлар.

4,5 млн пудга туширилди. Ўрта Осиёнинг ўзидан йиғиладиган ғалла режасига яна 700 минг пуд қўшишга мажбур бўлинди. Бу қўшимча миқдорни йиғиб олиш учун Ўрта Осиёга Марказ томонидан 1 млн 675 минг рубл, Давлат ва тижорат банки хисобидан 500 минг рубл маблағ ажратилди¹. 1924 йилда Ўрта Осиё республикалари қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалиги иш қуроллари билан таъминлаш энг юкори даражага кўтарилиб, 883 минг рублик асбоб-ускуналар сотилди. Бу эса 1915 йилдагидан 20%га кўп эди².

СЭС томонидан кўрилган чоралар ва Марказ талабининг қучайиши натижасида 1923–1924 хўжалик йилида Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигида, айниқса, аграр ишлаб чиқаришда озгина бўлса-да, ўзгариш сезилди. Ўрта Осиё республикаларининг экин майдонлари кенгайтирилиб, урушдан олдинги миқдорнинг 85%ини ташкил этган бўлса, йирик саноат ишлаб чиқариши 42%га, энгил саноат ишлаб чиқариши 55-60%га етди³. Экин майдонларининг кенгайтирилиши билан республикаларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳам ошиб борди. 1923 йилда Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалиги 280 млн сўмлик ёки Иттифоқнинг умумий ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 4,5%ини берган бўлса, 1924 йилда 455 млн сўмлик ёки Иттифоқ умумий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 7,5%и миқдорида маҳсулот берган⁴.

Пахта майдонларини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикаларининг пахта майдонлари 1924 йилда 355 минг десятинага етди⁵. Урушгача бўлган даврнинг охириги 5 йиллигида Ўрта Осиё умумий экин майдонининг 14-15%ига чигит экилган бўлса, 1923 йилда 10,6%ига, 1924 йилда 19,25%ига ғўза экилди.

Бирок, пахта майдонларининг сунъий равишда кенгайтирилиши баъзи вилоятларда бошқа экин турларининг жиддий қисқаришига олиб келди. Масалан, 1923 йилда пахта Фарғона вилояти умумий экин майдонининг 14%ига экилган бўлса, 1924 йилда 31%ига

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 55, 87–89-варақлар.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 113-варақ; ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 197-иш, 55, 82–85-варақлар.

³ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 142-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 63-варақ.

⁵ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 195-иш, 124-варақ.

экилди. Натижада 1923 йилда жами экин майдонларининг 21%ига экилган ғалла 1924 йилда 15%га тушди. Туркман вилоятида 1923 йилда умумий экин майдонларининг 18%ига пахта экилган бўлса, 1924 йилда 29,5%ига экилди. Бунинг оқибатида 1923 йилдаги жами экин майдонларининг 61%ига экилган ғалла 1924 йилда 50%га тушди. Сирдарё вилоятида 1923 йилда умумий экин майдонларининг 11%ига пахта экилган бўлса, 1924 йилда 19,5% майдонга экилди¹.

Ғалла майдонларининг пахта майдонлари кенгайтирилиши ҳисобига қисқариши Ўрта Осиё республикаларининг Марказдан келтириладиган ғаллага қарамлигини оширди.

Умуман айтганда, Москва Ўрта Осиё республикаларига алоҳида эътибор билан қарар ва бунга ўзини тўла ҳақли, деб ҳисобларди. 1923 йилда Марказ тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжи учун Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларидан 2,1 млн пуд пахта толаси олинган бўлса², 1924 йилда уч республикадан 4.587.344 пуд пахта толаси олинди, Иттифоқ марказига 2.909 вагон жўнатилган³. Бу миқдор Марказнинг пахтага бўлган эҳтиёжини 50%га қондиради. Бироқ Марказдагиларга бу миқдордаги тола камлик қилиб, Ўрта Осиёдан янада кўпроқ пахта олишни мўлжалладилар.

Нафақат Ўрта Осиё пахтасига, балки чорвачилик ривожланган сари бу тармоққа ҳам катта умид боғлана бошланди. Шу тариқа Ўрта Осиё Марказнинг тўлиқ йирик хом ашё базасига айланаётган эди. Айни пайтда Иттифоқ жунга бўлган эҳтиёжининг 50%ини, ипак ва майда терига бўлган эҳтиёжининг 30%ини Ўрта Осиё ҳисобидан қондираётган эди. Иттифоқ раҳбарияти бу ўлкадан ташиб кетилаётган хом ашёга ўзини тўла ҳақли, деб ҳисоблаб, «биз олинаятган маҳсулот ўрнига Ўрта Осиё ирригацияси, пахтачилиги ва чорвачилиги учун керакли миқдорда пул, ғалла ва бошқа турли молларни бермоқдамиз», дер эдилар⁴.

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 65-варақ.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 64-варақ.

³ Қаранг ва таққосланг: *Голованов А., Ражабов Қ.* Совет даврида пахта яккахокимлигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари. // Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сўёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йй.). –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 255; *Голованов А., Ражабов Қ.* «Оқ олтин»нинг қора қисмати. // Тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Т.: Шарқ, 2001 й. –Б. 264; ЎзР ПДА. 60-фонд, 1-рўйхат, 4350-иш, 35-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 82-83-варақлар.

Чорвачиликни тиклашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Ўрта Осиё республикаларида чорва молларининг сони 16 млн бошга етди (улардан 1 млн 067 мингтасини отлар, 557 мингтасини туялар ва 2 млн 222 мингтасини йирик шохли қорамол, қолган қисмини эса майда чорва моллари ташкил этган).

Ўрта Осиё республикаларидан Марказга ташиб кетиладиган хом ашё маҳсулотлари ичида жунга ҳам алоҳида эътибор бериларди. 1923–1924 хўжалик йилида бу республикалардан 482 минг пуд жун йиғилиб (шу вақтда бутун Иттифоқ бўйича 910 минг пуд жун йиғилган эди), Марказга ташиб кетилди¹. Шулар билан бирга, қоракўл тери, қўй, эчки ва йирик ҳайвон терилари ҳамда бошқа турдаги қимматли мўйна маҳсулотлари – тулки, бўрсиқ, бўри, мушук, шokol ва бошқа терилар ҳамда қуруқ мевалар Марказга жўнатилган².

Ўрта Осиё республикалари Марказнинг йирик хом ашё базасига айланишида темирйўл ва сув йўлининг аҳамияти катта бўлди. 1924 йил июл ойида СЭС Президиуми Иттифоқнинг Европа қисми саноати учун Ўрта Осиёда тайёрланган маҳсулотларни (пахта, жун, тери, ипак ва бошқалар) ташиш ва Марказдан Ўрта Осиёга саноат моллари ва ғалла келтириш учун темирйўл қурилиши ва қатновини кучайтириш зарур, деб топди³. Шу мақсадда Кенгаш президиуми Урганч-Чоржўй йўналишидаги янги темирйўл линиясини Иттифоқнинг иқтисодий-сиёсий ва стратегик аҳамияти учун зарур, деб ҳисоблаб, уни қуришга қарор қилди. Бу масалани Москвада ҳаракатга келтириш учун Гринвальдга топшириқ берди⁴.

Ўрта Осиё республикаларида кўплаб хом ашё маҳсулотлари тўпланиб қолаётганлиги сабабли 1924 йил 6 мартда мол келтириш ва маҳсулот ташиб кетиш ишига алоқадор ташкилот ва идоралар томонидан тушган талабномаларга кўра Ўрта Осиё темир йўлларига кунига 260 вагон, Тошкент темир йўлларига эса 250 вагон юк ортиш режалаштирилди⁵.

¹ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 217-иш, 64-варак.

² ЎзР МДА. 1-фонд, 1-рўйхат, 199-иш, 55–59-вараклар.

³ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 195-иш, 63-варак.

⁴ ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-рўйхат, 197-иш, 23-варак.

⁵ ЎзР ПДА. 60-фонд, 2-рўйхат, 4350-иш, 36-варак.

Ўрта Осиё темир йўлларида юк ташишни йўлга қўйиш учун қўрилган чоралар натижасида 1923 йилда Ўрта Осиё темир йўлларида 163 млн 436 минг пуд юк ташиб ўтилган бўлса, 1924 йилда у 214 млн 596 минг пудга етказилиб, ундан 4,5 млн рубл фойда қўрилди. Бу эса 1917 йилдан олдинги миқдорнинг 50%ини ташкил этган эди.

Ўрта Осиё Сув транспорти давлат кемачилигининг 1924 йилги фаолияти натижасида темирйўл пунктларига 460 минг пуд юк ташиб келтирилди. Улардан 200 минг пуди пахта хом ашёси бўлиб, қолганлари нефть, ўтин, ғалла ва бошқалар эди¹. Ўрта Осиёдан деярли ҳар кун хом ашё маҳсулотлари ортилган поездлар эшелони Марказга йўл олган. Бунда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг роли салмоқли бўлди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ва унга бўйсунувчи Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари иқтисодий кенгашлари мазкур республикалар иқтисодиётини тиклашда бир қанча ишларни амалга оширишди. Натижада нафақат бу ўлкаларнинг иқтисодиёти тикланди, балки, шу билан бирга, Марказнинг хом ашёга бўлган талаби ҳам кондирилди. Қолаверса, уч республиканинг иқтисодиёти интеграциялашди, бир-бирига ёрдам бериш асосида иқтисодиётнинг қийин ва оғир жабҳалари ривожланди ва изга тушди.

Ҳар масаланинг иккинчи томони бўлганидек, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бутун фаолияти давомида ўлкани Марказнинг мустаҳкам тизгини остида ушлаб турди. Марказ кўрсатмаси билан маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар (комиссиялар, бюролар) билан бирга учта республикада амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни Москва андозаси асосида (Марказ манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, албатта) амалга оширишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда республикаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш режалари ҳам, асосан, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашида ишлаб чиқилди ва унда Ўрта Осиё республикаларининг Иттифоқ иқтисодий мажмуасидаги ўрни олдиндан белгилаб берилди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши қарори билан Россия червони учала республика учун асосий пул

¹ УЗР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 195-иш, 15-варак.

бирлиги, деб топилиши Бухоро ва Хоразм республикалари давлат мустақиллигининг муҳим тимсолларидан бири бўлган миллий валютасидан маҳрум қилинганлигидан далолат эди¹. Россия ва уч республика ўртасида янги иқтисодий битимлар тузилиши билан Ўрта Осиё республикаларининг хорижий давлатлар билан мустақил савдо ва иқтисодий алоқалари тақикланиб, у фақат Марказнинг рухсати билан амалга ошириладиган бўлди. Натижада бу республикаларда сиёсий, иқтисодий ва молиявий соҳаларни бошқариш маҳаллий раҳбарлар қўлидан Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши орқали Москва ихтиёрига ўтди. Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳоқимлигининг юзага келишида, саноатни бирёклама, чала, ҳам ашё шаклида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштиришда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бор кучини сарфлади. Бунда у Россия империяси томонидан бошланган минтақа бозорини эгаллаб олиш сиёсатини янгича асосда давом эттирди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг фаолияти шулар билан чекланмади. Унинг олдида ҳали ўта муҳим ва катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифалар турарди. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилиши Ўрта Осиёда ташкил қилинган БХСР ва ХХСР мустақил давлатларини йўқ қилиб, уларни Иттифок таркибига сингдириб юбориш режасининг биринчи босқичи бўлди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши бу вазифанинг уддасидан чиқди. Иккинчи босқичдаги вазифа бу давлатларни сиёсий жиҳатдан тугатишга қаратилиб, буни амалга ошириш йўли Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказишни ташкил қилиш ва амалга оширишдан иборат эди. Бу «масъулиятли» вазифа Туркистон Компартияси билан бирга СЭС зиммасига ҳам юклатилган эди. СЭС бу сиёсий тадбирда фаол иштирок этди.

1924 йилда ўтказилган Ўрта Осиёдаги миллий-худудий чегараланиш оқибатида Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР тарқатилиб, улар ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон мухтор республикаси, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон мухтор вилоятлари ташкил қилинди. Шундай қилиб, собиқ Туркистон АССР, Бухоро ва

¹ Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократия шакли. // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 191.

Хоразм Халқ Республикалари ҳудудида учта республика ва иккита мухтор вилоят юзага келди. Шу йўл билан Марказ асрлар давомида иктисодиёти, маданияти, дини ва кадриятлари бир-бирига яқин бўлган, қондош, фақат миллатининг номи ўзбек, тожик, туркман, киргиз, козоқ ва қорақалпоқ халқларини бир-биридан ажратиб, алоҳида ҳудудларга бўлиб ташлади¹.

Миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши ва Ўрта Осиёда ижтимоий-сиёсий тизим ўзгарганлиги сабабли Ўрта Осиё Иктисодий Кенгаши (СЭС) ўзининг 1924 йил 24 ноябрда бўлган охириги мажлисида 25 ноябрдан эътиборан ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақида қарор қабул қилди². СЭС зиммасидаги барча ишлар ва кенгаш аппарати СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиё вакилликка топширилди. СЭСга қарашли бўлган Ўрта Осиёдаги барча ташкилотлар ҳам Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиё вакиллиги тасарруфига ўтказилди. Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиёда янги ташкил бўлган республикалар, мухтор республика ва мухтор вилоятлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бутунлай янги давр бошланди.

¹ Ражапова Р., Ражабов К. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 10. –Т.: Ўз МЭ нашриёти, 2005. –Б. 530–531.

² Народное хозяйство Средней Азии. –Т., 1924. №4. –С. 409.

3.1. Марказнинг Иқтисодий Бюро ва янги асосдаги Ўрта Осие Иқтисодий Кенгашини ташкил қилишдан кўзлаган мақсади ҳамда унинг моҳияти

Ягона халқ хўжалиги мажмуасининг назарияси совет ҳукумати ўрнатилганидан сўнг ишлаб чиқилиб, унинг амалиётига ХХ асрнинг 20-йиллари бошларидан ўтила бошланди. Коммунистлар партияси ягона халқ хўжалиги мажмуасини яратишда унинг СССР таркибидаги республикалари мавқеини юқори кўтарди.

Марказлаштирилган бошқарув халқ хўжалиги мажмуасини яратар экан, асосий эътиборни ҳар бир республиканинг иқтисодий салоҳияти ва ресурсларига қаратди. Хусусан, Иттифокнинг марказий ҳудудларини sanoатлаштириш мўлжалланган бўлса, уларни хом ашё билан таъминлаш Ўрта Осие республикалари чекига тушди. Бу, ўз навбатида, кўрсатма шаклида бирёқлама иқтисодий мажмуаларни вужудга келтириш учун имкон яратиб берди. Ўша вақтдаги эксперт И.И.Крильцов тан олганидек, «масала тўғридан-тўғри миллий чегаралаш қондасига кўра янгидан барпо этилаётган алоҳида давлатларнинг иқтисодий хусусиятларига чамбарчас боғлиқ тарзда хал этилган эди». СССР «Ўзбекистон фақат деҳқончилик республикаси, Қорақирғизистон (Қирғизистон) – деҳқончилик-чорвачилик, Туркманистон – виночилик-чорвачилик, Қозоғистон – чорвачилик республикаси бўлади», деб режалаштирган¹. Шу тариқа Ўрта Осие республикаларининг СССР ягона халқ хўжалиги мажмуасидаги ўрни белгилаб берилган эди.

Халқ хўжалиги устидан марказлашган давлат раҳбарлигини таъминлаш учун большевиклар 1921 йилда Туркистон ўлкаси халқ хўжалигини бошқарадиган Туркистон Иқтисодий Кенгашини, 1923 йилга келиб, у «талабга жавоб бермай қўйганлиги»дан сўнг Ўрта Осие Иқтисодий Кенгашини ташкил қилишди. Бундан мақсад

¹ *Ғойибназаров Ш.* Ижтимоий ривожланиш сабоқлари (20-йиллар таҳлили). –Т., 1994. –Б. 167.

мухтор вилоятлар хўжалик ҳаётида пайдо бўладиган давлатлараро низоларни ҳал этиши, Ўрта Осиё ва СССР аҳамиятига молик бўлган корхона ва муассасаларнинг хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиши керак эди¹.

Мазкур низом лойиҳасида Иқтисодий Бюро таркибига СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши тасдиғидан ўтган куйидаги вакиллар киритилди: УполСТОнинг Ўрта Осиёдаги раҳбари ва унинг 2 та ўринбосари, Ўрта Осиё ва ВЦСПС бюроси раҳбарлари, СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги вакили ҳамда ҳар қайси республика ва мухтор вилоятлардан иккитадан вакил.

Ўрта Осиё Иқтисодий Бюросига бошқарувда чексиз ҳуқуқлар берилиб, унга куйидаги вазифалар юклатилди:

1. Ўрта Осиё республикалари ва мухтор вилоятлардаги сув хўжалиги фаолиятининг келажакдаги режасини тузиш.

2. Иттифок хўжалик режасини Ўрта Осиё ва мухтор вилоятлардаги тегишли органлар орқали ҳаётга татбиқ этиш.

3. СССР раҳбарлиги ва иқтисодий сиёсати асосида Ўрта Осиё республикалари ва мухтор вилоятлардаги давлат органларининг иқтисодий фаолиятига умумий директива ва йўриқномалар ишлаб чиқиш...

8. УполСТО бошқарувига кирувчи Иттифок ва Ўрта Осиё аҳамиятига молик бўлган корхона ва муассасаларни бошқариш ва назорат қилиш².

Шу билан бирга, УполСТО қошида халқ хўжалиги ҳаётининг муҳим тармоқлари бўйича бошқарма ва унинг турли секциялари ташкил этилиб, у ўз навбатида Иқтисодий Бюронинг аппарати ҳисобланарди. УполСТО ва Иқтисодий Бюро аппарати СССР бюджети ҳисобидан таъминланиб, ўз муҳрига эга бўлган³.

1925 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Иқтисодий Кенгашининг 4-сонли мажлисида Ўзбекистон ССР ХКС қарори билан УполСТО қошида иқтисодий вакиллик органи тузилгани маълум қилинди. Шунингдек, мазкур мажлисда «Иқтисодий вакиллик органи тўғрисида» Низом қабул қилиниб, унга биноан барча иқтисодий

¹ ЎзР МДА. 1-фонд, 1-руйхат, 105-иш, 21-варақ.

² ЎзР МДА. Р18-фонд, 2-руйхат, 217-иш, 149–151-варақлар.

³ ЎзР МДА. Р1-фонд, 1-руйхат, 425-иш, 2-варақ.

ва хўжалик алоқаларини УполСТО орқали ўрнатиш, берилган топширик ва вазифалар Ўзбекистон ССР раҳбарияти томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиш ва Иқтисодий вакиллик органига Ўзбекистон ССР ХКС, МИҚ ва Ўзбекистон ССР Давлат режа комиссияси директивалари ҳамда УполСТОнинг муҳим тадбирлари ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди¹.

Марказ ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилган бу қарорлар Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон ҳам номигагина мустақил республика эканлигидан далолат эди. Ўрта Осиёда УполСТО ва Иқтисодий Бюро ташкил этилиши, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида УполСТОнинг иқтисодий вакиллик органи тузилиши бу ҳудудларда Марказнинг ҳукмронлик таъсирини янада оширди.

Иқтисодий Бюро ўзининг қисқа, яъни бир йилу уч ойлик фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини бошқаришга ҳаракат қилди. Ташкилий ишлар билан бир қаторда «Ўрта Осиё республикаларининг 1925-26 йилларга мўлжалланган хўжалик режаси»ни² ишлаб чиқди. Бир йиллик режа 1924 йилда ТуркЭКОСО томонидан ишлаб чиқилган беш йиллик режадан тубдан фарқ қилар эди. Беш йиллик режа Туркистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузилган. Бироқ 1924 йилда амалга оширилган Ўрта Осиёдаги миллий-худудий чегараланиш ТАССРнинг беш йиллик режасини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Туркистон, Бухоро ва Хоразм ҳудудларида ташкил қилинган янги республика ва мухтор вилоятлар, улар тасарруфига ўтган ҳудуд, аҳоли, моддий бойлик, ер ресурсларини қайтадан кўриб чиқиш, уларни ҳисоб-китоб қилган ҳолда янги Ўрта Осиё республикалари ва мухтор вилоятлар имкониятларини эътиборга олган ҳолда янги хўжалик режасини яратиш зарур эди.

Иқтисодий Бюро беш йиллик режа эмас, балки бир йиллик, яъни 1925-26 йилларга мўлжалланган хўжалик режасини ишлаб чиқишни маъқул кўрди³. Бунинг сабаби, биринчидан, янги ташкил қилинган республикалар ва мухтор вилоятларнинг халқ хўжалиги,

¹ Бу ҳақда батафсил қarang: ЎЗР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 9-иш, 10-варак.

² Народное хозяйство Средней Азии. —Т., 1925. №8-9. —С. 1-16.

³ Народное хозяйство Средней Азии, 1925. №8-9. —С. 1.

аҳолиси сони, ер ресурслари, ирригация иншоотлари ва бошқа моддий бойликлари ҳақида ҳали аниқ маълумотлар йўқ эди. Иқтисодий Бюро янги республикалар ва мухтор вилоятлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган.

Иккинчидан, Туркесублика ишлаб чиққан беш йиллик режа Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръати, Иттифокнинг умумий аҳволи ва ривожланиш суръатидан келиб чиққан ҳолда тузилган эди. Миллий-худудий чегараланишнинг амалга оширилиши ва ягона бир давлат – Совет Иттифокининг юзага келиши барча республикаларда, айниқса, Ўрта Осиё республикалари ижтимоий-сиёсий ҳаётида янгича ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди. Шунинг учун ҳам мазкур республикаларнинг хўжалик режасини янгидан ишлаб чиқиш талаб қилинди.

Иқтисодий Бюронинг талабига кўра бир йиллик режа аниқ мақсадни кўзлаган бўлиши керак эди. Мақсад эса аниқ: Ўрта Осиё республикаларини Иттифокнинг хом ашё базасига айлантириш! Бу мақсад Иқтисодий Бюро ишлаб чиққан янги бир йиллик хўжалик режасида аниқ ифодасини топди¹. Мақсадга эришиш учун белгилаб қўйилган вазибаларнинг энг муҳими Ўрта Осиё республикаларида ер-сув ислохотини ўтказиш ва энг аввало ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш эди². Айниқса, Фарғона водийсида ерсиз ва бир десятинадан кам (3-4 таноб) ерга эга бўлган деҳқон хўжаликларининг 65%ни ташкил қилиши Марказни ташвишга соларди. Фарғона водийси Ўрта Осиёда асосий пахта етиштирадиган худуд ҳисобланган. Ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш пахта масаласи билан чамбарчас боғлиқ эди. Ерсиз деҳқонларга қанчалик кўп ер бўлиб берилса, пахта экин майдони ошиб, ҳосилдорлик ҳам кўпайиши мумкин бўлган. Ер-сув ислохотининг ана шу муҳим томонини Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси пухта англаб етган.

СССР тўқимачилик саноатининг юқори суръатда ривожланиб бориши унинг пахта хом ашёсига бўлган талабини ҳам кучайтирди. Лекин Ўрта Осиё республикалари учун пахта етиштириш режаси Иттифок тўқимачилик саноатининг пахта хом ашёсига бўлган

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8-9. –С. 2.

² Уша жойда.

талабини мутлақо кондира олмасди. Масалан, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Кенгаши (ВСНХ)нинг тахминий ҳисоб-китобиға кўра, Иттифоқ тўқимачилик саноати учун яқин олти йилда 140 млн пуд пахта толаси зарур бўлади. 1925 йилда Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари Иттифоқ саноати учун 11 млн пуд пахта толаси бериши мўлжалланган. Агар яқин 6 йил ичида Ўрта Осиё ва Закавказье 11 млн пуддан, жами 66 млн пуд пахта толаси берса ҳам муаммо ҳал бўлмас эди. Муаммони ҳал қилиш учун Иттифоқ чет элдан 74 млн пуд пахта толасини ўртача баҳода (ҳар пуди учун 22-23 рублдан) сотиб оладиган бўлса, 6 йил ичида 1 млрд 700 млн рубл, яъни ҳар йили пахта толаси учун чет элга олтин пудда 280 млн рубл сарфлаши керак эди¹.

Хулоса шуки, Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси қандай бўлмасин мамлакат пахтачилигини ривожлантириши ва унинг пахта хом ашёсига бўлган эҳтиёжини таъминлаши зарур эди. 1925-26 йилларга мўлжалланган хўжалик режасида пахтачиликни ривожлантириш иккинчи муҳим йўналиш сифатида белгиланганлигининг боиси ҳам ана шунда эди. Шунинг учун ҳам бир йиллик режанинг биринчи асосий йўналиши ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш ҳамда иккинчи муҳим йўналиши пахтачиликни ривожлантириш орқали бир-бирини тўлдирувчи Ўрта Осиё республикалари, хусусан Ўзбекистонни пахта хом ашёси етиштирадиган асосий базага айлантириш омили эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, ерсиз ва кам ерли деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаш муаммоси бевосита ирригация масаласи билан боғлиқ эди. 1925-26 йилларга мўлжалланган хўжалик режасида ирригация масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки экин майдонларини, хусусан, пахта экин майдонини кўпайтириш сув ва суғориш иншоотлари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги маълум.

Бир йиллик режада кўрсатилишича, 1925 йилда Ўрта Осиё республикалари бўйича суғориладиган ер миқдори 2 млн 373 минг десятина, 1926 йилда эса 2 млн 719 минг десятина қилиб белгиланди². 1925/26 хўжалик йилида ирригация ишлари ва сув хўжалиги учун 67 млн 692 минг рубл сўралган бўлиб, давлат

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8-9. -С. 2.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8-9. -С. 4.

бюджетидан сўралган сумма 11 млн 700 минг рублни ташкил қилган¹. Лекин СССР Госплани ҳамда Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши томонидан бу масала кўрилган пайтда ирригация иншоотлари қурилиши ва таъмирланиши учун сўралган маблағ қисқартирилиб, 28 млн рубл миқдориди тасдиқланди. Бунга қўшимча сифатида Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши 18 млн 436 минг рубл миқдоридаги сарф-харажатларни аҳолини мажбурий ишлатиш йўли билан қоплаш вазифасини топширди. Шундай қилиб, 1925–26 йилларда Ўрта Осиё ирригацияси учун сарфланадиган барча харажатлар 46 млн 436 минг рубл миқдориди белгиланиб, 21 млн 261 минг рублга кам миқдорда маблағ ажратилди².

Шунингдек, режада Ўрта Осиё республикаларида пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноатини ҳам ривожлантириш кўзда тутилди. Пахта тозалаш заводлари қурилиши учун 6,5-7 млн рубл, ёғ ишлаб чиқариш заводлари қурилиши учун эса 8-8,5 млн рубл маблағ ажратилди. Умуман олганда, 1925–26 йил хўжалик режасида Ўрта Осиё республикаларини индустрлаштиришга катта аҳамият берилди.

Иқтисодий Бюронинг бир йиллик хўжалик режаси таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё республикаларини индустрлаштиришда ҳар бир республика ва мухтор вилоятнинг жуғрофий иқтисодий имкониятларидан келиб чиқиб, асосан пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик соҳалари бўйича ихтисослаштириш кўзда тутилди ва шу йўналишда саноат объектлари қурилиши амалга оширилди. Масалан, Ўзбекистон ва Туркменистонда биттадан тўқимачилик комбинатлари қуриш кўзда тутилди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ғалла омборлари – элеваторлар қуриш бошлаб юборилди. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон республикаларида дон майдалаш тегирмонлари, қоғоз фабрикаси, тери ҳамда нефтни қайта ишлаш саноати, нашриёт, туз ишлаб чиқариш объектлари қад кўтара бошлади³.

Иқтисодий Бюро ишлаб чиққан бу режанинг асл моҳияти Ўрта Осиё республикаларидан хом ашё олиб кетишга қаратилган эди.

¹ Уша жойда. –Б. 4.

² Уша жойда. –Б. 5.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8-9. –С. 12.

Шу йилларда Ўлқадан олиб кетилган хом ашёнинг умумий миқдори 222 млн рублни ташкил қилиб, ундан Ўзбекистон ССР (Тожикистон билан бирга) ҳиссаси 189 млн рублга, Туркменистон ҳиссаси 24 млн рублга, Қирғизистон ҳиссаси 9 млн рублга тенг бўлган.

Ўзбекистондан асосан пахтачилик маҳсулотлари (180,6 млн рубллик), чорвачилик маҳсулотлари (23,7 млн рубллик) олиб чиқиб кетилган. Ўрта Осиёдан олиб кетилган маҳсулот ва хом ашёнинг умумий суммаси бу ерга келтирилган товарлар суммасидан бир неча баробар кўп бўлган¹.

1925 йил 19-20 июнда УполСТО бошқармасида Ўрта Осиё хом ашё кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда минтақанинг хом ашё тайёрлаш органлари ва банк вакиллари иштирок этди². Кенгаш мажлиси кун тартибига жун, қорақўл териси, ипак пилласи ва қурук мевани тайёрлаш масаласи қўйилди. Мажлисида юқорида санаб ўтилган хом ашё маҳсулотлари Иттифок учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги, лекин режада кўрсатилган миқдорда барча республикаларда бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан УполСТО қошидаги савдо секциясига барча республикалар савдо марказлари, кооперативлар билан ҳамкорликда Марказ учун муҳим бўлган юқоридаги хом ашёларни тайёрлашни тезлаштириш вазифаси юкланди.

Шунингдек, мажлисида Иқтисодий Бюронинг бу республикаларни мануфактура билан таъминлаш ҳақидаги маърузаси тингланди³. Мажлис қароридан Ўрта Осиё республикалари аҳолисини мануфактура билан таъминлаш мутлақо қониқарсиз эканлиги, шунинг натижасида хом ашё тайёрлаш даражаси пастлиги қайд этилди. Иттифокнинг мутасадди раҳбарларидан бу масалага жиддий ёндашув зарурлиги сўралди⁴.

Умуман, Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси ўзининг 13 ойлик фаолияти давомида Иқтисодий Бюро Пленуми, Иқтисодий Бюро Президиуми ва УполСТО бошқармаси секциялари мажлисларида 60 дан ортиқ масалани кўрган. Улар асосан Ўрта Осиё республика-

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8-9. -С. 16.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №7. -С. 123.

³ Ўша жойда. -Б. 124-125.

⁴ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №7. -С. 125-126.

рилиши, чорвачилик, дончилик, боғдорчилик, темирйўл қурилиши, ҳаво транспорти, аҳолини саноат моллари билан таъминлаш, хом ашё тайёрлаш ва Марказга юбориш, қишлоқ хўжалигини техника ва асбоб-ускуналар, иш ҳайвонлари билан таъминлаш ва ҳ.к. каби масалалар эди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу республикаларда хом ашё тайёрлаш масаласи Иқтисодий Бюро Пленуми ва Президиумида 13 ой ичида 6 марта қўрилган. Шунингдек, аҳолини саноат моллари билан таъминлаш масаласи қониқарсиз бўлганлиги сабабли бу масала ҳам 5 марта махсус кун тартибига қўйилган эди¹.

Шунга қарамадан, Иқтисодий Бюро Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини бир йўналишга солишга, қишлоқ хўжалиги ва саноатини хом ашё ва ярим хом ашё етиштиришга мослаштирган ҳолда ривожлантиришга ҳаракат қилди. Масалан, бу республикалар саноат қурилиши учун ажратилган капитал маблағ ошиб борди. Агар 1924–25-хўжалик йилида Ўзбекистон ССРга 3 млн 637 минг червон рубл ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 1925–26-хўжалик йилида 8 млн 132 минг червон рублга етди. Худди шунингдек, Туркменистон ССРга 67,7 минг ва 2 млн 707 минг червон рубл ажратилди. Қирғизистон АССРга 1925–26-хўжалик йили учун 474,9 минг червон рубл ажратилди. Тожикистон АССРга эса бу йилларда саноат қурилиши учун маблағ ажратилмади. Ўрта Осиё республикалари бўйича умумий ҳисобда 1924–25-йилда 3 млн 704,7 минг, 1925–26-хўжалик йили учун эса 11 млн 314,5 минг червон рубл маблағ ажратилган. Бир сўз билан айтганда, саноат учун ажратилган капитал маблағ 1925–26-йилда 1924–25-хўжалик йилига нисбатан 205%га ошган². Бу, ўз навбатида, Ўрта Осиё республикаларида аста-секинлик билан саноат марказлари (чала маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса ҳам) барпо қилинганлигини кўрсатади.

Пахтачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам бир қатор ишлар қилинган. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин³.

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №7, 8, 9, 10, 11; 1926. №3. 4, 5, 12.

² Основные черты народного хозяйства Средней Азии в 1926/27 годы. –Т., 1928. –С. 25.

³ Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. –Т., 1929. –С. 38.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Қорақалпоғистон	Туркманистон	Жами
1925-26 й. Экин майдонлари	минг га	359,4	28,3	25,7	0,8	9,7	56,4	480,3
Ҳар га дан олинган ҳосил	центнер	10,8	8,41	8,33	7,50	11,75	7,96	9,75
Ҳосил	пуд	62,1	51,3	50,8	45,8	71,7	48,6	59,5
Йиғиб олинган пахта	минг тонна	366,1	23,8	21,4	0,6	11,4	44,9	468,2
Олинган тола	минг тонна	105,8	6,9	6,2	0,2	3,4	12,3	134,8

Ўрта Осиё республикаларида пахтачилик соҳасида эришилган бу кўрсаткичлар Иттифок тўқимачилик саноатининг эҳтиёжини қондира олмас ва, 20-йилларда тушқунликка тушган қишлоқ хўжалиги ва, айниқса, пахтачиликни тиклаш ҳамда ривожлантиришда минтақа, хусусан, Ўзбекистон халқларининг оғир ва машаққатли меҳнати эвазига қисқа муддатда шу даражага етказилди. СССР тўқимачилик саноатини пахта толаси билан таъминлаш балансида Ўрта Осиё республикалари ҳиссаси қуйидаги жадвалда акс эттирилган¹.

3-жадвал

Йиллар	Фабрикага олиб кетилган тола (минг тонна)	Америка пахтаси ҳиссаси		Шарқ мам- лакатлари пахтаси		Иттифок пахтаси ҳиссаси		Жумладан, Ўрта Осиё респ. пахтаси	
		минг тонна	%	минг тонна	%	минг тонна	%	минг тонна	%
1914	448,9	155,3	34,6	18,0	7,0	275,6	61,4	209,9	46,8
1923/24	147,6	82,8	56,1	10,8	7,3	54,0	36,6	38,7	26,2
1924/25	200,1	83,4	41,7	12,9	6,4	103,8	51,9	78,3	39,1
1925/26	265,6	89,8	33,8	16,4	6,2	159,4	60,0	136,0	51,2

¹ Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. —Т., 1929. —С. 39.

Жадвалдан кўришиб турибдики, Иттифок ҳали пахта мустақиллигига эга эмас эди. Чунки Америка ва Яқин Шарқ мамлакатларидан олтин ҳисобига сотиб олинаётган пахта толасининг ҳиссаси қарийб 50%га яқин бўлиб, бу ҳисса жуда секинлик билан камайиб борган. Лекин шуни ҳам эътиборга олиш керакки, Ўрта Осиё республикалари, айниқса, Ўзбекистонда пахтачилик анча тез суръатлар билан ривожланиб бориши эвазига Иттифокнинг тўқимачилик саноатини пахта толаси билан таъминлаш ҳиссаси сезиларли даражада ортиб борган.

Совет давлати четдан пахта толасини олтин ҳисобига сотиб олишни тезроқ камайтириш ва пахта мустақиллигига эришиш мақсадида минтақада, хусусан Ўзбекистонда пахта экин майдонларини кенгайтиришга киришди. Бу, аввало, суғориладиган бошқа экинларни қискартириш, иккинчи томондан, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, ирригация тизимини яхшилаш, каналлар қазиб, янги ўзлаштирилган ерларга сув чиқариш билан боғлиқ эди. Бунинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси Президиумида Ўрта Осиё сув ҳўжалиги бошлиғининг ирригация режаси бажарилиши ҳақидаги маърузаси тингланди¹. Маълумки, Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши қарори билан ирригация ишларининг беш йиллик режаси тасдиқланиб, унда Ўрта Осиё ва Қирғизистоннинг сув ресурсларидан истиқболли фойдаланиш режаси кўрсатиб берилган эди. Масала муҳокамасидан сўнг Иқтисодий Бюро Президиумининг мажлиси қарорида Средазводхозга, миллатлараро бассейн ва миллий сув ҳўжалиги раҳбарларига республика аҳамиятига эга бўлган бассейнлар учун иш режасини ишлаб чиқиш топширилди. Бу ишга умумий раҳбарлик Ўрта Осиё сув ҳўжалигининг Режа Комиссиясига юклатилди.

Ўрта Осиё пахтачилигини ривожлантириш учун Иттифок маблағ аямади. Масалан, 1924–25-ҳўжалик йилида ирригация ишлари учун 2 млн 560 минг рубл ажратилди. Бу олдинги йилга нисбатан 2 баробар кўп эди. Ўзбекистон мисолида бу кўрсаткич 1924–25-ҳўжалик йилида 1 млн 676 минг рубл, 1925–26-ҳўжалик йилида 3 млн 799 минг рублни ташкил қилди. Бу олдинги йилга нисбатан қарийб 2,5 баробар кўп эди².

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1926. №3. —С. 186.

² Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. —Т., 1929. —С. 32–33.

Ўрта Осиё Иқтисодий Бюроси 1925 йил октябрь ойидаги мажлисида пиллачилик масаласини кўриб чиқди. Унда Ўрта Осиё республикаларида пиллачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш мамлакат учун муҳим иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган¹. Энг асосий вазифа қилиб хориждан пилла сотиб олишни тўхтатиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўрта Осиё республикаларида агар 1913 йилда 210,0 минг қути ипак қурти тарқатилиб, 5241 тонна пилла олинган бўлса, 1925 йилга келиб 153,3 минг қути қурт уруғи тарқатилиб, 3685 тонна пилла олинди. 1926 йилда эса бу рақамлар мос равишда 170,0 минг қути ва 4875 тоннани ташкил қилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон пахта ва бошқа соҳалар қатори пилла етиштиришда ҳам асосий республика ҳисобланган. Масалан, 1925 йилда 139,4 минг қути пилла қурти тарқатилиб, 3351 тонна пилла олинган бўлса, 1926 йилда 149,9 минг қути пилла қурти тарқатилиб, 4314 тонна пилла ҳосили олинган². Агар Ўрта Осиё республикаларида шу йилларда етиштирилган пилланинг умумий тоннаси билан Ўзбекистонда етиштирилган пилла ҳосили солиштирилса, унинг салмоғи қанчалик сезиларли эканлиги яққол кўринади.

Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигини ривожлантириш ва социалистик асосда қайта қуриш суръатларини ошириш, айниқса, сув ресурсларидан фойдаланиш, пахтачилик ва бошқа халқ хўжалиги тармоқларини тез ривожлантириш, ўлкани индустрлаштиришни жадаллаштириш учун республикалар фаолиятини бирлаштириш, айниқса, уларни иқтисодий жиҳатдан Иттифок атрофида жипслаштириш зарур эди. Лекин бу вазифа ўта мураккаб ва ўта масъулиятли бўлиб, буни уйдлаш учун қатта тажриба, қаттиққўллик ва талабчанлик керак эди. Ўрта Осиё УполСТОси ва Иқтисодий Бюро ўз фаолияти давомида жиддий ҳатоларга йўл қўйди. Хусусан, миллий республикалардаги давлат органлари билан етарли даражада алоқа ўрната олмади ва, энг муҳими, маҳаллий шароит ва маҳаллий ўзига хослик билан ҳисоблашмади³. Шунинг учун ҳам Иқтисодий Бюронинг фаолияти самарасиз бўлди.

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1925. №8. 9. —С. 185–186.

² Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. —Т., 1929. —С. 44.

³ Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. —Т., 1926. —С. 15.

Марказ учун Ўрта Осиё республикаларининг мураккаб иқтисодийетини Иттифок халқ хўжалиги мажмуасига қаттиққўллик билан бирлаштира оладиган, Турккомиссия, Туркбюро ва Средазбюрога ўхшаш кучли орган керак эди. Шу мақсадни кўзлаб, СССР ХКС ўзининг 1926 йил 10 сентябрь қарори билан СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўрта Осиё вакиллигини тугатиб, унинг ўрнига СССР ХКС қошида қайтадан яна Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)ни ташкил қилишни лозим топди¹.

1926 йил 30 июлда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)нинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раиси Тер Егизарьян, ВКП(б) Ўрта Осиё бюросидан Кузьмин², Туркменистон ССРдан вакил Паскуцкий³, Ўзбекистон ССРдан вакил Носирбоев⁴, Тожикистон мухтор республикасида вакил Дадабоев⁵, Қозоғистон АССРдан вакил Давидов⁶, ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси раҳбари Бритковскийлар⁷ Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисидаги асосий маърузаларни ўқишди.

Тер Егизарьян ўз маърузасида Ўрта Осиёни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш зарурияти тўғрисида куйидаги фикрларни баён қилган: «Ўрта Осиёда барпо этилган миллий республикалар Ўрта Осиё худудларининг ўзига хос хусусиятларини яхшилаб ҳисобга олиш имкониятига эгадирлар. Бунда бутун халқ хўжалигининг барча тармоқлари бир-бирига узвий боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Биз айни вақтда бутун республикалар учун умумий халқ хўжалиги алоқаларига жалб этувчи воситалар: ирригация, транспорт, йўл қурилиши масалаларини олдинга суришга тўхталишимиз керак. Булар республикаларда пахтачиликни ривожлантириш ҳамда ғалла ва саноат молларини келтириш, шунингдек, электрлаштириш ва саноат қурилиши масалаларидир. Бу масалаларни миллий республикалар билан бирга, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши муҳокама

¹ Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. —Т., 1969. —Б. 25.

² Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. —Т., 1926. —С. 12—14.

³ Ўша жойда. —Б. 14—18.

⁴ Ўша жойда. —Б. 18—20.

⁵ Ўша жойда. —Б. 20—22.

⁶ Ўша жойда. —Б. 22—23.

⁷ Ўша жойда. —Б. 24—27.

килади. Шу билан бирга, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, Ўрта Осиё республикалари Совет Иттифокининг зарурий хом ашё базаси сифатида тузилган, бошқа томондан эса, СССР Ўрта Осиёга ғалла ва саноат молларини келтириш учун керак. Шунинг учун ҳам иктисодий жиҳатдан бирлашиш Ўрта Осиёга қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш учун керак»¹.

Мажлисида сўзга чиққан Ўзбекистон ССР вакили Носирбоев ўз маърузасида Ўрта Осиё Иктисодий Кенгаши бажариши керак бўлган вазифалар бўйича қуйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: «Иктисодий кенгашнинг асосий вазифаси тиклаш ишлари жараёнида олдимизда кўндаланг бўладиган хўжалик ва иктисодий тадбирларнинг барини тўғри ҳал қилишни мувофиқлаштириш ва келишиб олишдан иборатдир. Вазифа ўта оғир ва мушкулдир. Ўрта Осиёнинг иктисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига (пахтачилик ва чорвачиликка) ихтисослаштирилган. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ва ирригация муаммоларини асосли тарзда тўғри ҳал этиш зарур. Шундан сўнг совет ҳокимияти, иктисодий кенгаш ва Ўрта Осиё республикалари олдида турган катта масала – Ўрта Осиёни саноатлаштириш масаласидир»².

«Бугун биз ўз олдимизга Ўрта Осиё республикалари доирасидаги социалистик қурилишни қай тарзда амалга ошириш тўғрисидаги масалани қўймоқдамиз. – деган эди Туркменистон ССР вакили Паскуцкий. – Ўрта Осиёнинг ягона вазифаси пахтачиликдан иборат, деб бўлмайди – бу жиддий, кенг авж олдирилган социалистик қурилишга ўтиш жараёнида ҳар қандай танқидга дош беролмайдиган юзаки схема бўлади. Бугун биз олдимизга деҳқончилик соҳасида, табиийки, ирригацияга асосланган пахтачиликни ўз ичига олувчи вазифаларни қўймоқдамиз, бироқ шу билан бир қаторда бошқа вилоятларда чорвачиликни илгари сурмоқдамиз... Биз, сўзсиз, Ўрта Осиё ва Иттифоқнинг илмий текшириш ишлари билан шуғулланмоғимиз керак. Чунки бу янги усуллардан фойдаланиш бизга экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш ҳамда вилоятлардаги чорвачиликни жонлантиришда қўл келади.

¹ Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. –Т., 1926. –С. 9–10.

² Ўша жойда. –Б. 19.

Бу ишларни амалга оширишда бизга Ўрта Осиё ва Иттифокнинг кучлари керак бўлади»¹.

Нихоят, бўлиб ўтган мажлис иштирокчилари ва вакилларининг ўзаро келишувига асосан Ўрта Осиё миллий республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришга қарор қилинди ва Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши – СредазЭКОСО ташкил этилди.

1926 йил 1 октябрда СССР МИК ва СССР ХКС «Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши» Низомини тасдиқлади. Низомга биноан СредазЭКОСОНинг ташкилий тузилмаси қуйидагича бўлган: Иқтисодий Кенгаш раиси (СССР ХКС томонидан тайинланган) ва раиснинг 3 та ўринбосари (Иқтисодий Кенгаш такдими билан СССР ХКС томонидан тасдиқланган), кенгаш аъзолари бўлиб, Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари ҳамда Қирғизистон мухтор вилояти Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси, яна юқоридаги ҳар бир республика ва вилоятлар 6 тадан вакил ва СССРдаги турли комиссарликларнинг Ўрта Осиёдаги вакиллари, чунончи, ишчи-деҳқон инспекцияси, меҳнат, ички ва ташқи савдо, йўл ишлари, почта ва телеграф комиссарлиги ҳамда пахта қўмитаси вакили, шунингдек, Ўрта Осиё ҳарбий округининг бош қўмондони, Ўрта Осиё план комиссиясининг раиси, Ўрта Осиё сув хўжалиги қўмитасининг бошлиғи, Ўрта Осиё давлат банкнинг бошқарувчиси ҳамда ВЦСПСнинг Ўрта Осиё Бюросидан икки вакил аъзо қилиб киритилган эди².

СредазЭКОСОНинг бош органи юқоридаги вакилларнинг Пленуми ҳисобланиб, йилига камида 4 марта чакирилган. Пленум оралиғида СредазЭКОСОНинг бош органи ҳисобланган Пленумда сайланган Президиум иш олиб борган. Президиум таркибида раис, унинг учта ўринбосари ва уч аъзоси, 5 та аъзоликка номзодлар, бундан ташқари, Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон АССР ХКС раислари, Қирғизистон мухтор вилояти Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси Президиум аъзоси бўлиб кирган эди. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши раислигига Тер Егизарьян тайинланди³.

¹ Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. –Т., 1926. –С. 16–17.

² ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 34-варак.

³ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 35-варак.

СредазЭКОСО Ўрта Осиё микёсида марказий иқтисодий раҳбар орган сифатида асосан куйидаги масалалар билан шуғулланди:

- йиллик ва истикболли хўжалик режаларини тузишни ташкил қилиш, кўриб чиқиш ва юқори органларга тақдим қилиш;
- СССР хўжалик режаларининг Ўрта Осиёга тегишли қисми бажарилишига раҳбарлик қилиш;
- Ўрта Осиё республикаларининг марказий хўжалик органларига иқтисодий масалаларда директивалар бериш;
- Ўрта Осиё халқ хўжалигини СССР манфаатлари ва эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга қаратилган асосий йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг иқтисодий ривожланиш масалаларида улар ўртасида юз бериши мумкин бўлган баъзи келишмовчиликларни бартараф қилиш;
- СССРнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги хўжалик органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини Иттифоқ билан Ўрта Осиёнинг иқтисодий масалаларига мослаш ва ҳ.к.

СредазЭКОСО ташкил қилинганидан сўнг СССР ХКС қарори билан Г.К.Фельдманга Москвада СредазЭКОСО томонидан доимий вакиллик қилиш учун ваколат берилди. Ушбу ваколат бўйича у куйидаги ҳуқуқларга эга бўлган:

1. СССР марказий идоралари ва олий органлари мажлисларида қатнашиш ҳамда овоз бериш, шунингдек, муассасалараро, ташкилотлараро ва турли комиссиялар мажлисларида Ўрта Осиёга тегишли масалаларни кўриб чиқиш;
2. СССР конунчилик органлари таркибига кириш ва конунчилик лойиҳаси актлари ва бошқа масалаларни СредазЭКОСОга етказиш;
3. СССР органлари томонидан ишлаб чиқилган декретлар, буйруқлар ва қарорларга хулоса бериш ҳамда уларни тезда амалга ошириш зарур бўлганда СредазЭКОСОга тўғридан-тўғри юклаш ва охирида ишнинг амалий натижаси тўғрисида хабар қилиш;
4. СССР МИҚ, СССР ХКС, СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ва бошқа марказий идоралар билан СредазЭКОСО ўртасида алоқа боғлаш ва уни жонлантириш;

СредазЭКОСО Ўрта Осиё микёсида марказий иқтисодий раҳбар орган сифатида асосан қўйидаги масалалар билан шуғулланиди:

- йиллик ва истиқболли хўжалик режаларини тузишни ташкил қилиш, кўриб чиқиш ва юқори органларга тақдим қилиш;
- СССР хўжалик режаларининг Ўрта Осиёга тегишли қисми бажарилишига раҳбарлик қилиш;
- Ўрта Осиё республикаларининг марказий хўжалик органларига иқтисодий масалаларда директивалар бериш;
- Ўрта Осиё халқ хўжалигини СССР манфаатлари ва эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга қаратилган асосий йўл-йўриқлар ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;
- Ўрта Осиёдаги барча республикаларнинг иқтисодий ривожланиш масалаларида улар ўртасида юз бериши мумкин бўлган баъзи келишмовчиликларни бартараф қилиш;
- СССРнинг Ўрта Осиё ҳудудидаги хўжалик органлари фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини Иттифоқ билан Ўрта Осиёнинг иқтисодий масалаларига мослаш ва ҳ.к.

СредазЭКОСО ташкил қилинганидан сўнг СССР ХКС қарори билан Г.К.Фельдманга Москвада СредазЭКОСО томонидан доимий вакиллик қилиш учун ваколат берилди. Ушбу ваколат бўйича у қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлган:

1. СССР марказий идоралари ва олий органлари мажлисларида қатнашиш ҳамда овоз бериш, шунингдек, муассасалараро, ташкилотлараро ва турли комиссиялар мажлисларида Ўрта Осиёга тегишли масалаларни кўриб чиқиш;
2. СССР қонунчилик органлари таркибига кириш ва қонунчилик лойиҳаси актлари ва бошқа масалаларни СредазЭКОСОга етказиш;
3. СССР органлари томонидан ишлаб чиқилган декретлар, буйруқлар ва қарорларга ҳулоса бериш ҳамда уларни тезда амалга ошириш зарур бўлганда СредазЭКОСОга тўғридан-тўғри юклаш ва охирида ишнинг амалий натижаси тўғрисида хабар қилиш;
4. СССР МИҚ, СССР ХКС, СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ва бошқа марказий идоралар билан СредазЭКОСО ўртасида алоқа боғлаш ва уни жонлантириш;

5. СССР халқ комиссарликлари, Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши, ХКС, молия комиссияси буйруқлари ва қарорларига СредазЭКОСО томонидан билдирилган норозиликларга унинг гувоҳлигида хабар бериш;

6. Ўрта Осиёга алоқадор барча масалалар тўғрисида СССР олий органларига доимий ахборот бериш ва СредазЭКОСО томонидан хабар беришни тартибга солиш¹.

Хуллас, СредазЭКОСОНинг маҳсус ташкил қилиниши Ўрта Осиё республикалари иқтисодиётини, уларнинг иқтисодий шароити ва ривожланиш даражаси турлича бўлишидан қатъи назар, марказлаштириш жараёнини давом эттирди.

3.2. Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий жиҳатдан СССРга қарам бўлиши ва унинг хом ашё базасига айлантирилишида СредазЭКОСОНинг ўрни

СредазЭКОСО янги тарихий босқичда, яъни Ўрта Осиё халқларининг «социализмга сакраш» даврида ташкил қилинди. Социалистик мулк асосидаги йирик социалистик ишлаб чиқариш халқ хўжалиги кўламида тузилган умумий режа ва марказлашган раҳбарлик остида ривожланишни талаб қиларди. СредазЭКОСО ҳам шу тамойилга амал қилиб, Ўрта Осиё республикаларини ривожлантиришнинг биринчи ва иккинчи беш йиллик режаларини тузишга раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида 1926/27–1930/31 йилларга мўлжалланган Ўрта Осиёни ривожлантириш биринчи беш йиллик режасининг илк намунаси ишлаб чиқилди². «1926/27–1930/31 йилга мўлжалланган Ўрта Осиё хўжалик режасининг асосий хусусиятлари» режасида Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари халқ хўжаликларининг истиқболли режалари ҳам қамраб олинган ва режанинг пахтачилик, ирригация ва транспорт қисмида эса Қозоғистон АССР ва Қорақалпоғистон мухтор вилояти ҳам киритилган эди. Бу режа 1927 йил 27 июлда СССР Давлат Режа

¹ УзР МДА. Р9-фонд. 1-руйхат, 1-иш, 34-варақ орқаси.

² Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т., 1969. –Б. 30.

Комиссияси (Госплан) томонидан қабул қилинди¹. Режанинг асосий кўрсаткичлари: 1) 1931 йилга келиб пахта ҳосилидан олинадиган тола 19.250 минг пудни, пахта экиладиган майдон 948 минг га ни, пахта ҳосилдорлиги эса ҳар гектардан 20.15 пуд бўлишини кўзлаган; 2) 1931 йилда умумий суғориладиган ерлар 3560 минг га ни ташкил қилиши, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация ишлари учун беш йилликда 227,690 минг рубл ажратилиши кўзда тутилди; 3) пахта экиш майдонларини ўзлаштирилган ер ҳисобига 382 минг га, ундан 200 минг га олдин ўзлаштирилиб, бошқа экинлар учун фойдаланилаётган ерлар ва 182 минг га янги ўзлаштириладиган ерлар; 4) қишлоқ хўжалиги учун ажратилган капитал маблағ 150.400 минг рубл: бу маблағ махсус экинлар, чорвачилик, аҳолини янги ерларга кўчириш, ветеринария, ўрмон хўжалиги, техника ва тракторлар билан таъминлаш ва мелиорация учун; 5) саноат учун капитал маблағ 123.218 минг рубл: бу маблағ 1.010 минг тонна кўмир қазиб олиш учун, тўқимачилик саноати қурилиши, яъни иккита тўқимачилик фабрикаси 10 минг айланиш кучига эга ва ҳар бир фабрикага 300 та тўқимачилик ускуналарини ўрнатиш; 6) транспорт учун: Туркистон-Сибир темир йўли, Александров-Гай-Чоржуй, Термиз-Душанбе, шунингдек, ёқилғи ва пахтачилик учун темирйўл шохобчаси қуришга жами 77.430 минг рубл капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилди².

Бинобарин, режа бўйича Ўрта Осиё республикаларида маҳаллий миллат вакилларида пролетар ядросини шакллантириш асосий сиёсий вазифа сифатида қўйилган эди. Шу йўл билан «қолоқ» ўлкада маҳаллий аҳоли орасидан пролетарлар вужудга келтириш асосида «совет давлатининг хайрихоҳлари»ни кўпайтириш ва совет давлатини Ўрта Осиё миқёсида мустақкамлаш назарда тутилганди.

Яна шунга эътибор бериш керакки, СредазЭКОСО бу республикаларни индустриалаштиришда асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ саноат тармоқларини вужудга келтиришга катта эътибор берди. Шунинг учун ҳам режада қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қимё, тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги

¹ Кондрашев С., Черданцев Г. О пятилетних перспективных планах Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №4-5. -С. 8.

² Кондрашев С., Черданцев Г. О пятилетних перспективных планах Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №4-5. -С. 8-9.

махсулотларини қайта ишлаш саноатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган¹.

СредазЭКОСО оғир саноатни ривожлантириш мақсадида биринчи беш йиллик режада белгиланган капитал маблағнинг 57%ини «А» гуруҳига, 45%ини «Б» гуруҳига сарфлашни режалаштирди². Режада «А» гуруҳига тааллуқли «оғир саноат» таркибига Ўрта Осиё республикалари бўйича ер ости бойликларини казиб олиш тармоқлари яъни кўмир ва нефть казиб олиш, цемент ишлаб чиқариш саноатлари киритилган. Шунинг учун ҳам СредазЭКОСО томонидан Ўрта Осиё республикаларининг 1926/27–1930/31-йилларга мўлжалланган беш йиллик режаси ҳақида мутахассислар томонидан баъзи танқидий фикрлар билдирилади. Жумладан, "Народное хозяйство Средней Азии" журналининг 1927 йилдаги сонларида Г.Я.Сокольников, С.Кондрашев ва Г.Черданцевлар биринчи беш йиллик планининг камчиликлари ва назорат рақамларида баъзи ноаниқликлар борлигини айтиб ўтишган.

СредазЭКОСО 1926–30-йиллар давомида Пленум ва Президиум мажлисларида 300 дан ортиқ масалани кўриб чиқди. Бу масалаларнинг қарийб 28%и саноатлаштириш, 25%и қишлоқ хўжалиги, 26%и пахтачилик, 20%и хом ашё тайёрлаш, шунингдек, транспорт электраштириш, Ўрта Осиё республикаларини ғалла ва саноат моллари билан таъминлаш, савдо, пиллачилик, ирригация, чорвачилик, ишсизликни тугатиш ва х.к. масалаларни ташкил қилган. Кўрилган масалалар кўлами ва улар юзасидан қабул қилинган қарор ва кўрсатмалар СредазЭКОСО фаолиятининг асосий моҳиятини шунингдек, Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг Иттифоқи учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Умуман олганда, Ўрта Осиё республикаларининг саноати бир бирига ўхшашлиги билан характерлидир. Лекин, шундай бўлса-да ҳар бир республика ўзининг йўналишига мос бўлган саноат ривожланишига эга. Агар бу республикалар бўйича саноат маҳсулотлари таркиби кўриб чиқиладиган бўлса, манзара яққол кўзга ташланади. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин (% ҳисобида)³.

¹ Итоги 4-го Пленума Экономического Совета. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №1–2. –С. 8.

² Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т., 1969. –Б. 33.

³ Дурмашкина В. Промышленность Средней Азии за 10 лет. // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №10–12. –С. 61–62.

	ЎзССР		ТССР		ҚирАССР	
	1925/26	1926/27	1925/26	1926/27	1925/26	1926/27
тоғ саноати	1,8	2,8	4,4	3,9	56,5	25,2
к/х хом ашёсини қайта ишлаш	93,9	92,9	82,1	83,7	37,5	73,0
саноат хом ашёсини қайта ишлаш	4,3	4,3	13,5	12,4	6,0	1,8

Жадвалдан кўриниб турибдики, республикалар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибида баъзи фарқлар бор. Масалан, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш юқори бўлгани ҳолда, тоғ саноати паст даражада ривожланган. Туркменистонда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш кўпроқ бўлган бўлса-да, тоғ саноати ва саноат хом ашёсини қайта ишлаш ҳам муҳим роль ўйнаган. Қирғизистон АССРда тоғ саноати билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ҳам сезиларли даражада ривожланган. Тоғ саноати ва саноат хом ашёсини қайта ишлашдаги камайиш ҳисоб-китоб усулида йўл қўйилган хато туфайлидир. Чунки бу ўринда маҳсулотнинг ҳақиқий сотиш баҳоси ўрнига унинг таннархи асосида ҳисоб-китоб қилинган¹.

1928 йил март ойида СредазЭКОСО ва Ўрта Осиё Давлат режа қўмитаси, Савдо халқ комиссарлиги вакилиги, Мехнат халқ комиссарлиги вакилиги, Бош Пахта Қўмитаси вакилиги, банклар ва Туркипак ташкилотлари кенгайтирилган кенгаш ўтказишди. Унда қурилиш, хусусан, саноат қурилишида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Фарғонада Бош Пахта Қўмитаси 19-сонли заводнинг электр станцияси тасдиқланмаган лойиҳа асосида иш бошлагани оқибатида ўз вақтида қуриб битказилмади. Натижада тўқимачилик фабрикаси бир йилгача завод электр станциясидан электр энергияси ололмади². Самарқанд ипак ўраш фабрикаси темир йўлдан анча узоқда қурилганлиги унинг қурилиши ва ишга

¹ Ўша жойда.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №10–12. –С. 63.

туширилганидан кейин ҳам транспорт учун ортикча харажат қилинишига олиб келган¹.

Кенгашда Фарғона тўқимачилик фабрикаси қурилишида қатта камчилик ва хатоликларга йўл қўйилганлиги алоҳида қайд этилди. 6 млн 250 минг рубл қийматга эга бўлган бу фабрика қурилиши учун ноқулай жой танланган, қурилишга тайёргарлик ишлари, қурилиш материалларини тайёрлаш ва таъминлаш ногўғри ташкил қилинган ва ҳ.к. Фабрика сув билан таъминлашнинг тайёр лойиҳасига эга бўлмаган. Шунинг учун ҳам тўқимачилик фабрикасининг қурилиши белгиланган вақтдан ярим йил кеч тугалланди².

Фрунзе (ҳозирги Бишкек) яқинидаги Аламадин гидроэлектростанцияси қурилиши учун дастлаб 580 минг рубл маблағ сарфлаш белгиланган. Бирок лойиҳа ва сметаларнинг ногўғри ҳисобланиши ва қурилиш муддати қарийб бир йилга кечикканлиги оқибатида станция қурилишига сарфланадиган харажатлар икки баробарга ошиб кетган³.

Бундан ташқари, бу даврга келиб Ўрта Осиё республикаларининг саноати Иттифоқ, республика ва маҳаллий секторларга бўлиб юборилди. Қуйидаги жадвалда 1926/27 ва 1927/28-йилларда Иттифоқ, республика ва маҳаллий саноатнинг ялпи маҳсулоти ҳақидаги маълумотларни кўриш мумкин⁴.

5-жадвал

саноат		1926/27		1927/28	
		минг рубл	%да	минг олтин рубл	%да
Иттифоқ	олтин рубл	183409,0	83,0	227344,0	82,0
	урушдан олдинги рубл	133478,4	87,0	164963,5	85,0
республика аҳамиятидаги	олтин рубл	27613,6	13,3	27928	13,6
	урушдан олдинги рубл	12061,0	7,8	19401,1	10,0
маҳаллий	олтин рубл	10496,4	4,7	12465,0	4,4
	урушдан олдинги рубл	7731,0	5,2	10195,0	5,0

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №3. –С. 119.

² Ўша жойда. –Б. 119.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №3. –С. 119.

⁴ Руссак И. Промышленность Средней Азии в 1927/28 гг. // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №8–9. –С. 76–77.

жами саноат	олтин рубл	221519,0	100	277737,0	100
	урушдан олдинги рубл	153270,4	100	194559,6	

Жадвалдан кўриниб турибдики, республика саноати олтин рубл билан ҳисоблаганда 0,3%га ошган, Иттифоқ саноати 1%га, маҳаллий саноат эса 0,3%га ошган.

1927–28-хўжалик йилида кўмир саноати республика ҳисобидан чиқарилиб, Иттифоқ саноати таркибига киритилгач, «Фарғонауголь» трести «Средазуголь» трестига айлантирилди. Умуман олганда, Ўрта Осиё республикаларидаги фойда келтирадиган пахта, ёғ, ипакчилик, ун майдалаш каби саноат корхоналарининг барчаси Иттифоқ саноати таркибига киритилиб, улар устидан Марказ раҳбарлик қилар эди. Фойда келтирмайдиган саноат корхоналари эса республика таркибида қолдирилди. Жумладан, нефть саноати, кооператив саноатлар, озик-овқат (виночилик, пиво ишлаб чиқариш, қанд заводлари) саноати ҳали фойда келтирмаётган корхоналар жумласига киритилган эди¹. Маҳаллий корхоналар республика аҳамиятидаги корхоналарга нисбатан ҳам паст кўрсаткичга эга эди.

Лекин шунга қарамадан 1927-28 йилларга келиб Ўрта Осиё республикаларининг хўжалик ҳаётида сезиларли даражада жонланиш юз берди. Қуйидаги жадвал бунга далил бўла олади².

6-жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1926/27	1927/28	1927/28 й. 1926/27 й.га нисб. % ҳисобида
ялли маҳсулотлар	млн. рублда	412,0	498,7	120,0
ценз саноати	- « -	232,6	297,7	125,8
хунармандчилик саноати	- « -	179,4	206,0	114,8
пахта тозалаш саноати маҳсулотидан	тоннада	141961	187223	131,9

¹ Руссак И. Промышленность Средней Азии в 1927/28 гг. // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №8–9. –С. 78–79.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №6–7. –С. 82.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1926/27	1927/28	1927/28 й. 1926/27 й.га нисб. % хисобиди
кўмир саноати маҳсулотидан	- « -	190236	229563	120,7
ипакчилик саноати маҳсулотидан	тоннада	41,2	102,9	249,8
саноатни капитал маблағ билан таъминлаш	млн. рублда	20,6	29,7	144,2

Юқоридаги маълумотлардан кузатиш мумкинки, 1927-28 хўжалик йилида асосан пахтачилик ва ипакчилик саноатида ўсиш юқори бўлган. Сабаби, шу йилги пахта ва пилла ҳосили яхши бўлганлигидан ҳар икки тармоқ саноати корхоналари етарли даражада хом ашё олган, капитал маблағнинг олдинги йилга нисбатан 144,2%га ошганлиги барча корхоналарга ҳам фойда бермади. Бу маблағдан асосан Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар манфаатдор бўлган.

Ҳунармандчилик саноати Ўрта Осиё республикаларида, айниқса Ўзбекистон ССРда яхши ривожланган. Сабаби, давлат саноати ҳали аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам ЦСУ томонидан 1926/27-хўжалик йилида биринчи маротаба Ўзбекистондаги ҳунармандчилик саноатининг аҳволи ўрганилиб, бу соҳа анча яхши ривожланаётганлиги, ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқарган маҳсулот 138 млн олтин рублга тенг эканлиги аниқланди. Шунингдек, ҳунармандчилик саноатининг бир йиллик маҳсулоти ЎзССР халқ хўжалиги умумий маҳсулотининг 18%ини ва барча йирик саноат ишлаб чиқаришининг 70%ини ташкил қилган¹. Умуман, ўша даврда ЎзССРда ҳунармандчилик билан 130300 киши банд бўлган. Улардан 52%и шаҳарлик ҳунармандлардир. Шунинг учун ҳам ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқарган жами маҳсулотларнинг 75%и шаҳар улушига тўғри келди².

1929 йил июлда СредазЭКОСО Президиуми ипакчилик саноатини ривожлантиришнинг беш йиллик режасини тасдиқлади. Унга кўра, пилла қайнатиш ва ўраш тазлари 1927-28 йилдаги 736 тадан

¹ Решетов Е. Мелкая и кустарно-ремесленная промышленность УзССР. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №7-8. -С. 122.

² Ўша жойда. -Б. 124.

1932–33-йилда 3068 тага етказилди. Натижада пиллани қайта ишлаш 1927–28-йилдаги 133000 кг ўрнига 1932–33 йилда 1054277 кг га етди¹. Бу эса, ўз навбатида, ипакчилик саноатини хом ипак билан таъминлаш муаммосини ҳал қилди. Чунки СредазЭКОСО Президиуми томонидан тасдиқланган беш йиллик режага биноан, беш йиллик охирида Ўрта Осиё республикалари бўйича тайёрланадиган хом пиллани 2 млн пудга етказиш мўлжалланган. Шунингдек, бу йилларда ипакчилик билан боғлиқ бўлган, яъни ипакни қайта ишлайдиган иккита фабрика (Ўзбекистон ва Туркменистонда) куриш, ипакка ранг бериш ва 500 ускунага эга бўлган тўқимачилик ва бошқа фабрикаларни 1933 йилда ишга тушириш кўзда тутилган².

Умуман, саноатнинг ривожланишини акс эттирадиган баъзи кўрсаткичларга мурожаат қилинса, саноатнинг ялпи маҳсулоти ЎзССР бўйича 1931 йилда 590 млн рублга тенг бўлиб, 1930 йилга нисбатан 81,7%га ортган. Тожикистон ССР – 92 млн рубл, ўсиш 317%га тенг. Туркменистон ССР – 115 млн рубл, ўсиш 203%га тенг бўлган. Қирғизистон ССР – 60 млн рубл, ўсиш 256,9%ни ташкил қилган. Саноат ишчилари сони эса қуйидагича кўринишга эга: Ўзбекистон ССР бўйича умумий ишчилар сони 27685 нафар ёки ўсиш олдинги йилга нисбатан 54,3%га тенг; Тожикистон бўйича – 5149 нафар ёки ўсиш 255%; Туркменистонда – 7786 нафар ёки ўсиш 215%; Қирғизистонда – 284 нафар, ўсиш эса 218,3%га тенг³. Юқоридагилар саноат ривожланиши Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон республикаларида юқори бўлганлигини кўрсатади.

Марказ мутахассисларининг ёзишича, Ўрта Осиё республикаларида саноатни тиклаш жараёни 1928–29 йилларда тугалланди, 1929–30 йилдан бошлаб саноатни кенг реконструкциялаш, қайта куриш даври бошланди. Саноатни техник жиҳатдан қайта куриш натижасида баъзи корхоналар, хусусан, пахта тозалаш корхоналари сон жиҳатидан қисқартирилиб, 297 заводдан 66 завод қолдирилди. Ёғ

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №6–7. –С. 124.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №4–5. –С. 143.

³ Болдырев М. Вопросы промышленного развития Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1930. №9–10. –С. 15.

ишлаб чиқариш заводи 36 тадан 9 тага камайтирилди¹. Қолдирилган заводлар техник жиҳатдан янгилашиб, кучли механизмлар ва асбоб-ускуналар ўрнатилди. Кўмир саноатини қайта қуриш эса 1930 йилдан бошланди.

Ўрта Осиё республикалари саноатини техник жиҳатдан қайта қуриш асосан электр энергиясига боғлиқ эди. Шунинг учун энергетика базасини мустаҳкамлаш муҳим вазифа сифатида майдонга чиқди. Бу соҳада 1927-28 йилларда ҳали жуда оз ишлар қилинганди. 1932-33-йилга келиб, электр энергияси қуввати бирмунча ортган. Лекин у бир ишчига 1,56 квт.га тўғри келарди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш Ўрта Осиё республикаларида фабрика-заводлар қурилиши ва қайта қурилиши суръатларидан орқада қолмоқда эди². Бунинг эътиборга олган СредазЭКОСО 1926-30-йиллар мобайнида электр станциялари қурилиши масаласини қарийб 8 марта муҳокама қилди. Масалан, 1927 йил январь ойида Аламадин гидроэлектростанцияси қурилиши масаласи кўриб чиқилиб, станцияни лойиҳалашда катта хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Мажлисда гидроэлектростанция билан бир қаторда теплоэлектростанция қурилишини ҳам бошлаб юбориш зарурлиги таъкидланган³. Шунингдек, 1928 йил февраль ойида СредазЭКОСО ва СредазГосплан қўшма мажлисида Фарғона туманида электростанция қурилиши ҳақидаги масала кўрилди. Бу қурилишга тумандаги барча хўжаликлар имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарурлиги қайд этилди⁴.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё дарёлари арзон энергия ишлаб чиқарадиган энг муҳим ва катта ресурсларга эга, деб тан олинган бўлса-да, ундан фойдаланиш жуда секинлик билан амалга оширилди. Бу дарёларнинг электр қуввати захираси Иттифокдаги захиранинг 14%ини ташкил қилган. Чирчик, Норин, Исфара, Шаҳрихон, Чу ҳамда Вахш дарёларида бир неча гидроэлектростанция қурилди. 1927-28-йилларга келиб, Ўрта Осиёда соатига 18,153 млн Квт электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса,

¹ Ўша жойда. –Б. 16.

² Болдырев М. Вопросы промышленного развития Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1930. №9-10. –С. 16-17.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №1-2. –С. 133-134.

⁴ Ўша жойда. –Б. 113.

1932–33-йиллар охирига келиб бу ракам 7 марта ортган. Масалан, Ўзбекистонда 1924–25-йилларда соатига 15 млн Квт электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 1932–33-йилларга келиб 44 млн Квт ишлаб чиқарилди¹. Электр энергияси ишлаб чиқариш ортиб бориши натижасида Ўрта Осиё республикаларида саноат корхоналарининг сони ва қуввати ҳам ортиб борди.

Ўрта Осиёда саноат қурилиши дастурининг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги тафовут ҳам ўзгарди. 1931 йилдан бошлаб саноат етакчи ўринга чиқа бошлади. Агар 1929–30 йилларда саноат маҳсулотларининг салмоғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан 45%ни ташкил қилган бўлса, 1931–32 йилларга келиб бу миқдор 51%ни ташкил қилди².

Ҳақиқатан ҳам, СредазЭКОСО амалга оширган чора-тадбирлар натижасида Ўрта Осиё республикаларининг биринчи беш йиллик режасидаги ривожланиш суръати умумиттифоқ суръатидан юқори бўлган, буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

7-жадвал

	1928	1932	1928 йилга нисбатан ўсиш, % ҳисобида
СССРда саноат маҳсулотлари (1926–27 й. баҳосида миллиард рубл).	15,8	36,8	233
Ўрта Осиёда (млн рубл)	259	950	366,7
СССРда электр қуввати ишлаб чиқариш (млн рубл)	500,7	13576,3	271
Ўрта Осиёда (млн рубл)	18	45	250
СССРда кўмир казиб чиқариш (минг тонна)	35220	64315	125,5
Ўрта Осиёда (минг тонна)	298,5	1360	422,8
СССРда нефть ишлаб чиқариш (минг тонна)	11382	22270	195,6
Ўрта Осиёда (минг тонна)	40,5	160,0	400

Ўзбекистон ССРда эса 1927–28–1932–34 йиллар мобайнида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ўсиш даражаси

¹ Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т: Ўзбекистон, 1969. –Б. 35.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1930. №9–10. –С. 17–18.

1927–28 йилларда 95%ни ташкил этган бўлса, 1932 йилда – 150%, 1934 йилда – 362%ни ташкил этган¹.

Маълумки, йўл ва транспорт давлат аҳамиятига эга бўлган коммуникациянинг муҳим тармоғи ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун энг зарур бўгин ҳисобланади.

СредазЭКОСО ва Госплан 1927 йил 16–19 январда Тошкентда қўшма кенгаш ўтказди. Кенгашда барча Ўрта Осиё республикалари Госплани раҳбарлари ва СССР Госплани раиси ўринбосари Сокольников иштирок этди. Кенгашда Туркистон-Сибир темирйўл магистрални (Турксибни) қуриш масаласи ҳам кўрилди. Қабул қилинган қарорда темир йўл қурилиши муддатини қискартириш, қурилиш материаллари ва ишчиларни озиқ-овқат билан таъминлашни оқилона йўлга қўйиш мақсадида ишни бирданга икки йўналишда, яъни Фрунзе (Бишкек) ва Семипалатинский шаҳарларидан бошлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланди. СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашидан темирйўл қурилиши учун биринчи йилданоқ катта суммада маблағ ажратиш сўралди. Темирйўл халқ комиссарлигига бу қурилишни уч йил муддатда қуриб битказиш зарурлиги ҳақида кўрсатма берилди. Шунингдек, кенгашда барча Ўрта Осиё республикалари раҳбарларига Турксиб темирйўл магистрални қурилишига зарур бўлган материаллар билан яқиндан ва мунтазам ёрдам бериб туриш вазифаси топширилди. Кенгаш СредазЭКОСО қошида Тошкентда барча Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари вакилларида иборат бўлган «Темирйўл қурилишини қўллаб-қувватлаш комиссияси»ни ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади². СредазЭКОСО ва СредазГоспланнинг 1927 йил апрель ойида бўлган мажлисида эса ушбу комиссия таркибига: Нудъга, Уланов-Зиновьев, Ратехин, Манжара, Трайнин, Брискин, Файзулла Хўжаев, А.Абдурахмонов, Гольперштейн, Аглямков, Насирбоев, Хамутхонов, Булатов, Берх, Кампенус, Аверин, Дунаевлар киритилди. Комиссияга раис қилиб Тер-Егизарьян тайинланди³.

Ўрта Осиё республикалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ёқилғи муаммосини ҳал қилиш мақсадида Кўкёнғоқ кўмири конини

¹ Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник. –Т., 1964. –С. 39.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1927. –№1–2. –С. 130.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1927. –№4. –С. 107.

ривожлантириш ва ундан беш йиллик режада кўзда тутилган 1 млн тонна кўмир казиб олишни ташкил қилиш учун СССР Госплани 1927 йилда Жалолобод-Кўкёнгок-Таранбозор темирйўл тармоғини куриб битказиш вазифасини топширди ва бу курилиш учун 400.000 рубл маблағ ажратилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрини ёқилғи билан таъминлаш мақсадида Угаджа-Тутлик темир йўли тармоғи курилиши ҳам бошлаб юборилди¹.

Умуман, 1933 йилнинг охирларига келиб, Ўрта Осиё республикаларида 3 минг км дан ортиқ янги темирйўл курилиши амалга оширилди. Бунинг учун 250 млн рублга яқин капитал маблағ сарфланган². Шунингдек, СредазЭКОСО темирйўл билан бир қаторда транспортнинг бошқа турларини – сув транспортини (Амударё орқали юк ва йўловчиларни ташиш учун), тош ва автомобил йўллари, ҳатто турли шаҳарлар ўртасида ҳаво йўлини («Добролёт» жамияти орқали) ташкил қилди. Булар нафақат Иттифок манфаати учун, шу билан бирга Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ССР равнақи учун ҳам ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди.

Маълумки, кишлок хўжалиги нафақат Ўзбекистон ССРнинг, шунингдек, барча Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланади. СредазЭКОСО ҳам ўз фаолияти давомида кишлок хўжалигига, айниқса, унинг муҳим тармоғи бўлмиш пахтачилик, пиллачилик ва чорвачилик соҳаларига алоҳида аҳамият берди. Бирок кишлок хўжалиги ривожининг асосий ва муҳим омили бўлган сув ва суғориш ишлари алоҳида эътибор талаб қилар эди. СредазЭКОСО фаолияти давомида ирригация билан боғлиқ бўлган 20 га яқин масалани кўриб чиқди³. Шунингдек, СредазЭКОСО томонидан ишлаб чиқилган Ўрта Осиёни ривожлантириш беш йиллик режасида ҳам суғоришнинг кенг қамровли режаси қабул қилинди. Беш йиллик режада суғориладиган ер майдонини 1930–31 йилларга келиб 4106806 га га етказиш кўзда тутилди ва унга бўладиган умумий харажат 328 млн рубл қилиб белгиланди⁴. Шундан 206,8 млн

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1927. –№1–2. –С. 133.

² Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т.: Ўзбекистон, 1969. –Б. 38.

³ Қаранг: Народное хозяйство Средней Азии. 1924–1932 гг.

⁴ Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т.: Ўзбекистон, 1969. –Б. 38.

рубл (60%) Иттифоқ бюджетидан, қолгани эса аҳолини мажбурий ишлатиш ҳисобига режалаштирилди. Аслида ҳақиқий харажат 424 млн рублни ташкил қилди. Натижада 1927 йилга келиб умумий суғориладиган ерлар 2 млн 427 минг га, яъни урушдан олдинги йилга нисбатан 81,4%ни ташкил қилди¹.

СредазЭКОСО қишлоқ хўжалигининг муҳим ва Иттифоқ учун аҳамиятли тармоғи бўлган пахтачилик масаласига катта эътибор берди. У ўзининг 8 йиллик фаолияти давомида Президиум ва Пленумлар мажлисида қишлоқ хўжалигига оид 25 та масалани кўриб чиққан бўлса, шу давр мобайнида пахтачиликка оид 30 дан ортиқ масалани муҳокама қилди². Бундан кўринадики, СредазЭКОСО пахтачиликни тиклаш ва уни Иттифоқ эҳтиёжи даражасига кўтариш учун бор имконияти ва маблағини аямади.

Иттифоқ ҳукумати ўз директивасида Ўрта Осиё республикаларида пахта экин майдонларини мавжуд суғориладиган ерлар, яъни бошқа экинларни (ғалла, шולי ва ҳ.к.) сиқиб чиқариш эвазига кенгайтириш ҳақида топшириқ берди³. СредазЭКОСО ва Пахта Қўмитаси ҳукумат директиваларини бажариш мақсадида 1927 йилда пахта экин майдонини бошқа экинларни қисқартириш эвазига 34000 га га кўпайтирди⁴. Бу топшириқ деҳқон хўжаликларини дастлаб иқтисодий рағбатлантириш, шундан сўнг тарғибот-ташвиқот ва маъмурий чоралар кўриш йўли билан ғалла, шולי ўрнига пахта экишга мажбурлади. Пахта эккан деҳқон хўжаликлари солиқдан озод қилинди. Ғалла, шולי каби суғориладиган экинлар экканларга оғир солиқлар солинди. Бунинг натижасида 1924 йилда Ўрта Осиё республикалари бўйича умумий пахта экин майдони 258800 десятина бўлиб, олинган ҳосил 4.778.000 пудни ташкил қилган бўлса, 1927 йилга келиб бу кўрсаткич 620000 десятина ва олинган ҳосил эса 10.500.000 пудга тенг бўлди⁵.

Умуман, Иттифоқ ҳукумати топшириғи билан СредазЭКОСО ва Бош Пахта Қўмитаси Ўрта Осиё республикалари, жумладан,

¹ Мамченко Н. Сельское хозяйство Средней Азии (К 10-й годовщине пролетарской диктатуры). // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №10-12. -С. 8.

² Каранг: Народное хозяйство Средней Азии. 1924-1932 гг.

³ Мамченко Н. К посевной хлопковой кампании 1927 г. // Народное хозяйство Средней Азии. 1926. №11-12. -С. 5.

⁴ Уша жойда. -Б. 5.

⁵ Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №10-12. -С. 23.

Ўзбекистон ССР беш йиллик режасининг пахтачилик қисмини ҳар йили қайта кўриб чиқиб, пахта экин майдонларини ошириб борди. Масалан, 1928 йил март ойида бўлган Средаз'ЭКОСОНинг кенгайтирилган мажлисида Ўрта Осиё республикаларида пахта экиш беш йиллик режасининг 1927–28-хўжалик йили қайта кўриб чиқилди¹. Мажлис қарорига биноан, пахта экин майдонларини 1927–28-хўжалик йилида 447 минг га га, ҳар га дан олинадиган ҳосилни 56 пудга етказиш топширилган. Умумий пахта ҳосилини эса 47 млн пудга етказиш белгилаб берилди. Бу беш йиллик режасидагига нисбатан анча ортиқ эди. Мазкур қарорга асосан бунга Ўрта Осиё республикалари бўйича кўриб чиқиладиган бўлса: ЎзССР – 600 минг га (режага нисбатан 40 минг га ортиқ), олинадиган ҳосил 34 млн пуд; Туркменистон ССР – 104 минг га, олинадиган ҳосил эса 6 млн пуд; Тожикистон АССР – 42 минг га, олинадиган ҳосил 1,5 млн пуд; Қозоғистон – 48 минг га, олинадиган ҳосил 2,35 млн пуд; Қорақалпоғистон – 27,5 минг га, олинадиган ҳосил 1,4 млн пуд; Қирғизистон – 45 минг га, олинадиган ҳосил 2,3 млн пуд, жами 868 минг га, олинадиган пахта ҳосили 47,550 млн пудни ташкил қилиши керак эди.

Иттифок пахтага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида беш йиллик режани қайта кўриб, пахта экин майдонларини мунтазам ошириб боргани билан бу республикаларнинг жумладан, Ўзбекистон ССРнинг имкониятлари Марказ талабини қондира олмас эди. Шунинг учун ҳам қайта кўриб чиқилган режалар бажарилмай қоларди. Масалан, 1927–28-хўжалик йилида Ўзбекистон ССРга 600 минг га ерга пахта экиш топширилган бўлса, аслида республиканинг имконияти 483, 5 минг га ни ташкил қилди, холос². Ўрта Осиё республикалари бўйича ғўза майдони 847 минг га қилиб белгиланган бўлса-да, аслида 1927–28-хўжалик йилида 763 га ерга пахта экилган³. Бу марказий ҳукумат топшириғининг 84 минг га га бажарилмаганлигидан далолат беради. 1928–1929-хўжалик йилида 599,2 минг га майдонга пахта экилиб, ундан 543,7 минг тонна

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №3. –С. 112.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. –Т., 1967. –С. 102.

³ Ибодов Н. Ўзбекистон халқ хўжалигини бошқариш органлари. –Т.: Ўзбекистон, 1969. –Б. 39.

пахта хом ашёси йиғиб олинди¹. Бу «оқ олтин»нинг 90%дан ошиғи Иттифок саноат корхоналарига жўнатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Иттифокнинг пахта майдонларини кўпайтириш ҳақидаги кўрсатмалари амалга оширилиши натижасида республикада ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган буғдой экиладиган майдонлар 1925 йилдан то 1928 йилгача 21%га, шולי майдонлари 20%га қисқарди. Ўз навбатида пахта экин майдонлари 32%дан 43,5%гача кенгайди². Бирок И.Сталин бошчилигидаги СССР маъмуриятини бу миқдор ҳам қониқтирмади. 1929 йил 18 июлда ВКП(б) МҚ қабул қилган «Бош Пахтачилик Қўмитасининг иши тўғрисида» ва «Пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарорларида шундай дейилган: жорий 5 йилликда «пахтачиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш зарур. Чунки 5 йиллик якунида орттирилган зарурий захира Иттифокни нафақат чет элдан келтириладиган пахтадан озод қилади, балки тўқимачилик саноатини келажакда янада кенгайтириш ва ривожлантиришга имкон яратади»³.

XX аср 20-йилларининг охирига бориб, мамлакатда большевиклар партияси яккахокимликка эришди. Совет ҳукуматининг сиёсий, мафкуравий сиқуви кучайиб борди. Бунинг дастлабки қадами сифатида 1929 йилдан янги иқтисодий сиёсатга чек қўйишни мисол келтирса бўлади. Оқибатда деҳқон хўжалиklarини ихтиёрий асосда жамоалаштириш зўравонлик ва сунъий йўл билан амалга оширилди. Ўзига тўқ деҳқон хўжалиklари жамоа хўжалиklарига кирмаганлиги учун «бой-қулок унсурлар» тамғаси билан жазоланди ва сургун қилинди. Шу билан бирга, 1930 йилнинг 1 феввалида Ўрта Осиё республикалари бўйича жамоа хўжалиklари пахта топшириш режасини 30,9%га бажарган бўлса, якка деҳқон хўжалиklари 79,8%га бажарган⁴. Бу аҳвол Сталин бошлиқ Иттифок ҳукумати олиб бораётган сиёсатга мутлақо тўғри келмас эди. Натижада 1930 йилдан бошлаб мамлакатда ёппасига жамоалаштириш кампанияси бошлаб юборилди.

1 Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. –Т., 1967. –С. 102.

2 ЎзР МДА. Р85-фонд, 1-руйхат, 301-иш, 34-варақ.

3 ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2342-иш, 35-варақ.

4 Народное хозяйство Средней Азии. 1930. №11–12. –С. 5.

Ўзбекистон ССРда 1930 йил баҳорги экин экиш мавсумига келиб деҳқон хўжалиklarининг 27,7%и жамоалаштирилди, ҳолбуки 1929 йил 1 октябр гача республикада жамоа хўжалиklари (колхозлар) атиги 3,4% хўжалиklарни қамраб олган эди, холос¹. Оқибатда Ўзбекистон ССРнинг пахтакор туманларида жамоалаштириш 1932 йилнинг охирларига бориб асосан тугалланди. 1934 йил апрель ойигача республиканинг 74,1% (662473) деҳқон хўжалиги жамоалаштирилган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткич 81,7%га етказилди².

1934 йилга келиб республикада жамоалаштирилган хўжалиklar сони 8600 тага етди, умумий суғорма экин майдонлари 89%ни, пахта майдонлари 92%ни ташкил этди³.

Шу тариқа Ўзбекистон ССРда пахтачиликни ривожлантириш 1929 йилдан бошлаб янги тус олди. СССРнинг пахта мустақиллигини тулиқ таъминлаш мақсадида пахтачиликни ривожлантириш учун кўрилган чоралар қуйидагича натижаларни берди:

8-жадвал

Йил	Пахта экилган майдонлар (га)	Етиштирилган пахта (тонна)
1929	639.900	575.200
1930	883.800	744.300
1931	1019.2	755.200
1932	1027.3	804.300
1933	989.100	860.000
1934	952.400	855.000 ²

Умумий пахта майдонлари 1929 йилдан 1934 йилгача 45,5%га ўсди⁴.

Иттифок партия ва совет ташкилотларининг пахта мустақиллигига эришиш борасида олиб борган ишлари натижасида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида пахта яккахокимлиги юзага келди. Чунки 1932

¹ Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930–1932 гг.) Сб. док. –Т., 1990. –С. 9.

² Аминова Р.Х. Осуществление коллективизации в Узбекистане (1929–1932 гг.). –Т., 1977. –С. 112.

³ Социалистическое строительство в Узбекистане: закономерности и особенности. –Т., 1989. –С. 33.

⁴ ЎЗР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2342-иш, 36-41-варақлар.

йилдаёқ кишлок хўжалиги маҳсулотлари орасида пахта 86%ни ташкил қилган эди. Шу вақтда умумиттифок ялли пахта ҳосилининг 62,2%и Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келиб, бу СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнади¹.

Пахтачилик соҳасидаги бу ютук Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Ўзбекистон ССРда пахта яккаҳоқимлигини юзага келтириши ва унинг оқибатлари кишлок хўжалигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Пахта яккаҳоқимлиги зарарли эканлигини яхши тушунган бир қатор олимлар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазалари билан чиқа бошладилар. 1928–29-йилларда матбуот саҳифаларида ўнлаб мунозарали мақолалар эълон қилинган². Ҳатто Бош Пахта Қўмитаси вакиллиги 1928 йили Тошкентда пахта яккаҳоқимлиги масаласида олимлар, мутахассислар иштирокида кенг мунозара ўтказди³. Бир қатор олимлар, жумладан, профессорлар В.Р.Вильямс, Н.Иванов, Заварцев, М.Никольский, Ю.Пославский, Н.Ярашевич, А.В.Чаяновлар ўз чиқишларида Ўрта Осиё республикаларида пахта экин майдонларини биринчи беш йилликда белгиланган даражада (беш йиллик охирида 1.266.500 га етказиш кўзда тутилган эди)⁴ жадаллик билан, айниқса, янги ўзлаштирилган ерлар билан бир қаторда суғориладиган бошқа экинлар, жумладан, ғалла, шоли, маккажўхори, боғдорчилик ва х.к.ларни қисқартириш эвазига кенгайтириш агрономик, мелиоратив ва экологик нуқтаи назардан нотўғри эканлигини баён қилдилар.

М.Никольский ва А.Ивановларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Андижон округида камбағал (кам ерли) деҳқон хўжаликлари ўз ерларининг 86%ига, ўзига тўқ, катта ерга эга бўлган хўжаликлар эса 60%ига, Фарғона округида эса камбағал деҳқон хўжаликлари 74%ига, бой хўжаликлар 51% ерига пахта эккан⁵. Бу камбағал деҳқон хўжалиги кўп даромад келтирадиган

¹ Социалистическое строительство в Узбекистане: закономерности и особенности. –Т., 1989. –С. 34.

² Каранг: Пути сельского хозяйства. –М., 1928. №7, 8; За реконструкцию сельского хозяйства. –Т., 1929. №1; Хлопковое дело. –Т., 1929. №2; Народное хозяйство Средней Азии. –Т., 1929. №2, 3, 6, 7 и др.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2–3. –С. 38.

⁴ Уша жойда. 1926. №8–9. –С. 117.

⁵ Никольский М. Монокультура хлопчатника в Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2–3. –С. 35.

пахта экинини экишга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Ўзига тўк деҳқон хўжаликлари эса ердан рационал фойдаланиб, бошқа экинларни ҳам экиб, алмашлаб экишга имкон топишган.

Шунингдек, профессорлар В.Р.Вильямс ва М.Никольский ўрта Осиё республикаларининг экин экиладиган ерларини илмий жихатдан ўрганиб, бу ўлка тупроғини ўта мураккаб, бир-биридан фарк қилувчи 26 типга бўлган эдилар¹. Улар бу мураккаб тупрок тузилмаси суғорма, айниқса, текис ерга чигит экиб, ёппасига бостириб суғориладиган экинлар учун хавфли эканлигини ёздадилар. Уларнинг фикрича, ёппасига бостириб суғориш (20-йилларнинг иккинчи ярмига қадар эгат олиб суғориш, механизация билан эгатга чигит экиб, унинг орасига ишлов бериш амалда қўлланилмаган), биринчидан, ернинг шўрланишига, иккинчидан эса тупрок таркибининг бузилишига олиб келиши ва деҳқончилик учун яроксиз бўлиб қолиши мумкин. Улар Бухоро ва Хоразм округларида пахта экилган ерларнинг қайта шўрланганлигини мисол тариқасида кўрсатдилар. Шунинг учун пахта экин майдонларини керагидан ортик кўпайтирмасдан, агрономик қоидаларга асосланиб, умумий суғориладиган ерларнинг 28%ига пахта экиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб таъкидлайдилар. Шунингдек, олимлар ирригация ишларига кенг эътибор бериб, мелиорация ишларига эътибор қилмаслик ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқаришини айтганлар. Чунки мелиорация ер таркиби соғломлигини назорат қилувчи омил бўлиб, у давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир, деб айтадилар.

Бир қатор олимлар, жумладан, Н.Мамченко, М.Болдырев, профессор Шредер ўз мулоҳазаларида агар пахта экилаётган майдонларга тўғри ишлов берилса, тўғри ўғитланса, шунингдек, об-хаво шароити тўғри ҳисобга олинган бўлса, ерга сурункасига пахта экиш мумкин, деб исботлашга ҳаракат қилганлар². Н.Мамченко эса ўз мақоласида пахта экин майдонларини ғалла, шоли ва бошқа экинлар ҳисобига тезлик билан алмаштириш зарурлигини ёқлаб чиқади³. Шунингдек, «Народное хозяйство Средней Азии» журналида номаълум муаллиф томонидан М.Никольский мақоласига қарши

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2-3. -С. 28.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2-3. -С. 43.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №8. -С. 65.

ёзилган тақризда муаллиф пахта яккаҳоқимлигига қарши бўлган олимларни танқид қилиб, уларни «масаланинг иктисодий томониغا эътибор бермаганликда» айблаган. Умуман 30-йиллар бошларига келиб, пахта яккаҳоқимлигига қаршилик билдирган олимлар қувғин остига олиндилар¹. СССРда пахта мустақиллиги учун кескин кураш кетаётган бир пайтда бундай «демократик» чиқишлар Иттифок манфаатларига мутлақо мос келмас эди.

Республикада пахта майдонларининг кенгайиши ва йиғиб олинган пахта ҳосилининг ортиб бориши билан уни Марказга олиб кетиш миқдори ҳам ортиб борди. Масалан, 1932 йилда республикадан Марказга 506.981 тонна пахта хом ашёси жўнатилган бўлса, 1933 йилда у 502.058 тоннани ташкил қилди². 1934 йилнинг январь-февралда 46198 тонна пахта толаси жўнатилган бўлса³, август ойн ичида жами 262.384 тонна тола жўнатилган⁴.

Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг муҳим ва алоҳида йўналишга эга бўлган тармоғи чорвачилик бўлиб, у аҳоли учун нафақат яхши даромад келтирадиган соҳа, шу билан бирга, деҳқончиликда асосий иш қуроли – хизмат қилувчи куч ҳисобланган. Агар Ўрта Осиё республикаларида 1926 йилда барча ҳайвонлар сони 19.140.400 бош бўлган бўлса, 1928 йилга келиб бу рақам 21.624.500 бошни ташкил қилган. Шу йилларда Ўзбекистон ССРда умумий ҳайвонлар сони 6.905.400 бошдан 1928 йилда 7.614.100 бошга етди. Бу рақамлар 1914 йил билан таққосланса, Ўрта Осиё бўйича 100,3%ни, Ўзбекистон бўйича 104,2%ни ташкил қилган. Демак, чорва ҳайвонларининг баъзи турлари (от, қорамол, қўйдан ташқари) урушдан олдинги кўрсаткичга етган⁵.

Агар Ўрта Осиё республикалари бўйича чорвачиликнинг қишлоқ хўжалиги умумий даромадидаги салмоғига қараладиган бўлса, у 1927 йилда Қирғизистон бўйича 42,7%ни, Тожикистон бўйича 55,1%ни, Ўзбекистон бўйича 13,5%ни ва Туркменистон

¹ Новиков Ю. Уроки истории // Звезда Востока. 1990. №6. –С. 5.

² ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-рўйхат, 2341-иш, 20-варак.

³ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-рўйхат, 2341-иш, 23-варак.

⁴ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-рўйхат, 2341-иш, 1-варак.

⁵ Народное хозяйство Средней Азии в цифрах. –Т., 1929. –С. 40–41.

бўйича 36,7%ни ташкил қилган¹. Бу ракамлар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда чорвачилик айрим ҳудудларни (Фарғона водийсининг тоғолди туманлари, Бухоронинг тоғ қисми, чўл ва кумликдан иборат бўлган ғарб ва жануб туманлари) ҳисобга олмаганда, кишлок хўжалигида асосан ёрдамчи хўжалик сифатида ривожланган. Қирғизистон ССРда эса чорвачилик кишлок хўжалиги билан тенг даражада ривожланиб, алоҳида тармоқ сифатида экстенсив шаклга эга бўлди. Туркменистоннинг кенг чўл далалари чорвачилик экстенсив шаклда ривожланиши имконини берган. Тожикистон эса деҳқончилик ва чорвачиликни интенсив ва экстенсив ривожлантириш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун ҳам Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонда чорвачиликнинг салмоғи юқоридир. Бироқ чорва ҳайвонларининг умумий сони бўйича бир бош йирик қорамолдан тушадиган даромад ҳисобидан Ўзбекистон ССР анча юқори турган².

Ёппасига жамоалаштириш йилларида Ўрта Осиё республикаларида, айниқса, Ўзбекистонда чорва молларининг сони анча қисқариб кетди. Шу боис СредазЭКОСО Ўрта Осиё республикаларида чорвачиликни тиклаш ва ривожлантириш, энг муҳими, унинг зотдорлигига эътибор қаратди. Жумладан, СредазЭКОСОНинг 1929 йил апрель ойида бўлган Президиуми мажлисида чорвачилик масаласи кўрилиб, унда бу борадаги баъзи муаммоларни ечиш, унинг истиқболли йўналишини белгилаш ва республикалар ўртасида чорвачилик масаласида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, шунингдек, чорвачилик соҳасида тажриба-тадқиқот ишларини ташкил қилиш зарурлигини эътироф этган ҳолда, СредазЭКОСО қошида мунтазам иш олиб борувчи чорвачилик кўмитаси ташкил қилинди. Кўмита таркибига Ўрта Осиё республикалари Ер ишлари халқ комиссарлигининг вакиллари, турли ҳиссадорлик жамиятлари, гўшт маҳсулотлари уюшмалари, Ветеринар-бактериология институти ҳамда бошқа ташкилотлар вакиллари киритилди³.

¹ Итоги 4-го Пленума Экономического Совета. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №1-2. -С. 31.

² Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2-3. -С. 32.

³ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №4-5. -С. 144.

Кўрилган бу чора-тадбирлар натижасида Ўрта Осиё республикаларида, хусусан, Ўзбекистонда 1933–34-хўжалик йилига келиб чорвачилик соҳасида жонланиш юз берди. Бу, энг аввало, жамоалаштириш натижасида чорвачиликнинг хўжаликлараро тақсимланишида ўз аксини топди. Яъни улар колхознинг товар фермаси (КТФ), жамоа хўжалиги, давлат хўжалиklarининг чорва моллари ҳамда хусусий чорва моллари, деб номлана бошлади. 1934 йилда Ўзбекистонда 948 та КТФ бўлиб, унда 639694 бош чорва моллари, жамоа хўжаликлари қўлида эса 729229 бош чорва моллари бирлаштирилди. КТФ ва жамоа хўжаликларида бирлаштирилган чорва моллари умумий чорва молларининг 38,8%ини ташкил қилган¹. Бундан ташқари, Ўзбекистонда махсус қоракўлчилик совхозлари ташкил қилиниб, уларда 421614 бош қоракўл қўйлари бирлаштирилди. Бу умумий қоракўл қўйлариининг 42,6%ини ташкил қилади. Бундан кўринадики, умумий чорва молларининг 61,2%и, қоракўл қўйлариининг 57,4%и аҳоли қўлида бўлган.

1926 йил 13-15 сентябрда ўтказилган СредазЭКОСО Президиумининг 7-сонли мажлисида 1925–1926-хўжалик йилидаги хом ашё тўплаш кампанияси масаласи кўрилиб, хом ашё тўплаш комиссиясининг фаолияти жиддий танқид қилинди, мажлисида 1926–1927-хўжалик йилида хом ашё тўловчи ташкилотларни Ўрта Осиё миқёсида унификация қилиш (бир хиллаштириш) йўли билан қайта қуришга қарор қилинди. Мазкур қарорга кўра Ўзбекистон ССРда хом ашё тўплаш ягона давлат ташкилотлари ва кишлок хўжалиги кооперациялари орқали амалга ошириладиган бўлди. Кенгашнинг хом ашё тўлашда давлат ташкилотлари ва кишлок хўжалиги кооперативлари ролини кучайтиришдан кўзлаган асосий мақсади хом ашёга белгиланган қатъий нархни сақлаб қолиш ва хусусий соҳани бозордан сиқиб чиқариш эди. Шу мақсадда у давлат органларига йирик бозорларда хусусий тижоратчилар ва агентуралар томонидан хом ашё тўпланишига чек қўйиш ва улар ўрнига йирик бозор марказларида кишлок хўжалиги кооперативлари орқали хом ашё тўплашни жонлантириш вазифасини юклади².

¹ Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК. Т., 1987. –С. 619.

² ЎзР МДА. Р85-фонд. 1-рўйхат, 50-иш, 128-варак.

1926–1927-хўжалик йилида СредазЭКОС Онинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ССРда хом ашё тўплаш сезиларли даражада (айрим турларни ҳисобга олмаганда) жонланди. Масалан, май ойида тери топшириш режадагидан 4,4% ортиғи билан бажарилиб, 1300900 дона йиғиб олинган бўлса¹, йирик терилар режада белгиланган 36 минг ўрнига 21 минг дона миқдорида йиғиб олинди². Хайвон ичаклари ҳам муҳим хом ашё турларидан бири ҳисобланади, 1926–1927-хўжалик йилида бу хом ашё белгиланган режаси 92,1%га бажарилиб, 1694300 та ичак йиғиб олинди. Бунда режа бажарилмаганлигига асосий сабаб шу даврда Ўзбекистонда ичак нархи 74 тийиндан 38 тийинга тушиб кетганлигидадир³.

Умуман, Ўрта Осиё республикаларидан йиғиб олинадиган хом ашё СредазЭКОСО учун Иттифок аҳамиятидаги масала эди. Шунинг учун ҳам Кенгаш Ўз фаолияти давомида бу масалани Президиум ва Пленумлар кун тартиби муҳокамасига ўттиз мартага яқин қўйган⁴. Масалан, СредазЭКОС Онинг 1929 йил апрель ойида бўлган мажлисида Ўрта Осиё республикаларида асосий хом ашё тўловчилар давлат савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги кооперацияларига қўшимча Бутуниттифок тери синдикатлари (ВКС) ҳам белгиланган бўлиб, банкларга асосан шу ташкилотларни хом ашё йиғиш учун кредит билан таъминлаш топширилган эди⁵.

СредазЭКОСО томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1930–33-йиллар давомида тери хом ашёсини тўплаш анча жонланди. Агар шу йиллар ичида Ўрта Осиё республикалари бўйича давлатга топширилган йирик терилар 2 млн 611 минг донага етказилган бўлса, майда терилар 14 млн 984 минг донани ташкил қилди⁶. Республикаларда бу кўрсаткич қуйидагича бўлди: йирик терилар бўйича Ўзбекистон ССР – 1 млн 206 минг дона, майда терилар бўйича эса 6 млн 802 минг дона; Тожикистон АССР – 242,4 минг дона йирик тери, 1 млн 697 минг дона майда тери; Туркменистон

¹ Основные черты народного хозяйства Средней Азии в 1926–1927 годы. –Т., 1928. –С. 49–51.

² ЎзР МДА. Р85-фонд, 1-рўйхат, 230-иш, 15-варак.

³ Основные черты народного хозяйства Средней Азии в 1926–1927 годы. –Т., 1928. –С. 53.

⁴ Қаранг: Народное хозяйство Средней Азии. 1924–1930 гг. –С. 53.

⁵ Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №4–5. –С. 143.

⁶ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-рўйхат, 2308-иш, 6-варак.

ССР – 380,2 минг дона йирик тери, 2 млн 842 минг дона майда тери; Қирғизистон ССР – 673,0 минг дона йирик тери, 3 млн 360 минг дона майда тери. Кўриниб турибдики, тери хом ашёсини йиғиб топшириш бўйича ҳам Ўзбекистон ССР асосий ўринни эгаллаб, Иттифоқнинг муҳим хом ашё базаси ҳисобланган.

Ўзбекистондан йиғиб олинаётган хом ашёнинг асосий қисми аввалгидек Марказга, Иттифоқ енгил ва мудофаа саноатининг эҳтиёжини қондириш ҳамда хорижий мамлакатларга экспорт учун олиб кетилар эди. Хусусан, кўрилаётган даврда Ўзбекистон экспортида биринчи ўринда пахта турган бўлса, кейинги ўринда қоракўл териси, пилла, чорвачилик хом ашёси ва бошқа маҳсулотлар турарди. Агар 1925–1926-хўжалик йилида республикада 314192 дона қоракўл тери тўпланиб, ундан 314.224 таси экспорт қилинган бўлса, 1926–1927-йилларда 607.360 дона қоракўл тери тўпланиб, ундан 510.672 таси, 1927–1928-йилларда эса 838 минг дона тўпланиб, ундан 751.790 таси экспортга чиқарилган. Ўзбекистон ССР пилла етказиб беришда ҳам асосий ўринда турган. 1927 йилда Средаз-ЭКОСО республикадаги асосий ипакчилик ташкилоти «Туркипак» ҳиссадорлик жамияти капиталини бирданига 5 млн рублга оширди¹. Шундан сўнг ипакчилик тармоғида ривожланиш жадаллашди. Агар 1927 йилда 3128 тонна пилла тайёрланган бўлса², 1930 йилда бу миқдор 69672 тоннага³, 1931 йилда 6460,4 тоннага⁴, 1932 йилда 5902 тоннага,⁵ 1933 йилда 7465 тоннага⁶, 1934 йилда эса 8228 тоннага кўтарилди⁷. Тайёрланган маҳсулот миқдори ортиб бориши билан уни Марказ ва экспортга жўнатиш ҳам кўпайган.

Умуман, республикадан Ғарбий Европа мамлакатларига 1926–1927-йилларда 12.840.180 рублга тенг хом ашё (пахтадан ташқари) экспорт қилинган бўлса, 1927–1928-йилларнинг 9 ойида

¹ 1926 йилда Туркипакнинг умумий капитали 3 млн рублни ташкил этиб, унинг 74,46%ни Ўзбекистон ССР хиссасига тўғри келган. Бу ҳақда қаранг: ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2161-иш, 55, 65-варақлар.

² ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2322-иш, 88-варақ.

³ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2250-иш, 15-варақ.

⁴ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2251-иш, 68-варақ.

⁵ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2322-иш, 88-варақ.

⁶ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2322-иш, 16-варақ.

⁷ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2386-иш, 18-варақ.

9.554.690 рублга тенг, 1928–1929-йилларнинг биринчи ярмигача эса 4995092 рублга тенг маҳсулот экспорт қилинган¹. Ўзбекистон ССР экспортга маҳсулот бериш режасини 95,3%га бажарди². 1934 йилга келиб, Иттифоқ марказий ҳукумати қоракўл соҳасида жаҳон бозорида яккахоқимликни ўз қўлида сақлаб туришни мўлжаллаб, СредазЭКОСО орқали Ўзбекистон раҳбариятига республикада қоракўлчиликни янада ривожлантириш учун барча имкониятлардан максимал даражада фойдаланишни қаттиқ талаб қилди. Натижада 1928–1929-йилларда республикадан йиғиб олинган қоракўл териларидан 846650 донаси Марказга жўнатилган бўлса³, 1930 йилда Москвага жўнатилган қоракўл терининг миқдори 915 минг донага етди⁴.

Ўзбекистон ССРдан қоракўл териларини кўплаб жўнатиш оқибатида 1929–1931 йиллар оралиғида қоракўл қўйларининг сони икки баробарга қисқариб кетди. Шундан сўнг СредазЭКОСО республикада қоракўл қўйлари камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида кейинги йилларда қоракўл териларини тўплаш режасини қисқартиришга мажбур бўлди. Агар 1931 йилда республикадан 634.480 дона қоракўл териси йиғиб олинган бўлса, 1932 йилда бу миқдор 470.601 донани, 1933 йилда 431174 донани ташкил этди⁵.

Ўзбекистондан йиғиб олинаётган хом ашё маҳсулотлари ичида қимматбаҳо мўйна, жун, хом тери ва қурук мева маҳсулотларига ҳам алоҳида эътибор берилди. 1926–1927-хўжалик йилида юқорида бу хом ашё маҳсулотларини йиғиб олиш йирик давлат ташкилотлари: «Узгосторг», «Россредаз», «Узохотсоюз», «Ўзбексельсоюз» ва «Ташохотсоюз» орқали амалга оширилди. 1926–27-хўжалик йилида биргина мўйна режадаги 110000 дона ўрнига 138530 дона йиғиб олинган бўлса⁶, 1931 йилда 232.400 рубллик, 1933 йилда эса 689.900 рубллик йиғиб олинган. Мех хом ашёсидан эса 1931 йилда 538.100 рубллик йиғилган бўлса, 1933 йилда 668.900 рубллик йиғиб олинган

¹ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2698-иш, 2-варак.

² Қаранг: Р85-фонд, 1-руйхат, 337-иш, 13-варак.

³ Қаранг: Р85-фонд, 1-руйхат, 337-иш, 126-варак.

⁴ ЎзР МДА. Р85-фонд, 1-руйхат, 301-иш, 158-варак.

⁵ ЎзР МДА. Р9-фонд, 1-руйхат, 2312-иш, 35-варак.

⁶ ЎзР МДА. Р 85-фонд, 1-руйхат, 143-иш, 2-варак.

эди¹. 1934 йил май ойига келиб мўйна ва мех хом ашёсини йиғиб олиш режаси 79,1%га бажарилиб, жами 236433 рубллик мўйна ва 214518 рубллик мех хом ашёси йиғиб олинган эди². Шулар билан бир қаторда, хом тери ва жун. қуруқ меваларни тўплаш миқдори ҳам ортиб борган эди. Йиғиб олинган барча турдаги хом ашё асосан Иттифоқ саноат корхоналарига ташқи савдо экспорти учун юборилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу маҳсулотларнинг экспорти СССР Ташқи савдо халқ комиссарликлари орқали амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати қатъий валютада юз миллионлаб рублни ташкил этарди. Бирок бу экспортдан олинган фойдадан ўзбек халқи ўз фаровонлиги ва миллий иқтисодиётини мустақамлаш йўлида фойдалана олмас эди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, СредазЭКОСО ўз фаолияти давомида имкон қадар кўплаб масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Юқорида муҳокама қилинган масалалар билан бир қаторда, савдо-сотик, Ўрта Осиё аҳолисини ғалла ва саноат моллари, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва саноат молларининг нархини белгилаш, банк ва пул муомаласи, кадрлар масаласи, ишсизликни тугатиш, хотин-қизлар меҳнатидан самарали фойдаланиш, Ўрта Осиё республикаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва ҳ.к. каби кўплаб масалалар СредазЭКОСОНинг Президиуми ва Пленуми мажлисларида кўриб чиқилган. Кўрилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар шундан далолат берадики, СредазЭКОСО асосан Иттифоқ манфаатларини кўзлаб, Ўрта Осиё республикаларини ҳақиқатан ҳам иқтисодий жиҳатдан Марказга қарам қилиш ва унинг хом ашё базасига айлантириш борасида фаолият юритган. Кенгаш Президиуми ва Пленуми мажлислари кун тартибида Ўрта Осиё халқларининг фаровонлиги, моддий аҳволини яхшилаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, миллий урф-одатлари ва кадриятларини ҳимоя қилиш, миллий кадрларни тайёрлаш ва раҳбарлик лавозимларига кўтариш каби масалалар кўрилмади.

¹ ЎзР МДА. Р 9-фонд, 1-рўйхат, 2243-иш, 1-варақ.

² ЎзР МДА. Р 9-фонд, 1-рўйхат, 2384-иш, 6-8-варақлар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистонда СредазЭКОСО савий-ҳаракатлари билан иқтисодийнинг марказлашган бошқаруви ва ҳўжалик юритишнинг қаттиққўл тизими жорий этилди. Ўрта Осиё республикалари, Марказ режалаштирганидек, аграр, чорвачилик ва чала хом ашё даражасида маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноатга ихтисослаштирилди.

1934 йил 2 октябрида СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қарори билан СредазЭКОСО фаолияти тугатилди¹. Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Ўрта Осиё халқлари тарихида ўлкада «иқтисодий тоталитаризм»нинг юзага келишида муҳим роль ўйнаган орган сифатида ном қолдирди.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т., 2000. –Б. 221.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистонда содир бўлган тарихий жараёнларнинг таҳлили шундан далолат берадики, марксизм ғояларига таянган совет ҳокимияти аввалбошданок зўравонликка асосланган давлат тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Туркистон ўлкасида аҳолининг мутлақо озчилигини ташкил қилган пролетариат кўпчилиқни ўзининг хоҳиш-иродасига бўйсундириш учун зўравонлик қилишдан бошқа чора топа олмади.

Совет ҳукумати бу ўлкани хом ашё базаси сифатида ўз измида сақлаб қолиш учун барча чора-тадбирларни кўрган. Энг аввало, барча ҳудудларда пастдан юқоригача сиёсий, иқтисодий ва маданий бошқарув идоралари ташкил қилинди. Жойларда маҳаллий бошқарув идораларини назорат қилувчи Марказнинг назоратчи идоралари ҳам тузилди. Бу маҳаллий халқларга нисбатан ишончсизликдан далолат эди. XX аср 20–30 йилларида Туркистон минтақасида совет ҳокимияти томонидан ташкил қилинган Туркбюро, Турккомиссия, Средазбюро каби сиёсий-мафқуравий назоратчи органлар Тошкентда фаолият кўрсатиб, ҳукмронлик қилдилар. Маҳаллий раҳбарлар уларнинг измидан чиқолмас, ўзларича ташаббус кўрсатиб, бир иш қилишларига йўл қўйилмас эди.

Назоратчи органларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўлкада мулкчиликнинг барча турларига эгаллик қилиш бекор қилиниб, улар давлат мулки, деб эълон қилинди. Мажбурий меҳнат йўлга қўйилиб, ишлаб чиқариш ҳарбийлаштирилди. Бундан норози бўлган халқ оммаси большевикларнинг бу режимига қарши қуролли кураш бошлади. Бу кураш айниқса Фарғона водийсида ва Бухорода оммавий тус олган.

Туркистон ўлкасидаги қуролли кураш совет ҳукуматининг бошқа бирорта миллий республикасида бу даражада кучли бўлмаган. Шу

туфайли большевиклар Туркистоннинг барча ресурсларини бу ўлкада совет ҳокимиятини сақлаб қолиш учун сафарбар қилдилар. Фавқулодда чора сифатида ва сиёсий ҳокимиятни ҳимоя қилаётган кизил аскарларни озиқ-овқат, отларни ем-хашак билан таъминлаш учун «ҳарбий коммунизм» сиёсати қўлланди. Большевикларнинг «коммунизмга сакраш» сиёсатидаги озиқ-овқат развёрсткаси дехқон хўжалиklarининг бор-будини тортиб олиб, ўзларини хонавайрон қилди. 1920 йилнинг бошларига келиб, бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистон ўлкаси ҳам иқтисодий тангликни бошидан кечирди, очарчилик гирдобида қолди.

Туркистонда юз берган бу инкирозли ҳолат, большевиклар раҳбарияти фикрича, жойларда совет давлатининг заифлиги, бошқарув органларининг фаолиятсизлиги, айниқса, ўлка иқтисодиётини бошқариш тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли юз берди. Туркистон АССРдаги иқтисодий танглик большевиклар ҳукуматига қўл келган. Марказлашган қўшма давлат учун юқоридан туриб бошқариладиган иқтисодий база керак эди. Уларнинг мақсади мамлакатнинг бутун иқтисодиётини Марказ қўл остига бирлаштириш ва бошқариш бўлган. Туркистон АССР ҳам бундан мустасно эмасди.

Туркистонда юзага келган оғир иқтисодий аҳвол очарчилик ва юқумли касалликларни ниҳоятда кучайтириб юборди. Шунга қарамадан, ҳокимият тепасига чиқиб олган большевиклар ўлкада юзага келган оғир ижтимоий аҳволни ҳал қилишдан кўра кўпроқ Марказдан жўнатиладиган директива ва кўрсатмаларни кутиш ва уларни бажариш билан овора бўлди.

1921 йил бошларига келиб, марказий ҳукумат бутун мамлакат микёсида юзага келган иқтисодий танқисликдан чиқиб кетиш (асосан совет ҳокимиятини сақлаб қолиш) мақсадида янги иқтисодий сиёсат (НЭП)ни қўллашга қарор қилди. НЭП эса орқага, большевиклар инкор қилган савдо-сотик ва бозор муносабатларига, ҳуллас, капитализмга қайтиш эди.

Совет давлати Туркистон АССРни, сўнгра миллий-ҳудудий чегараланиш амалга оширилганидан сўнг ташкил қилинган Ўрта Осиё миллий республикалари иқтисодиётини ўз қўлида тутиб туриш мақсадида босқичма-босқич Иқтисодий Кенгашлар ташкил

килиб борди. Иқтисодий Кенгашлар Марказнинг жойлардаги «кўзи ва қулоғи» бўлиши керак эди. Ҳар бир Иқтисодий Кенгаш олдига алоҳида вазифалар қўйилди. Бу вазифалар йўналиши ва тури бўйича турли мазмун ва шаклда бўлишига қарамай, унинг моҳияти битта – иқтисодиётни назорат қилиш ва бошқариш, уни Марказ манфаатларига бўйсундиришдан иборат бўлди.

Марказ Туркистон қишлоқ хўжалигини тиклаш жараёнида, аввало, ўзи учун муҳим бўлган тармоқларга, яъни биринчи галда пахтачиликни тиклашга эътибор қаратди. Бу соҳа учун катта маблағлар ажратилган. Асосий мақсад Туркистонни Марказнинг хом ашё базаси сифатида ривожлантириш эди.

Туркистон иқтисодиётида пахтачилик устувор йўналиш хисобланса-да, чорвачилик ва пиллачилик ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Империя давридаёқ чорвачилик хом ашёси, айниқса, қорақўл терилари (тери, жун, ичак ва ҳ.к.) ва мўйначилик ўта қадрланган ҳамда бу соҳага алоҳида эътибор берилган. ТИК ҳам хонавайрон бўлган чорвачиликни тиклашга катта эътибор қаратди. Энг аввало, сон жиҳатдан қисқариб кетган чорва молларининг миқдорини кўпайтиришга, сўнгра сифатини яхшилаб боришга изчиллик билан ҳаракат қилди. Бунинг учун давлат томонидан маблағ ажратилди. Сабаби, Марказнинг чорвачилик хом ашёсига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётган эди.

1920 йил февраль ва сентябрь ойларида икки хонлик ўрнида сунъий равишда ташкил қилинган Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари (БХСР ва ХХСР) совет давлатининг жаҳон афкор оммаси кўзи олдида қилган сиёсий ўйини эди. БХСР ва ХХСР мустақил давлатлар сифатида узок яшаши мумкин эмас эди. Бу большевикларнинг Ўрта Осиёда узокни кўзлаб режалаштирган сиёсий-ташкилий ишларини амалга оширишга ҳалакит берар эди. Яъни большевиклар, Россия империяси сингари, Ўрта Осиёни ўз қўли остида маҳкам ушлаб, ўзининг хом ашё базасига айлантириш ва ўлканинг бойликларига эгалик қилишни режалаштирган эди. Айниқса, хом ашёга бой Бухоро ва Хоразм республикалари Марказ учун сув ва ҳаводек зарур эди.

Бу масалани большевиклар ҳукумати устомонлик билан хал қилди. Бухоро ва Хоразм республикаларини бирданига йўқ

килиб, СССР таркибига қўшиб юбориш мумкин эмас эди. Буни тушунган Марказ раҳбарияти аввал бу «мустақил» давлатларни Туркистон АССР билан иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни маъқул кўрди. 1923 йил март ойида бўлган биринчи иқтисодий конференцияда Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам Иқтисодий Кенгашлар ташкил қилиниб, улар асосида Туркистон АССР, БХСР ва ХХСР иқтисодий жиҳатдан бирлаштирилди. Учала республика иқтисодиётини бошқариш иқтисодий конференцияда ташкил қилинган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши зиммасига юкланди.

Бухоро ва Хоразмнинг мустақиллик рамзларидан бири бўлган валютаси бекор қилиниб, совет пули муомалага киритилди. Шунингдек, ҳар иккала республикада мавжуд бўлган солиқ тизими бекор қилиниб, советлар солиқ тизими жорий қилинди. БХСР ва ХХСР ташқи алоқалар масаласида ҳам мустақилликни бой берди. Ташқи алоқалар фақат Марказ орқали ёки унинг рухсати билан олиб бориладиган бўлди. Шу тариқа Ўрта Осиёда ХХ аср бошларида юзага келган БХСР ва ХХСР давлатлари ўзининг иқтисодий мустақиллигидан маҳрум қилиндилар.

Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар ташкил топгач, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши фаолияти тугатилиб, уларнинг иқтисодиётини бошқариш республикалараро орган — УполСТО ва унинг Иқтисодий Бюроси зиммасига юкланди. Бироқ бу орган фаолияти кам самарали бўлган. Бундан ташқари, Ўрта Осиё истикболида Тожикистон ва Қирғизистон мухтор вилоятлари асосида янги Тожикистон ССР ва Қирғизистон ССРнинг ташкил қилиниши кутилмоқда эди. Бу Ўрта Осиёда йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республикаларнинг юзага келишидан далолат эди. Марказнинг мақсади Ўрта Осиёда ана шу тўртта миллий республика иқтисодиётини бирлаштириб, Марказ учун йирик хом ашё базасини яратиш, энг муҳими, тўртта республика кишлоқ хўжалигида пахтачиликни устувор йўналиш қилиб белгилаш асосида СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш эди. Шу нуқтаи назардан олганда, янги Иқтисодий Кенгаш кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган республикаларга мос ва улар устидан ўзининг ҳуқуқини ўтказа оладиган даражадаги мавқега эга бўлиши керак эди. Буни яхши тушунган марказий ҳукумат 1926

йил июль ойида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)ни ташкил қилиб, уни тўғридан-тўғри Марказга бўйсундирди.

СредазЭКОСО ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон ССР иқтисодиётини Марказ манфаатларига мослаштирди. Ўрта Осиё республикаларининг Иттифок ягона иқтисодий мажмуасидаги ўрни ва вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги юзага келишида, саноатнинг бир томонлама, чала хом ашё шаклида маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилишида, хом ашёнинг Марказга ташиб кетилиши ва тайёр саноат молларини келтиришда СредазЭКОСОНинг «хизмати» катта бўлган.

СредазЭКОСО Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бераётган даврда ташкил қилинган. У бу республикалар саноатини тиклаш ишларини яхшилаб, саноатни қайта қуриш (реконструкция) жараёнини бошлаб берди, қишлоқ хўжалигида ер-сув ислохотларини яқунлаб, ёппасига жамоалаштиришни жадаллаштиришда, ўзига тўқ деҳқон хўжаликларини «қулоқ» қилиб жазолаш ва сургун қилишда Средазбюро билан ҳамкорликда фаол иштирок этди.

Энг муҳими, СредазЭКОСО Марказнинг мустаҳкам тузилмаси сифатида Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бошқариш тизимини қаттиққўллик билан марказлаштиришда муҳим роль ўйнаган. Мазкур республикалар иқтисодиёти бошқарув тизимини Марказ қўлига мустаҳкам тутқазиб, иқтисодий тоталитаризмни юзага келтирди. Шу боис Марказ тасарруфида бўлган бу кенгаш миллий республикалар ҳақ-хуқуқларини инобатга олмай, улар тақдирида салбий из қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари

1. *Каримов И.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –380 б.
2. *Каримов И.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
3. *Каримов И.* Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –686 б.
4. *Каримов И.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –429 б.
5. *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йук. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –32 б.
6. *Каримов И.* Адолатли жамият сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. –160 б.
7. *Каримов И.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз уз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва катъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. –400 б.
8. *Каримов И.* Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –526 б.
9. *Каримов И.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. –445 б.
10. *Каримов И.* Инсон. унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. –Т.: Ўзбекистон. 2006. –280 б.
11. *Каримов И.* Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –48 б.

Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари

1. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 – Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919–1920 гг. С введением тов. Рыскулова. –Т.: Туркгосиздат, 1922. –94 с.
2. Основные черты народного хозяйства Средней Азии в 1926–1927 годы. – Т., 1928. –167 с.
3. Отчет о деятельности Туркестанского Экономического Совета Туркеспублики за февраль–октябрь месяцы 1921 г. – Т., 1922. 198 с.
4. Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркеспублики на 1 октября 1922 г. – Т.: ГЭС, 1922. –405 с.
5. Отчет о деятельности Джетысуйского Областного Экономического Сопещания за 1921–1933 хозяйственный год. Алма-Ата, 1923. –182 с.
6. Отчет Туркменского Областного Экономического Сопещания Экономическому совету за январь–октябрь месяцы 1922 г. –Т.: Туркменского облэко. 1922. –324 с.
7. Отчет Сыр-Дарьинского областного экономического сопещания за 1921–1922 хозяйственный год. –Т.: Сыр-Дарьинского облэко. 1923. –134 с.

8. Отчет Самаркандского Областного Экономического Совещания с 1-го октября 1921 г. по 1-го апреля 1922 г. Составлен Самаркандским областным стат. бюро. —Самарканд. 1922. —52 с.
9. Отчет 1-го съезда Экономических Совещаний Туркеспублики. Составитель А.П.Апухтин. —Т.: ТЭС, 1922. —106 с.
10. Отчет 2-го съезда Экономических Совещаний Туркестанской республики 26–30 ноября 1922 г. —Т.: ТЭС, 1923. —88 с.
11. Отчет о деятельности Главного Хлопкового Комитета за время с 1-20 июля 1922 г. по 1-ое июля 1929 г. —М., 1924. —119 с.
12. Отчет Средне-Азиатского отделения Российской восточной торговой палаты за 1924 год. —Т., 1925. —16 с.
13. Отчет Средне-Азиатского отделения Российской восточной торговой палаты за 1925 год. —Т., 1926. —32 с.
14. Отчет Союза Советов сельскохозяйственной кредитной корпорации Узбекистана «Узсельсоюз» за время с 1-го октября 1925 г. по 1-ое января 1927 г. —Самарканд: Узсельсоюз, 1927. —44 с.
15. Перспективные хозяйства Туркеспублики 1924–1929 гг. —Т.: ТЭС, 1924. —1034 с.
16. Первая Экономическая Конференция Среднеазиатских республик — Туркестана, Бухары и Хорезма. 5–9 марта 1923 г. Стенографический отчет. —Т.: Туркгосиздат, 1923. —86 с.
17. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. /Сборник документов. Т. 1. —Т.: АН УзССР, 1963. —653 с.
18. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. /Сборник документов. Т. 2. —Т.: Фан, 1972. —608 с.
19. Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917–1920). /Сборник документов. —Т.: Госиздат УзССР, 1955. —214 с.
20. Речи, произнесенные на первом заседании Среднеазиатского Экономического Совета 30 июля 1926 г. (по стенограмме). —Т.: СредазЭКОСО, 1926. —28 с.
21. РСФСР, ЦСУ Туркеспублики. Статистический ежегодник 1917–1923 г. Сост. под ред. Д.А.Красновского. Т. II. —Т.: ТЭС, 1924. —598 с.
22. Сборник документов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики (23 ноября 1917 г. по 1 июня 1918 г.). —Т., 1918. —50 с.
23. Сборник важнейших декретов, постановлений, распоряжений Правительства ТАССР за 1917–1922 гг. —Т.: Комиссии СНК, 1922. —213 с.
24. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917–1926 гг.). Сборник документов. —Т.: Фан, 1962. —796 с.
25. Сплошная коллективизация сельского хозяйства Узбекистана (1930–1932 гг.). Сборник документов. —Т.: Узбекистан, 1980. —341 с.
26. Хозяйственный план Туркеспублики на 1923 год в пределах государственного бюджета. —Т.: ТЭС, 1933. —281 с.
27. Хозяйственный план Туркеспублики на 1923–1924 гг. —Т.: ТЭС, 1923. —604 с.

Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Ўзбекистон МДА)

- 1-фонд – Ўрта Осиё Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши бошқармаси (Упол-СТО).
- 9-фонд – Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СЭС).
- 17-фонд – Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ) Со-ветлари.
- 18-фонд – Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ГЭС).
- 25-фонд – Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Кенгаши.
- 26-фонд – Марказий Халқ Хўжалиги Кенгаши.
- 27-фонд – Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши.
- 36-фонд – Туркистон Миллий Ишлар Халқ Комиссарлиги.
- 85-фонд – Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги вакиллик органи.
- 86-фонд – Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси.
- 400-фонд – Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қошидаги Архив бошқармаси.
- 2027-фонд – Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви (ЎЗР ПДА)

- 60-фонд – Туркистон Компартияси Марказий Комитети (ТКП(б) МК).

Даврий матбуот

Газеталар:

Правда (Москва), 1921–1924 гг. Известия ВЦИК Советов (Москва), 1922 г. Известия ТКП(б) и Турк ШИК (Ташкент), 1917–1921 г. Наша газета (Ташкент), 1919 г. Туркестанская правда (Ташкент), 1921–1924 гг. Экономическая жизнь (Ташкент), 1911–1924 гг. Жизнь национальностей (Москва), 1921–1924 гг.

Журналлар:

Народное хозяйство Туркестана (Ташкент), 1919–1922 гг. Народное хозяйство Средней Азии (Ташкент), 1925–1929 гг.

Адабиётлар

1. *Азгамходжаев А., Уразаев Ш.З.* Развитие Советской государственности в Узбекистане. –М., 1960. –125 с.
2. *Алексеев П.* Кокандская автономия. –Т.: УзГПИЗ, 1931. –72 с.
3. *Алимова Д.А., Голованов А.А.* Узбекистан в 1917-1990 годы: противоборство идей и идеологий. –Т.: УД АН РУ, 2002. –79 с.
4. *Алламурадов Д.* Деятельность Советов Узбекистана по восстановлению народного хозяйства (1921–1924 гг.). –Т.: Наука. 1965. –156 с.

5. *Аминова Р.Х.* Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭП. –Т.: Наука, 1965. –347 с.
6. *Арифханова З.Х., Чеботарева В.Г.* Решение национального вопроса в Узбекистане. –Т.: Фан, 1979. –199 с.
7. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. –Т.: Маънавият, 2000. –168 б.
8. *Бойжонов Р.* Туркистонда Октябрь революцияси исторнографиясига доир (1917-1967 йй.). –Т.: Ўзбекистон, 1969. –280 б.
9. *Болдырев М.* Вопросы промышленного развития Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. –Т.: СредазЭКОСО, 1930. №9-10. –С.15
10. *Борисов Н.* Октябрь в Туркестане. –Т.: Изд. подотдела печати ЦК КПТ, 1922. –25 с.
11. *Воскобойников Э.А., Зевелев А.И.* Турккомиссия ВЦИК и Совнаркома РСФСР и Туркбюро ЦК ВКП(б) в борьбе за укрепление Советской власти в Туркестане. –Т.: Госиздат, 1951. –192 с.
12. В.И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тугрисида. –Т.: Ўзбекистон, 1984. –800 б.
13. *Ваҳобов М.* ва бошқалар. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи (очерклар). –Т.: Ўзбекистон, 1969. –470 б.
14. *Гентшике В.Л., Таджибаев А.А.* Формирование рабочего класса Средней Азии (20-е-30-е годы). –Т., 1992. –56 с.
15. *Голованов А.А.* Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения (1917-1934 гг.). –Т.: Фан, 1992. –160 с.
16. *Голованов А., Ражабов Қ.* Совет даврида пахта яккахокимлигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари (1865-1990 йй.). // Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 207-312;
17. *Голованов А., Ражабов Қ.* «Оқ олтин»нинг қора қисмати. // Тарих шохидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. –Т.: Шарқ, 2001. –Б. 216-324.
18. *Гордиенко А.* Образование Туркестанской АССР. –М.: Наука, 1968. –312 с.
19. *Додонов И.К.* Национально-освободительное движение в Узбекистане после свержения царизма. –Т.: Фан, 1947. –186 с.
20. *Додонов И.К.* Победа Октябрьской революции в Туркестане. –Т.: Фан, 1958. –173 с.
21. Деятельность Коммунистической партии и советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (1925-1937 гг.). –Т.: Узбекистан, 1990. –С. 309.
22. *Дурмашкина В.* Промышленность Средней Азии за 10 лет. // Народное хозяйство Средней Азии. –Т.: СредазЭКОСО, 1927. №10-12. –С. 61-62.
23. *Жураев М.* Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана в период победы и упрочения социализма. –Т.: Фан, 1987. –117 с.

24. *Зиёев Х.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи. –Т.: Шарқ, 2001. –445 б.
25. *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918–1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. –176 б.
26. *Ибодов Н.* Ўзбекистон халқ ҳўжалигини бошқариш органлари. –Т.: Ўзбекистон, 1969. –60 б.
27. *Иноятов Х.Ш.* Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. –М.: Мысль, 1984. –410 б.
28. *Иномжонов З.* Туркистон АССРнинг тузилиши ва ривожланиши. –Т., 1957. –56 б.
29. История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. –Т.: АН УзССР. Институт экономики, 1962. –373 с.
30. *Исхоков Ф.* Прошлое глазами историка. –Т.: Узбекистан, 1990. –176 с.
31. История рабочего класса Узбекистана. Т. 1. –Т.: Наука, 1964. –338 с.
32. Историография и источниковедение истории Компартии Туркестана. – Т.: Узбекистан, 1989. –190 с.
33. История гражданской войны в Узбекистане. В двух томах. Т. 1. –Т.: Наука, 1964. –440 с.; Т. 2. –Т.: Фан, 1970. –364 с.
34. История Узбекской ССР. Под ред. И.М.Муминова. Т. 3. –Т.: Фан, 1967. –700 с.
35. История Узбекистана (1917–1995 гг.). –Т.: Ўқитувчи, 1995. –344 с.
36. История России: XX век. – М.: ООО Издательство АТС, 2000. – 608 с.
37. *Ишанов А.И. Файзулла Ходжаев.* –Т.: Узбекистан, 1972. –101 с.
38. Каримов Р. Ўзбекистон социал-иктисодий тараққиёти тарихидан. –Т.: Фан, 1981. –63 б.
39. *Каримов Р.Х.* Узбекистан в период восстановления народного хозяйства СССР (1921-1925 гг.). –Т.: Узбекистан, 1974. –196 с.
40. *Кондрашев С., Черданцев Г.* О пятилетних перспективных планах Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №4–5. –С. 8.
41. *Қуллиев Х.* Мустабид жамиятнинг иктисодий пойдеворини шакллантириш (1917–1920 йй.). –Т.: Фан, 1996. –25 б.
42. *Лаврентьев В.* Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). –Ленинград, 1930. –160 с.
43. *Мамченко Н.* Сельское хозяйство Средней Азии (К 10-й годовщине пролетарской диктатуры) // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №10–12. –С. 8.
44. *Мамченко Н.* К посевной хлопковой кампании 1927 г. // Народное хозяйство Средней Азии. 1926. №11–12. –С. 5.
45. *Муравейский С.Д.* Материалы по истории Октябрьской революции в Узбекистане. –Т.: Изд. подотдела печати ЦК УПТ, 1922. –48 с.
46. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. –Т.: Шарқ, 2000. –432 б.
47. *Назаров С.* Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б) (1922-1934 гг.). –Т.: Узбекистан, 1965. –118 с.

48. Назаров М. Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида (1918–1920 йй.). –Т.: Ўздавнашр, 1961. –299 б.
49. Новиков Ю. Уроки истории // Звезда Востока. 1990. №6. –С. 27.
50. Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Сб. статистических материалов. –Т. Узбекистан, 1967. –С. 240.
51. Никольский М. Монокультура хлопчатника в Средней Азии. // Народное хозяйство Средней Азии. 1929. №2–3. –С. 35.
52. Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана. –Т.: Университет, 1997. –52 с.
53. Нуруллин Р.А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. –Т.: Фан, 1965. –288 с.
54. Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. Ответственный редактор Р.Раджапова. –Т.: Фан, 1991. –288 с.
55. Озеров Л.С. Строительство социализма в СССР и международная пролетарская солидарность (1921–1937 гг.). – М.: Мысль, 1972. –236 с.
56. Построение фундамента социалистической экономики в СССР (1926–1932 гг.). – М.: Изд. АН СССР. Институт экономики. 1960. –574 с.
57. Потребительская кооперация Узбекистана в 1925–1926 хозяйственный год (материалы к III собранию «Узбекбирлашув»). –Самарканд, 1927. –92 с.
58. Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. –Т.: Фан, 1967. –772 с.
59. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йй.). – Т.: Ўзбекистон, 2000. –32 б.
60. Ражабов Қ. Россиянинг Туркистондаги мустамлака сиёсати ва унинг оқибатлари. // «Иқтисодий мерос ва жаҳон тарихи» мавзусидаги республика илмий конференцияси материаллари. –Т., 2000. –Б. 50–54.
61. Ражабов Қ. Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Т.: Маънавият, 2002. –144 б.
62. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йй.). –Т.: Университет, 2002. –156 б.
63. Ражабов Қ. Мадаминбек – миллий қахрамон. // Жаннатмакон, 2008, №3. –Б. 52–61.
64. Раджапова Р.Я. и др. История Узбекистана (1917–1993 гг.). Учебник для 9-класса. –Т.: Укитувчи, 1995. –394 с.
65. Раззоқов А. Ўзбекистон пахтачилик тарихи (ўтмиш ва ҳозир). –Т.: Ўзбекистон, 1994. –304 б.
66. Решетов Е. Мелкая и кустарно-ремесленная промышленность УзССР. // Народное хозяйство Средней Азии. 1928. №7–8. –С. 122.
67. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. –Т.: Госиздат УзССР, 1957. –С. 266.
68. Руссак И. Промышленность Средней Азии в 1927–28 гг. // Народное хозяйство Средней Азии. 1927. №8–9. –С. 78–79.

69. *Рябич Р.Г.* Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. –Т.: Фан, 1991. –121 с.
70. Социалистическое строительство в Узбекистане: закономерности и особенности. Сб. научных трудов. –Т.: ТашГУ, 1969. –96 с.
71. *Темирходжаев П.* Укрепление ленинского союза рабочего класса и трудового дехканства Туркестана в 1921–1924 гг. –Т.: Фан, 1969. –173 с.
72. *Тонких В.А., Ярецкий Ю.Л.* История политической и правовой мысли России. –М.: Гуманитиздат ВЛАДОС, 1999. –384 с.
73. Три года Советской власти. –Т.: Туркиздат, 1920. –87 с.
74. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова. –Т.: Шарк, 2000. –672 с.
75. *Турсунов Х.Т.* Образование Узбекской Советской Социалистической Республики. –Т.: Фан, 1957. –244 с.
76. *Ульмасбаев Ш.Н.* Промышленное развитие Советского Узбекистана. Историко-экономический очерк. –Т.: Госиздат УзССР, 1958. –244 с.
77. *Ульмасбаев Ш.Н., Слива С.А.* Индустриальное развитие Узбекистана за годы Советской власти. –Т.: Узбекистан, 1966. –270 с.
78. *Уразаев З.* Туркестанская АССР – первое социалистическое государство в Средней Азии. –М.: Госиздат, 1961. –179 б.
79. *Хакимов М.А., Серый Я.М.* Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. –Т.: Узбекистан, 1964. –131 с.
80. *Ходжаев Ф.* К пятилетию существования Узбекской ССР. Итоги и очередные задачи хозяйственного строительства. –Ташкент–Самарканд: УзГИЗ, 1929. –41 с.
81. *Ходжаев Ф.* Хозяйственное положение Узбекской ССР и перспективы его развития. –Т.: Узб. Госиздательство, 1925. –49 с.
82. *Хужаев Ф.* Танланган асарлар. Т. 2. –Т.: Фан, 1978. –676 б.
83. *Ўзбекистоннинг янги тарихи.* 2-китоб. *Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.* Илмий муҳаррир М.Жўраев. –Т.: Шарк, 2000. –688 б.
84. *Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи.* 3-китоб. –Т.: Ўзбекистон, 1972. –582 б.
85. *Ўзбекистон тарихи (1917-1991).* 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир Д.Алимова. –Т.: Шарк, 2000. –416 б.
86. *Ўзбекистон тарихи (олий ўқув юртлирининг номутахассис факультетлари талабалари учун дарслик).* Р.Х.Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. –Т.: Янги аср авлоди, 2003. –675 б.
87. *Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар.* Даврий тўплам, №2 // Таҳрир хайъати: Д.Алимова ва бошқ. –Т.: Шарк, 1999. –208 б.
88. *Хайитматов И.* Совет хокимиятининг одимлари (1918–1920). –Т.: Ўзбекистон, 1975. –35 б.
89. *Хайитов Ш., Бидриддинов С., Раҳмонов К.* Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданият хаёти (1920–1924). –Бухоро, 2005. –154 б.
90. *Alexandr G. Park.* Bolshevism in Turkestan 1917-1927/ Columbia University Press. –New York, 1957. –428.

91. *Pipes Richard*. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917–1923/ Cambridge, Mass. Harward University Press. 1957. –355 s.
92. *Geoffrey Wheeler*. The modern history of Soviet Central Asia. –London, Weidenfeld and Nicolson, 1964. –272 s.
93. *Baymirza Hayit*. Turkistonda boqmachilik haraketi tarixi haqqida mulohazalar // Milli Turkistan. –1967. №118. –S. 13–21.
94. *Ali Bademci*. 1917–1934 yu. Turkiston Milliy istiklal harekati va Enver Pasa Korbasilar. –Istanbul. 1975. –567s.

Диссертация ва авторефератлар

1. *Абдуллаев Р.* Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918 годы. Автореф. дисс. докт. ист. наук. –Т., 1998. –62 с.
2. *Агзамходжаев С.* Туркистон мухторияти: борба за свободу и независимость (1917–1918 гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. –Т., 1996. –62 с.
3. *Зияева Д.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918–1924 гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. –Т., 1999. –61с.
4. *Ибодов Н.* Опыт организации управления народным хозяйством Узбекистана в восстановительный период (1921–1928 гг.). Дисс. ... канд. эконом. наук. –Т., 1965.
5. *Ерметов А.А.* Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталигар тузум урнатилишидаги ўрни (1918–1924 йй.). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т., 2006. –29 б.
6. *Куллиев Х.* Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917/1920 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1998. –30 с.
7. *Норжигитова Н.* Историография «басмаческого движения» в Туркестане (советский период). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1995. –27 с.
8. *Озерова Н.Г.* Дехканство Туркестана в условиях перехода к нэпу (1921–1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Т., 1997. –29с.
9. *Раджабов К.К.* Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918–1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1995. –32 с.
10. *Раджабов К.К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918–1924 гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 2005. –64 с.
11. *Хайдаров М.М.* Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917–1924 гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., 1998. –28 с.
12. *Хайдаров И.М.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917–1934 йй.). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Т., 2007. –29 б.

МУНДАРИЖА

Сузбоши	3
<i>I боб.</i> Туркистон Ұлкасида совет хокимиятининг иқтисодий сиёсати ва оқибатлари. Туркистон иқтисодий кенгашининг ташкил қилиниши ва фаолияти	5
1.1. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги	5
1.2. Большевиклар хукмронлигининг дастлабки йилларида Туркистон Ұлкасининг ижтимоий-иқтисодий ахволи. Туркистон Иқтисодий Кенгашининг ташкил қилиниши	15
1.3. Туркистон Иқтисодий Кенгашининг Ұлка саноатини тиклашдаги ўрни	31
1.4. Туркистон Иқтисодий Кенгашининг Ұлка қишлоқ хўжалигини тиклаш буйича сиёсати	49
<i>II боб.</i> Ҷрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг дастлабки фаолияти	71
2.1. Ҷрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ташкил этилиши	71
2.2. Ҷрта Осиё республикалари иқтисодиётининг Марказ манфаатларига буйсундирилиши	81
<i>III боб.</i> Ҷрта Осиё иқтисодий кенгашининг Ҷзбекистон ССР иқтисодиёти СССРнинг ягона халқ хўжалиги мажмуасига жорий қилинишидаги роли	96
3.1. Марказнинг Иқтисодий Бюро ва янги асосдаги Ҷрта Осиё Иқтисодий Кенгашини ташкил қилишдан кўзлаган мақсади ҳамда унинг моҳияти	96
3.2. Ҷрта Осиё республикаларининг иқтисодий жиҳатдан СССРга қарам бўлиши ва унинг хом ашё базасига айлантирилишида СредазЭКОСнинг ўрни	112
Хулоса	138
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар руйхати	143

Иззатилла Хайдаров

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ
КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ
(1917–1934-йиллар)**

Тошкент – «ABU MATBUOT-KONSALT» – 2008

Мухаррир *В. Умиров*

Мусаххих *Г. Келдиёрова*

Рассом *Ж. Гурова*

Саҳифаловчи *А. Юлдашева*

Босишга рухсат этилди 2008.14.05. Бичими 60×84 $\frac{1}{16}$, «Таймс» гарнитураси.
Шартли б.т. 8,83. Нашр б.т. 8,9. Адади 500 нусха. 143-сонли буюртма.

«ABU MATBUOT-KONSALT» нашриёти.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 16-А.

«Amaprint» МЧЖ босмахонаси. 100182, Тошкент, Х. Бойқаро, 41.